

---

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ**  
**JOURNAL OF LAW RESEARCH**

**2019 №7**

---



**TOSHKENT-2019**

---

---

**Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований //**  
**Journal of law research**

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 22.06.2017 йилда,  
1175-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган.  
Зарегистрировано свидетельством # 1175 от 22.06.2017г.  
Агентством печати и информации Республики Узбекистан  
The journal of law research was registered by the certificate # 1175 from 22.06.2017.  
The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan

**Бош муҳаррир**  
**Главный редактор**  
**Chief Editor**  
проф. д.ю.н., проф.  
(Doctor of Law, Professor)  
Абдурасулова Кумринисо Раимқулловна

**Бош муҳаррир ўринбосари**  
**Заместитель главного редактора**  
**Deputy Chief Editor**  
к.ю.н., доцент  
(Candidate of Law, Associate professor)  
Файзиев Шохруд Фармонович

**"Ҳуқуқий тадқиқотлар" журнали таҳририй**  
**маслаҳат кенгаши**

**International Editorial Board of the journal**  
**Международный редакционный совет журнала**  
**"Правовые исследования"**

**12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines**

Ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев  
Ю. ф. д., проф. Ахмедшаева Мавлюда  
Ю. ф. д., проф. Мухиддинова Фирюза  
Ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё  
Ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto  
(Japan)  
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян  
(Республика Армения)

**12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Молия ва боғхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right**

Ю. ф. д. Гулчехра Маликова  
Ю. ф. д. Хусанов Озод  
Ю. ф. н. Хван Леонид Борисович  
Ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee  
(South Korea)  
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна  
(Российская Федерация)

**12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law**

юримдик фанлар доктори, профессор Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой, Рузиназаров Рустам, Рузиев Шухрат, Шомухамедова Замира, Баратов Миродил, Бобоқул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

**12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳақамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation**

юримдик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Ғсанова Замира Нормуродовна, Ғгамбердиев Эминжон, Мамасидиқов Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

**12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи.Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law**

Ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна, ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич, ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб (Российская Федерация)

---

---

**12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law**

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич (Российская Федерация)

**12.00.07 - Суд ҳоқимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy**

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович, Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович, ю.ф.н., доц. Салаев Нодирбек Сапарбаевич (Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ) д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход, ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин, ю.ф.д. Мирзаев Азиз

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат Раҳмаджонович (Республика Таджикистан), д.ю.н., проф. Елене Антонья Александровна (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Жансараява Рима Ернатовна (Республика Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси / Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин, ю.ф.д., проф. Тулаганова Гулчехра Заҳитовна, ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany), д.ю.н., проф. Стойко Николай Геннадьевич (Российская Федерация), Проф. Рыжаков Александр Петрович (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика Беларусь)

**12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law**

Ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодирюридик, ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра, ю.ф.н., проф. Юлдашева Говержан

Alexander Trunk (Germany)

**Намра тайёрловчи:** Ҳамидов Нурмуҳаммад

---

**Контакт Редакция журнала Правовых исследований:  
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.  
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000**

---

**Editorial staff of the journal Law Research:  
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6, Mehrigiyo Street, 1-A.  
Email: info@tadqiqot.uz Phone: (+998-94) 404-0000**

---

---

**12.00.03 ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО.  
СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО**

**Бабажанова Динара Исламовна,**

Тошкент давлат юридик университети  
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси  
катта ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-1>

## **ОТА-ОНА ҚАРАМОЎИДАН МАХРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ МЕЗОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ**

**Аннотация:** мақола ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни жойлаштириш институтини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган. Унда муаллиф ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни жойлаштириш, фарзандликка олиш, оилага тарбияга (патронат) олиш, васийлик ва ҳомийликка олиш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида "Меҳрибонлик" уйларино неинституционаллаштириш, хорижий мамлакатлар тажрибаси, фарзандликка олишни тартибга солувчи қонунчилик, фарзандликка олишнинг суд тартибини жорий этилиши таҳлил қилинади. Хулосада муаллиф оила қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифларни беради.

**Калит сўзлар:** ота-она қарамоғидан махрум бўлган болалар, ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни аниқлаш, меҳрибонлик уйлари, фарзандликка бериш, васийлик ва ҳомийлик, етимлик, оилага тарбияга олиш (патронат).

---

**Бабажанова Динара Исламовна,**

старший преподаватель кафедры  
"Гражданское право" Ташкентского  
государственного юридического университета

## **ПРАВОВОЙ ОБЗОР КРИТЕРИЕВ УСТРОЙСТВА ДЕТЕЙ, ОСТАВШИХСЯ БЕЗ ПОПЕЧЕНИЯ РОДИТЕЛЕЙ**

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы совершенствования института устройства детей, оставшихся без попечения родителей. Автором изучены проблемы устройства детей, оставшихся без попечения родителей, усыновления, принятие детей в семью (патронат), опеки и попечительства. Анализированы вопросы деинституционализации домов "Меҳрибонлик" в Республике Узбекистан, практика зарубежных стран, законодательство регулирующее усыновление, введение судебной процедуры усыновления. В заключение автор дает рекомендации по улучшению семейного права.

**Ключевые слова:** дети, оставшиеся без попечения родителей, определение детей, оставшихся без попечения родителей, дома "Меҳрибонлик", усыновления, опека и попечительства, сиротство, принятие детей в семью (патронат).

---

**Babajanova Dinara Islamovna,**

Senior lecturer at Civil Law Department  
of the Tashkent State University of Law

## **LEGAL REVIEW OF CRITERIA OF DEVICE OF CHILDREN REMAINED WITHOUT THE SUPPORT OF PARENTS**

---

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал Правовых исследований // Journal of Law Research

---

---

**Annotation:** The article deals with the issues of improving the institution of the organization of the organization of children left without parental care. The author studied the problems of organizing children left without parental care, adoption, adoption of children into the family (patronage), curatorship and guardianship. The issues of deinstitutionalization of "Mehribonlik" houses in the Republic of Uzbekistan, the practice of foreign countries, legislation regulating adoption, the introduction of judicial procedure for adoption are analyzed. In conclusion, the author makes recommendations for improving family law.

**Keywords:** children left without parental care, definition of children left without parental care, "Mehribonlik" houses, adoptions, curatorship and guardianship, orphanage, adoption of children into a family (patronage).

**For citation:** Babajanova Dinara Islamovna. LEGAL REVIEW OF CRITERIA OF DEVICE OF CHILDREN REMAINED WITHOUT THE SUPPORT OF PARENTS. Journal of Law Research. 2019, 7 vol., issue 1, pp. 4-11

**Б**ола ҳуқуқлари бугунги кунда долзарб мавзулардан бирига айланишга улгурди. Оилада яшовчи болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари уларнинг вакиллари ҳисобланган ва бунинг учун масъул бўлган ота-оналари томонидан амалга оширилади. Гарчи табиий мавжуд оилаларда болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан турли таҳлиллар, тадиқиқотлар амалга оширилаётган бўлса-да, маълум сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш муайян ўзига хосликларга эга бўлган ҳолда алоҳида долзарблик касб этади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар аниқлангандан сўнг, уларни жойлаштириш чоралари кўрилади. Бу ўринда аввало, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар жойлаштириш қандай шаклларда амалга оширилади? Жойлаштириш шакллари қай бирини танлашда устуворликмавжуд? деган савол туғилиши табиий. Юридик адабиётларда бу борада турлича ёндашувлар мавжуд.

Н.В.Наруцкаянинг фикрича, тарихий ривожланиш жараёнида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг иккита, яъни оилавий ҳамда ташкилотларга жойлаштириш шакли қарор топганлигини қайд этади. Бунда болаларни ташкилотларга жойлаштиришни муаллий "оиласиз" шакл сифатида кўрсатиб ўтади[1, С. 18-37]. Албатта, тарихий ривожланиш, болаларни оилага жойлаштиришнинг шаклини ҳам, унинг ҳуқуқий асосларини ҳам такомиллаштириб боришни тақазо этган. Болаларни оилага жойлаштириш тарихи Қадимги Рим ҳуқуқидан бошлаб, то ҳозирги босқичга қадар муайян мезонлар, талаблар асосида ўзгариб, ривожланиб келди.

Бу борада Ф.М.Отахўжаевнинг фикрлари диққатга сазовор. Унинг фикрича, Ўзбекистонда кўлаб болаларни ўз бағрига олиб тарбиялаган оилалар талайгина. Жумладан, рус, ўзбек, қozoқ, қирғиз, яҳудий, татар, молдован ва бошқа миллатларнинг 14 фарзандини ўз бағрига олиб, уларни бир-бирига дўст, меҳрибон, ака-укадек қилиб ўстирган оддий темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамованинг ватанпарварлиги бунинг ёрқин далилидир. Бундай меҳрибон ота-оналар жамиятимиз фахридир[2, Б.29]. Ўзбекистон президенти 2018 йил 9 май байрами тадбирида сўзлаган нутқида Шомаҳмудовлар оиласига қўйилган ёдгорлик ўзининг тарихий жойига қайтарилганлиги борасида ҳам тўхталиб ўтди. Албатта, бундай қарор чуқур асосга эга. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари дўстлик, ўзаро ҳурमत муҳитида тинч-тотув яшамоқда. Ишончим комил, Ўзбекистон пойтахти марказида

---

---

қайта тикланган мажмуа азалдан халқимизга хос бўлган, тобора мустақамланиб бораётган бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, саховат ва олижаноблик фазилатларининг ёрқин тимсоли бўлиб қолади[3].

"Оиласиз" шакл, яъни ташкилотларга жойлаштириш шакли кўплаб танқидлар объекти бўлиб, давлат учун ниҳоятда қиммат ва мураккаб шакл сифатида турли негатив ҳолатлар билан изоҳланади ҳамда Меҳрибонлик уйлари, интернатлар, шунга ухшаш муассасалардан бутунлай воз кечиш ёки улар сонини қисқартириш таклифлари ҳам билдирилмоқда. Бу борада Д.Г.Попова ўз фикрини билдириб, ушбу "оиласиз" шаклдан воз кечиш объектив сабабларга кўра мумкин эмаслигини таъкидлайди[4, С.171.]. Муаллиф ўз фикрларини мамлакатда мавжуд ҳолат билан изоҳлайди. Яъни болаларнинг 2,6 фоизи ота-она қарамоғидан даҳрум бўлганлиги, улардан 82 фоизи ота-оналик ҳуқуқидан даҳрум бўлганлик, ҳар ўнтадан бирида эса, ота-онаси бола туғилганда воз кечганлиги сабабли юзага келганлигини кўрсатади.

Л. Ю. Михеева эса, фарзандликка олиш, васий ва ҳомийлик тайинлаш ҳамда оилага тарбияга олиш (патронат) билан бир қаторда "маҳсус муассасага жойлаштиришни" ота-она қарамоғидан даҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакли сифатида қайд этади. Муаллиф ўз фикрларини даҳрум эттириб, ушбу шакллارни индивидуал (фарзандликка олиш, васий ва ҳомийлик тайинлаш ҳамда оилага тарбияга олиш (патронат) ҳамда индивидуал бўлмаган (етим болаларни ҳамда ота-она қарамоғидан даҳрум бўлган болаларни турли болалар муассасаларига, шу жумладан оилавий болалар уйларига жойлаштириш) шаклини ажратиб ўтади[5, С. 79.].

Ота-она қарамоғидан даҳрум бўлган болалар жойлаштириладиган муассасалар билан боғлиқ муаммолар турли мамлакатларда мавжуд. Бу борада кўшни Қозоғистон Республикасида мавжуд муаммога эътибор қаратиб ўтамиз. Қозоғистон Республикасининг бола ҳуқуқлари бўйича вакили Загипа Балиеванинг фикрича, мамлакатда турли йўналишлар бўйича бир нечта дастурлар амалга ошириладиган кризисли ва мослашув марказлари зарур. Биринчидан, тутинган ота-оналарни тайёрлаш, иккинчидан ижтимоий мослашмаган оилалар билан ишлаш, яъни ҳозирги кунда болалар уйда 80 фоиз ижтимоий етимлар мавжуд бўлиб, уларнинг ота-оналари тирик, бироқ улар ота-оналик мажбуриятларини бажармайди ва уларнинг болалари болалар уйларига жойлаштирилади. Ҳоҳ шундан иборатки, бола марказга қабул қилингандан сўнг, ходимлар уларнинг ота-оналари билан ишлаши зарур. Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг маълумотларига кўра, Қозоғистон Республикасида болалар уйларида ҳар йили тарбияланувчилар сони 10-12 фоизга қисқармоқда, 2015 йилдан бошлаб етим болалар учун ташкилотлар тизими 48 тага камайган ва 188 та муассасадан 140 таси фаолиятини даҳрум эттирмоқда[6].

Юқоридаги каби муаммоларни бутунлай бартараф этиш, жуда мушкул вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, ота-она қарамоғидан даҳрум бўлган болаларни жойлаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда. Жумладан, 2018 йилда Марғилонда жойлашган 1-сон Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарлик жиддий ҳавотир уйғотди. Ушбу меҳрибонлик уйи ходимларига нисбатан жиноятларни содир этганлик айблари қўйилган[7].

---

Кайд этиш керакки, Меҳрибонлик уйларига бир хил сабабларга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар келмайди. Ушбу муассасаларга жойлаштирилувчи болаларнинг ўтмиши, жойлаштирилишига олиб келган сабаблар ҳам турлича бўлиб, уларнинг дунёқарashi, тарбияси, ахлоқ-одоби ҳам турлича бўлади. Мазкур ҳолатда албатта тизимли ёндашув, тарбияси қийин бўлган болалар билан алоҳида тарбия ишларини олиб бориш зарурати мавжуд бўлади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш бевосита маъмурий-ҳуқуқий воситаларга ҳам боғлиқ. Бу борада нотўғри ёндашув ўзининг салбий натижасини бериши табиий. Фақатгина болани бир оиладан олиб қўйиб, уни меҳрибонлик уйига жойлаштириш билан муаммо ҳал бўлмайди. Одатда, васийлик ва ҳомийлик органи турли ҳаётги вазиятларга тушиб қолган, кўп болали, ота ёки онаси вафот этган ёки ногирон бўлган, кам таъминланган ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож оиладан болани олиб қўйиш ёки бошқача тарзда "жазолаш" функциясини олиб бормаслиги зарур. Шунингдек, бундай аралашув муайян мезонлар мавжуд бўлишини талаб қилади. Аввало, оилавий ишларга ўзбошимчалик билан аралашини олиб келмаслиги зарур. Айниқса, бола ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлиги тамойили ҳар доим ҳам бирламчи аҳамият касб этиши зарур.

Айрим ҳолатларда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ота-онаси кам таъминланган ёки бошқа сабабларга кўра ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга мансуб бўлиши мумкин. Бундай оилалардан болаларни олиб қўйиш амалиёти Европа иттифоқининг инсон ҳуқуқлари бўйича суди томонидан ҳам танқид қилинмоқда[8].

Масалан, 2004 йил 22 июнда Эмилия Валла ҳамда Ярослав Валла томонидан Европа иттифоқи инсон ҳуқуқлари бўйича судига даъво ариза тақдим қилинган. Иш ҳолатидан маълум бўлишича, даъвогарларнинг 5 нафар фарзанди бўлиб, ижтимоий ҳимоя органи Эмилия Валла ҳамда Ярослав Валланинг яроқли уй-жойи йўқлиги, етарли маблағлари бўлмаганлиги боис Чехиянинг Табор шаҳар судига вақтинча чора кўришни сўраб мурожаат қилган ва болаларни қийин аҳволдаги болаларни ҳимоя қилиш муассасасига жойлаштиришни сўраган. Суд Чехия Фуқаролик процессуал кодексининг 76а-моддасига асосан болалар соғлигини сақлашни таминлаш мақсадида уч нафар фарзандини бир муассасага, икки нафар фарзандини эса, бошқа муассасага жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилган. Европа иттифоқининг инсон ҳуқуқлари бўйича судининг қарорига кўра, давлат даъвогарларга қарор кучга киргандан сўнг уч ой муддатда 10 минг евро маънавий зарар, шу жумладан олинадиган маънавий зарар учун қўшилиши мумкин бўлган солиқларни тўлаш ҳамда уч ойлик муддат ўтгандан сўнг тўлиқ маблағ тўлаб бўлингунга қадар яна уч фойз тўловни тўлаш мажбуриятини юклаган.

Албатта, юқоридаги низоли ҳолатда бир қатор масалаларга аниқлик киритиш талаб қилинади. Яъни хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашилганми? Бундай қарор қабул қилиш учун фуқаронинг доимий яшаш жойи бўлмаслиги факти етарлими? Давлат ҳудудида ҳуқуқий ҳимоянинг барча имкониятларидан фойдаланилганми (апелляция, кассация ёки бошқа юқори турувчи инстанцияга мурожаат қилинганми)? Болалар ўзининг ота-онасидан олиниб, бошқа оилага тарбия (патронат)га берилганда вазият ўзгарадими? Ушбу саволларнинг ҳар бири ўрганилаётган вазият, қайси мамлакат ҳуқуқининг қўлланилиши ҳамда иш материалларига оид бошқа ҳолатларга, далилларга таянган ҳолда таҳлил қилиниши талаб қилинади.

Юқоридаги ўрганишлар шуни кўрсатадики, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг ҳар бир ҳолатида алоҳида ёндашув бўлиши талаб қилади. Масалан, соғлом ва ёш болалар фарзандликка олиш ҳолати кўпчиликни ташкил қилади ва бунинг учун энг мақбул номзод сифатида кўрилади. Бунда фарзандликка олувчиларнинг аксарияти табиийки, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг яқин қариндошлари - амакиси, тоғаси, аммаси, холаси бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат бошқа кўпчилик ва аянчли вазиятга тушган болалардан фарқ қилади ҳамда гарчи юридик жиҳатдан ҳужжатларни расмийлаштириш учун "ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола" сифатида кўрилади, амалда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола бўлиб ҳисобланмайди. Яъни бола доимий равишда оилавий муҳитда, яқинлари даврасида бўлади ва қийин ҳаётий вазиятларга тушмайди.

Бошқа вазиятларда масалан, ногирон, опа-сингил ёки ака-укалар бўлган, 10 ёшдан ошган (ўзини таний оладиган ва қарор қабул қила оладиган), ҳуқуқбузарлик содир этган болалар аксарият ҳолларда Меҳрибонлик уйлари ёки ижтимоий мослашув марказларида қолиб кетади. Уларга нисбатан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш фақат чекланган доирада, яъни фақат муайян муассасага жойлаштириш шакли амал қилиши мумкин.

**Кўйда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклига доир маълумотларни жадвал кўринишида кўриб чиқамиз.**

<b>Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар</b>			
Ота-онаси вафот этган (ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган)	Отаси вафот этган (ёки оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинган)	онаси вафот этган (ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган)	Ота-онанинг фарзандини боқишга ва тарбиялашга имконияти йўқ
Сабаблар:			
объектив	объектив	объектив	субъектив
Жойлаштириш шакли:			
1. Фарзандликка бериш; 2. Васий ва ҳомий тайинлаш; 3. Оилага тарбияга бериш (патронат); 4. Меҳрибонлик уйига жойлаштириш; 5. Республика болалар ижтимоий мослашув марказига жойлаштириш.	1. Ўғай ота томонидан фарзандликка олиш; 2. Меҳрибонлик уйига жойлаштириш; 3. Республика болалар ижтимоий мослашув марказига жойлаштириш.	1. Ўғай она томонидан фарзандликка олиш; 2. Меҳрибонлик уйига жойлаштириш; 5. Республика болалар ижтимоий мослашув марказига жойлаштириш.	1. Меҳрибонлик уйига жойлаштириш; 2. Республика болалар ижтимоий мослашув марказига жойлаштириш.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий механизми Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-3808-сон қарорида маълум даражада ўз ифодасини топди. Унда Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш бўйича асосий йўналишлар сифатида оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда аънавий оилавий қадриятларни сақлаш белгиланди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш ўзига хос мураккаб ҳуқуқий механизмни ташкил қилади. Бунда ота-она қарамоғидан маҳрум



---

---

бўлган болаларни аниқлаш, тегишли ҳужжатларни тузиш ва тўплаш, уларни жойлаштириш тартиби, ҳуқуқий оқибатлари, ижтимоий ҳимоя тизимини мавжудлиги, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни амал қилиши, оилавий ҳуқуқий жавобгарлик алоҳида тадқиқ қилишни талаб қилади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни болалар муассасасига жойлаштириш мамлакатимиз ҳудудида собиқ иттифоқ даврида бери мавжуд бўлган тизим ҳисобланади. Сўнгги йилларда айниқса 2000 йиллардан сўнг, болалар муассасаларида болаларни тарбиялаш, вояга етганидан сўнг ишга ва ўқишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу борада бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Бироқ, юқоридаги концепцияда ҳам Оила кодексида ҳам ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш тушунчаси ўз ифодасини топмаган. Шу билан бирга бир қатор ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни тақазо этади. Болалар муассасасига жойлаштириш барча мамлакатларда мавжуд ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакли сифатида келгусида ҳам сақланиб қолиниши мақсадга мувофиқ. Бироқ, бу ўринда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий механизмларини қўллашда алоҳида ва эҳтиёткорона ёндашув бўлиши талаб қилинади. Айниқса, болалар муассасасига жойлаштиришда оилавий жойлаштириш шаклининг иложи бўлмаганда қўлланилиши танланиши зарур. Шундагина давлатнинг бу борада функциялари, болалар муассасаларини ташкил этиш ва фаолият юритишини йўлга қўйиши, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда маъмурий-ҳуқуқий механизмларнинг оптимал ҳолатда бўлишини кўриш мумкин. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага жойлаштиришда эса, аввало оилавий-ҳуқуқий сўнгра фуқаролик-ҳуқуқий, ундан кейин эса маъмурий-ҳуқуқий механизмлар амал қилади.

Бугунги кунда Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш патронат тўғрисида Низом мавжуд бўлиб, ушбу низом фақат фарзандликка олиш ҳамда оилага тарбияга олиш тартиботини, механизмни ўзида ифодалайди. Бироқ оила қонунчилиги ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни нафақат оилавий муҳитга жойлаштиришни балки, оиладан ташқари муҳитда жумладан, болалар муассасаларига жойлаштиришни ҳам назарда тутди. Бу борада алоҳида Меҳрибонлик уйлари тўғрисида низом ҳам мавжуд. Бироқ, ушбу қонун ости ҳужжати тарқоқ бўлиб, яхлит тарзда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилавий жойлаштириш ҳамда болалар муассасаларига жойлаштириш тартиби мавжуд эмас. Фикримизча, ягона ҳужжат тарзида қабул қилинадиган Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилавий жойлаштириш ҳамда болалар муассасаларига жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом қабул қилиниши ва унда болаларни оилавий жойлаштириш шакллари, жойлаштиришда устуворликни белгилаш, уни амалга ошириш тартиби, болалар муассасаларига жойлаштириш тартиби ҳамда бугунги кун талабидан келиб чиқиб, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган нодавлат муассасаларига жойлаштиришнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда маъмурий бюрократик талаблар билан боғлиқ ҳужжатларни қисқа бўлишига эришиш, асосан интеграциялашган электрон маълумотлар базасидан фойдаланишга доир талаблар киритилишига эриши мумкин.

ЮНИСЕФнинг Марказий ва шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё бўйича

---

---

катта маслаҳатчиси Жан-Клод Леграннинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришга доир дастурларни жорий этилишига доир фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, Хорватия ва Сербия 3 ёшгача бўлган болаларни институционал муассасаларга жойлаштиришни таъқиқлаш (фақат оилавий жойлаштириш) учун қонунчиликка ўзгартиришлар киритган. Ушбу ҳолат соғлиқни сақлаш тизимидаги амалиётни ва хизматларни ислоҳ қилиш (шу жумладан, оилалардан тиббиёт ҳамшираларининг хабар олишининг фаоллашуви) билан боғлиқ бўлган. Болгария ва Грузия болалар уйларини тугатиш ва оилавий жойлаштириш режасини амалга оширишни бошлаган. Қозоғистон ҳам ижтимоий ишларга, хусусан, оилалардан тиббиёт ҳамшираларининг хабар олишлари, оғир аҳволдаги оилаларга ижтимоий кўмак бериш схемасини ўзгартиришга эътибор қаратган. Оилага тарбияга олиш (Foster care) институти Болгария, Хорватия, Молдавия, Сербия, Румьния ва Туркияда ривожланмоқда. Туркияда қариндошлар, қўшнилардан иборат фостер оила, яъни оилага тарбияга олиш шаклига доир вақтинчалик профессионал дастурлар йўлга қўйилган ва ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилишига, мониторинг ва аудит қилинишига эътибор қаратмоқда[9].

Болалар муассасалари ҳозирги кунда асосан болаларга таълим-тарбия бериш функцияларини бажариб келмоқда. Дунё мамлакатларида мавжуд бўлган ушбу тизим босқичма-босқич оилалар билан ишлашга жалб этилиб, болаларни муҳофаза қилишга, оилавий тарбиялаш шакллари кенгайтиришга асосий эътибор қаратмоқда. Масалан, ота-онанинг ишга жойлашишига кўмаклашиш, бир нафар боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлмаслигига олиб келади. Натижада давлатнинг функционал мажбуриятлари камайтирилади ва боланинг оилавий тарбия муҳитида вояга етишига имкон беради.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш тушунчаси оила қонунчилигида ўз ифодасини топиши зарур. Ушбу тушунча ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш тушунчаси, ҳуқуқий механизми ҳақида тўлиқ маълумот бериши мақсадга мувофиқ.

#### **Оила кодексига қуйидаги 1491-моддани киритиш таклиф қилинади:**

"1491-модда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш - қонун билан белгиланган ва боланинг манфаатини кўзлаб танланган, болани жойлаштириш шартли, яшаши, бошқа оилага тарбияга олиниши ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар жойлаштирилиши мўлжалланган болалар муассасалари (меҳрибонлик уйлари, ижтимоий мослашув маркази ва ҳ.к.)га жойлаштириш орқали боланинг келгусидаги тақдирини ташкил этишнинг оилавий-ҳуқуқий усули бўлиб ҳисобланади".

---

#### **Иқтибослар/Сноски/References**

1. Нарущкая Н.В. Правовое регулирование отношений по устройству детей, оставшихся без родительского попечения, в организации : дис. □ канд. юрид. наук. - М., 2013. - С. 18-37 (Narutskaya N.V. Legal regulation of relations on the device of children left without parental care in the organization: dis. ... Cand. legal sciences. - М., 2013. - P. 18-37).
2. Отахўжаев Ф. Оила ва қонун. - Т.: 1983. -29 б (Otaxuzhaev F. Family and law. - Т.: 1983.- P 29).
3. <https://sputniknews-uz.com/news/20180509/8163402.html>

---

---

4. Попова Д.Г. "Несемейная" форма устройства детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей, в свете реформы семейного законодательства. //Вестник Омского университета. Серия "Право". 2015. № 2 (43). С.171. (С. 169-175) (Popova D.G. The "non-family" form of placement for orphans and children left without parental care in the light of the reform of family law. // Bulletin of Omsk University. Series "Right". 2015. № 2 (43). P.171. (Pp. 169-175)).

5. Михеева Л. Ю. Опекa и попечительство: Правовое регулирование : учебно-практическое пособие / под ред. Р. П. Мананковой. - М., 2002. - С. 79.; Михеева Л. Ю. Проблемы систематизации форм устройства детей, оставшихся без попечения родителей // Защита прав ребенка в современной России: материалы научно-практической конференции / отв. ред. А. М. Нечаева. - М., 2004. - С. 122 (Mikheeva L. Yu. Guardianship and trusteeship: Legal regulation: educational and practical manual / ed. R.P. Manankova. - M., 2002. - p. 79; Mikheeva L. Yu. Problems of systematization of forms of organization of children left without parental care // Protection of the rights of the child in modern Russia: materials of the scientific-practical conference / resp. ed. A.M. Nechaev. - M., 2004. - p. 122).

6. <http://today.kz/news/kazakhstan/2018-03-30/763018-zakryitie-detskih-domov-ne-reshit-problemyi-sirot-v-kazahstane>

7. <https://daryo.uz/k/2018/05/29/margilondagi-mehribonlik-uyida-sodir-etilgan-jinoyat-ishi-boyichaguvohlar>

8. Дело "Валлова (Wallova) и Валла (Walla) против Чехии" <http://docs.pravo.ru>; Кравчук Н. В. Некоторые аспекты защиты прав ребенка // Труды института государства и права РАН. Семья и дети / отв. ред. А. М. Нечаева. - М., 2008. - С. 75-77 (The case of Wallova and Walla v. The Czech Republic <http://docs.pravo.ru>; Kravchuk N. V. Some Aspects of the Protection of the Rights of the Child // Proceedings of the Institute of State and Law of the Russian Academy of Sciences. Family and children / otv. ed. A.M. Nechaev. - M., 2008. - Pp. 75-77).

9. Макаренцева А. Первые итоги нового витка реформирования системы устройства детей в странах центральной и восточной европы и центральной азии Legrand J. - P. (2015) Child care system reforms in Eastern and Central Europe and Central Asia: Why there is a need to focus on children below three years. Irish Journal of Applied Social Studies, 15(2): Article 2:2-11.// Журнал исследований социальной политики 15 (3). С. 486-489 (A. Makarentseva. The first results of a new round of reforming the system for the placement of children in the countries of Central and Eastern Europe and Central Asia. Legrand J. - C. (2015) Child care system reforms in Eastern and Central Europe and Central Asia: Why there is a need to focus on children below three years. Irish Journal of Applied Social Studies, 15 (2): Article 2: 2-11. // Journal of Social Policy Studies 15 (3). Pp. 486-489).

**Нематов Жўрабек Нематиллоевич,**

Тошкент давлат юридик  
университети кафедра доценти,  
Хуқуқ доктори



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-2>

## **МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИНГ ХУҚУҚ ИНСТИТУТИ СИФАТИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация:** ушбу мақолада маъмурий тартиб-таомилларнинг маъмурий хуқуқ институти сифатидаги тавсифи, маъмурий тартиб-таомиллар тушунчаси борасида хуқуқшунос олимларнинг билдирган илмий қарашлари, маъмурий тартиб-таомилларнинг маъмурий процесс, маъмурий иш юритувдан фарқли жиҳатлари илмий-назарий таҳлил қилинган. Келтирилган таҳлиллар натижасида маъмурий тартиб-таомилларнинг маъмурий хуқуқдаги ўрни ва унинг тушунчасига оид муаллифлик таърифи келтирилган.

**Калит сўзлар:** маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий процесс, маъмурий иш юритув, маъмурий тартиб-таомиллар тушунчаси ва хусусиятлари.

---

**Нематов Жўрабек Нематиллоевич,**

Доцент кафедры Ташкентского  
государственного юридического университета,  
Доктор права

## **НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР КАК ИНСТИТУТ ПРАВА**

**Аннотация:** В данной статье приводятся научно-теоретический анализ характеристики административных процедур как института административного права, научных взглядов ученых-юристов на понятие административных процедур, различия административных процедур от административного процесса и административного производства. В результате анализа приводится описание роли административных процедур в административном праве и его авторское определение.

**Ключевые слова:** административные процедуры, административный процесс, административное производство, понятие и особенности административных процедур

---

**Nematov Jurabek Nematilloevich,**

Associate Professor of Department of the Tashkent  
State University of Law

## **SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES AS AN INSTITUTE OF LAW**

**Abstract:** This article provides a scientific and theoretical analysis of the characteristics of administrative procedures as an institution of administrative law, the scientific views of legal scholars on the concept of administrative procedures, the difference of administrative procedures from the administrative process and administrative proceedings. The analysis provides a description of the role of administrative procedures in administrative law and its author's definition.

---

---

**Key words:** administrative procedures, administrative process, administrative proceedings, the concept and features of administrative procedures

**For citation:** Nematov Jurabek Nematilloevich. SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES AS AN INSTITUTE OF LAW. Journal of Law Research. 2019, 7 vol., issue 1, pp. 12-27

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларининг илк кунлариданоқ давлат ва жамият ҳаётини босқичма-босқич ислоҳ этиш, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини оширишга доир чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий қоидаларидан бири манфаатдор шахсларни тинглашдир. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг Президенти таъкидлаган "халқ билан мулоқот"нинг ажралмас қисмини ташкил этади. Мазкур жиҳат Ўзбекистонда анъанавий давлат бошқаруви ўрнига "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғояга асосланган замонавий давлат бошқарувининг (public administration) жорий этилиши боғлиқ.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси давлат бошқаруви органлари ва манфаатдор шахсларнинг ўзаро муносабатини самарали ташкил этишга хизмат қиладиган институтлардан бири маъмурий тартиб-таомиллар эканлигини кўрсатмоқда[1].

Таҳлиллардан маълум бўлишича, Президент виртуал қабулхонасига мурожаатларнинг аксарият қисми тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига халал бераётган тўсиқ ва говларни бартараф этиш, қонунга зид идоравий қарорларни бекор қилиш, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уй-жой, коммунал ва йўл-транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти юзасидан келиб тушмоқда[2].

Бу эса маъмурий органлар фаолиятининг моддий ва процессуал асослари етарлича ишлаб чиқилмагани натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари етарлича таъминланмаслигини келтириб чиқармоқда.

Узоқ вақт давомида совет мафкураси таъсирида бўлган собиқ совет давлатларида маъмурий ҳуқуқ қонунчиликни ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши ҳисобланмагани[3], давлат органлари фуқароларга эмас, балки давлат ҳокимиятига хизмат қилган[4, с.3; 3, с.41].

Ўзбекистон Президентининг Ш. М. Мирзиёев фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат бошқарувида "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғояни жорий этиш нафақат юртимизда[5], балки бутун дунёда ҳам эътироф этилмоқда. Эскича фикрлайдиган, халқни ўз хизматкори деб ўйлайдиган раҳбар ва ходимларни янгича, замонавий давлат бошқарувида ўтказиш, албатта, осон иш эмас. Бунда энг аввало, давлат органларининг барча ходимлари халққа хизмат қилиш зарурлигини тушуниб етиши талаб этилади. Давлат органларининг раҳбар ва ходимлари халққа хизмат қилиши учун эса, албатта,

---

тегишли ҳуқуқий механизмларни йўлга қўйиш лозим бўлади. Шу маънода Ўзбекистонда 2018 йил 8 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуни (бундан кейинги ўринларда МТТҚонун[6]) ўз мазмун-моҳияти, асосий принциплари ва бошқа қоидаларига кўра давлат органларининг манфаатдор шахслар билан бўладиган муносабатларида уларнинг халққа хизмат қилишининг ҳуқуқий механизмини шакллантириб бергани билан алоҳида эътиборга сазовордир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда маъмурий тартиб-таомилларнинг тўлақонли ишлаб кетиши учун биргина қонуннинг ўзи етарли эмас. Энг асосий масала - маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асосларини шакллантириш, уни тўғри англаш (тушуниш) ва амалиётда татбиқ этиш ҳисобланади. Тан олиш лозимки, маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асослари мамлакатимизда ҳали етарлича ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган. Шу маънода, "маъмурий тартиб-таомиллар" тушунчаси, унинг асосий қоидалари нималардан иборатлигини тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, қуйида маъмурий тартиб-таомилларнинг илмий-назарий асослари юзасидан илмий мушоҳада юритилади[7].

Маъмурий тартиб-таомилларни тўғри англаш учун даставвал маъмурий тартиб-таомилларнинг ўзи ҳақида тушунчага эга бўлиш лозим. Бу борада олимлар томонидан турли фикрлар билдирилган бўлиб, қуйида шу ҳақда умумий тушунча берилади, сўнгра тадқиқот мавзуи юзасидан маъмурий тартиб-таомиллар қандай маъно касб этиши, уларнинг моҳияти, функцияларига тўхталиб ўтамиз.

Маъмурий тартиб-таомилларни тушунишда бир неча хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Россия олимлари кўпроқ "маъмурий процесс", "маъмурий тартиб-таомил", "маъмурий иш юритув" тушунчаларини фарқлаш хусусида бир тўхтамга келиш қийин бўлган узундан-узоқ илмий баҳслар юритиб келмоқдалар. Европа давлатлари, АҚШ ва Япония олимларининг масалага эса ёндашувлари тамомила бошқача бўлиб, асосий масала умумий маъмурий ҳуқуқнинг мустақил институти бўлмиш маъмурий тартиб-таомилларнинг процессуал қоидаларини тушуниш ва суд амалиётида тўғри қўллаш юзасидан тегишли шарҳ, илмий-юридик талқинни такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилади. Дарҳақиқат, амалий ифодасига, аҳамиятига эга бўлмаган узундан-узоқ илмий баҳс-мунозаралар юритиш керак эмас. Шу нуқтаи назардан, Россия ва совет ҳуқуқи асосидаги адабиётларда келтирилган илмий қарашларга ўтишдан олдин мухтасар қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқотимиз натижасида ушбу баҳс-мунозараларнинг асосий қисмини илмий қарашлардаги тафовутлар ташкил этиши, маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асослари ва суд амалиётида уларни тўғри қўллаш юзасидан қаралганда мазкур тафовутлар жиддий аҳамият касб этмаслиги аниқланди.

Гап шундаки, бир гуруҳ олимлар "маъмурий процесс", "маъмурий тартиб-таомиллар" ва "маъмурий иш юритув"нинг мазмун-моҳиятини очиб беришда маъмурий процессни кенг маънода, яъни давлат бошқаруви органларининг бутун процессуал фаолияти сифатида тушунишдан келиб чиқадилар.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса маъмурий процессни тор маънода, яъни фақат "маъмурий суд иш юритуви" ёки "маъмурий судлов" сифатида тавсифлаб, маъмурий суд иш юритуви (маъмурий судлов) сифатида тушуниш лозимлигини исботлашга уринадилар. Тор ёндашув тарафдорлари маъмурий тартиб-таомиллар умумий маъмурий ҳуқуқнинг мустақил институти сифатида ўз маъно-мазмунини,

---

---

асосий қоидаларига эга деб тавсифлашади. Қуйида даставвал маъмурий процесс, маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий иш юритишни тушуниш юзасидан илмий қарашларнинг айримлари ҳақида фикр юритилади.

Россия олимлари маъмурий процессни моддий маъмурий ҳуқуқ меъёрларини қўллаш билан боғлиқ бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ички ва ташқи характердаги барча индивидуал маъмурий ишларни кўриб чиқиш фаолияти (Ю.М.Козлов[8]), кенг маънода - маъмурий-фармойиш ва маъмурий-қўриқлаш (П.И.Конов[9]), маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш ва ижро этиш, маъмурий-ҳуқуқий ижодкорлик процесси, маъмурий-ваколат берувчи (оператив-фармойиш) процесс, маъмурий-юрисдикцион процесс (Д.Н.Бахрах[10]), моддий маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар асосида амалга ошириладиган процессуал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар[11], маъмурий судлов ишларини юритиш ва маъмурий-процедуравий фаолият (Ю.А.Тихомиров[12]), маъмурий-норма ижодчилиги, маъмурий-ҳуқуқ тақдим этувчи ва маъмурий-юрисдикцион процесс (И.В.Панова[13]), маъмурий-фармойиш бериш ва маъмурий қўриқлаш процесси (П.И.Кононов[14]), маъмурий юрисдикция, маъмурий юстиция ва маъмурий тартиб-таомиллар мажмуи (И.М.Лазарев[15], С.Н.Махина[16]) сифатида ёки тор маънода, яъни суд процессуал фаолияти (С.З.Женетель[17], А.А.Демин[18]), маъмурий судлов ишларини юритиш ва маъмурий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ барча ишлар (маъмурий ва суд тартибидаги барча ишлар) (А.Б.Зеленцов, С.З.Женетель[19, с.5-6; 17, с.44]) сифатида тавсифлашади[20, с.25; 21, с.30-33].

А.Б. Зеленцов ва О.А. Ястребов маъмурий процессни фуқаролик-процессуал ҳуқуқ, жиноят-процессуал ҳуқуқдан келиб чиқиб тушунишда "маъмурий процесс" атамасининг келиб чиқиш тарихига ҳам эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтадилар. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб "маъмурий процесс" атамаси маъмурий низоларни судлар томонидан кўриб чиқиш маъносидан тушунилган бўлиб, маъмурий органларнинг бошқарув фаолиятига нисбатан "маъмурий процесс" атамаси хорижий давлатларда 1930-1940-йиллардан, Россияда эса 1950-йиллардан қўлланила бошланганига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. Шунга кўра, А.Б. Зеленцов ва О.А. Ястребов маъмурий процессга икки процессни, яъни: а) низосиз маъмурий ишларни ҳал қилишда давлатнинг маъмурий функциясини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ноюрисдикциявий маъмурий-процедуравий процесс ҳамда б) низоли маъмурий ишларни ҳал қилишни назарда тутувчи маъмурий-юрисдикцион процессни киритади. Ўз навбатида маъмурий-юрисдикцион процессни ижро ҳокимияти тизимидаги маъмурий-юрисдикцион процесс ҳамда суд(лов) маъмурий процессга ажратиш мумкин. Суд(лов) маъмурий процесс деганда маъмурий судлов (ёки маъмурий суд ишларини юритиш)ни тушуниш мумкинлигини келтириб ўтган[22].

С.Н.Махинанинг таъкидлашича, маъмурий ҳуқуқ моддий ва процессуал қисмлардан иборатдир. Моддий ҳуқуқ бошқарув соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши ва ўз навбатида, ижобий (позитив) бошқарув - бошқарув ҳуқуқи ва неготив бошқарув - давлат мажбурлов чораларидан (маъмурий-юрисдикцион ҳуқуқдан) иборат. Процессуал ҳуқуқ бошқарув ва маъмурий-юрисдикцион фаолият (бошқарув процесси ва маъмурий-юрисдикцион процесс)дан иборат эканлигини таъкидлайди. Шундан келиб чиқиб, С.Н.Махина маъмурий процессни ҳуқуқий низони ҳал қилиш тартиби деб таърифлайди[16, с.6-11].

Маъмурий процессни тушунишда унинг луғавий маъносидан келиб чиқиб

---

---

ёндашиш[23] ва процесс-процедурани шакл-мазмун мутаносиблигида кўриш нуқтаи назари ҳам мавжуд[24]. Бошқа тарафдан, процесс ва процедурани бирхиллаштиришга қаратилган ёндашувлар (Д.Н.Бахрах[25], В.А.Тарасова[26], В.О.Лучин[27]) ҳам мавжуд.

Назаримизда билдирилган илмий қарашлардан маъмурий процессни тушунишда уч хил қараш мавжудлигини келтириб чиқариш мумкин. Биринчиси, Н.Г.Салишева ва бошқалар маъмурий процессни махсус субъектларнинг маъмурий-ҳуқуқий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ фаолияти деб тушунтиради. Аммо бу олимлар ҳозирда ўз фикрини ўзгартирган ва маъмурий процессни "юрисдикцион" ёндашув асосида тушуниш ўз аҳамиятини йўқотганлигини таъкидлашади. Бироқ, ҳозирда ҳам айрим олимлар (Р.С.Тихий) маъмурий процесс деганда юрисдикцион фаолиятни тушуниш лозимлигини таъкидлашади[28]. Иккинчи нуқтаи назарга кўра, маъмурий процесс кенг маънодаги "иш юритув" ва "процедура"лардан ташкил топган ва ушбу қарашнинг энг ёрқин намояндаси В.Д.Сорокин ҳисобланади. Учинчи нуқтаи назарга кўра, маъмурий процесс (тор маънода) оммавий ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилишнинг суд процесси бўлиб, унинг ёрқин вакиллари А. А. Демин, Ю. Н. Стариков, С. Н. Махина ҳисобланади[29].

Ю. Н. Стариков раҳбарлиги ўз илмий қарашларини баён этган А. А. Никольская маъмурий процессни тор манода тушуниш лозимлиги борасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади. Маъмурий ҳуқуқда уч хил процессуал нормаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, биринчи гуруҳда - оммавий ҳуқуқ тўғрисида низони ҳал қилиш процесси сифатида фуқаролик ва жиноят процесси билан бир қаторда ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси бўлишга ҳақли бўлган маъмурий процесс, иккинчи гуруҳда - юрисдикцион, учинчисида эса ижобий (позитив) маъмурий тартиб-таомиллар процессуал нормаларини ташкил этади. Иккинчи ва учинчи гуруҳга кирувчи процессуал нормалар умумий маъмурий ҳуқуқнинг таркибий қисми бўлиб, уларнинг ҳуқуқ тўғрисида низони ҳал қилишга қаратилган суд маъмурий процесси билан алоқаси фуқаролик ва арбитраж процессининг шартнома олди низолар ёки ишга тиклаш тўғрисидаги ишни суд процессида кўриб чиқишда штатлар қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиш тартибига риоя қилиш кабилар билан ўхшашдир. Назарий жиҳатдан қараганда, ушбу нормаларнинг барчаси процессуал ҳисобланади. Бироқ фуқаролик ва арбитраж процесси процессуал ҳуқуқнинг мустақил соҳалари ҳисобланади. Шартномаолди тайёргарлик фуқаролик ҳуқуқига мансуб бўлса, штатлар қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиш тартиби эса меҳнат ҳуқуқига тааллуқлидир. Шунга кўра, моддий-ҳуқуқий соҳаларда процессуал меъёрларнинг учраши ва уларга процессуал ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси мақоми берилмаслиги ёки мавжуд процессуал соҳага киритилмаслигида ҳеч қандай зиддият (тафовут) мавжуд эмас, дейди А.А.Никольская.

Дарҳақиқат, мисол учун фуқаролик процесси нуқтаи назаридан қаралганда, фуқаролик (моддий) ҳуқуқда ҳам процессуал нормалар кўп учрайди. Бироқ улар фуқаролик процессида бирлаштирилмаган. Шунинг учун маъмурий ҳуқуқда ҳам бундай ҳолат кузатилишини табиий қабул қилиш, аксинча, ҳамма процессуал нормаларни бирлаштириб, барча маъмурий-ҳуқуқий процессуал нормаларни қамраб олган ягона кодификациялашган акт (Маъмурий-процессуал кодекс)ни тузишга уринишда ҳеч қандай маъно йўқ. Бу деган сўз, бу уч гуруҳ процессуал нормаларнинг ҳуқуқий табиатини инкор этишни аниқламайди, бироқ шу ўринда



---

---

ушбу уч гуруҳ процессуал нормаларни маъмурий процесс шиори остида бирлаштириб бўлмаслигини англатади, холос. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу уч гуруҳни маъмурий процессни "кенг" маънода тушуниш остида бирлаштириш ҳуқуқнинг умумий назарияси ва маъмурий ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан қатъи қизиқиш уйғотса-да, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан амалга оширилиш (қўлланилиш) эҳтимоли ниҳоятда паст. Аммо ушбу уч гуруҳни маъмурий ҳуқуқнинг умумий қисми таркибида бошқарув процесси (бошқарув ҳаракатлари назарияси, давлат бошқарувининг шакл ва методлари), маъмурий-юрисдикцион процесс (маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан иш юритув), (ўз маъносидagi) маъмурий процесс (маъмурий юстиция) шаклида бирлаштириш мумкин[29, с.33-36].

А.А.Никольскаянинг юқоридаги фикрларини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда шунини айтиш мумкинки, маъмурий процесс ва маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги илмий баҳс-мунозарани ниҳоясиз олиб бориш мумкин. Аммо бундан қандай амалий наф бор? Ахир маъмурий суд ишларини юритиш ва маъмурий тартиб-таомилларни маъмурий ҳуқуқнинг алоҳида ва мустақил институтлари сифатида тавсифлаш ҳамда тақомиллаштириб бориш муҳим ва долзарб масала эмасми. Бу борада Ўзбекистонда ҳам иккита алоҳида қонун, яъни МТТҚонун ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилиниши билан, назаримизда, ушбу икки институтни бирлаштириш тўғрисидаги баҳс-мунозараларнинг амалий аҳамияти пасайди. Бироқ шунини ҳам эътироф этиш жоизки, ҳақиқатан ҳам баъзи давлатлар маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд ишларини юритишни ягона қонунга бирлаштириш йўлидан борган. Бунга Тожикистон, АҚШ, Латвия ва бошқа давлатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шу маънода, маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд ишларини юритишни ягона қонунга бирлаштириш ёки бирлаштирамаслик қонун чиқарувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Бу эса ягона қонунга бирлаштириш ҳам нотўғри бўлмаслигини англатади.

Албатта, бу ҳар бир давлатнинг миллий ҳуқуқ тизими шарт-шароити, ҳолатидан келиб чиқадиган масалалар. Фикримизча, Ўзбекистон ва кўпчилик МДХ давлатларида турли чалкашлик ва тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд ишларини юритишни ягона қонунга бирлаштирамаслик йўлидан бориш тўғрироқ бўлади. Шу боис, ҳам Никольскаянинг юқорида билдирган илмий қарашлари миллий шарт-шароитларимизга кўпроқ мос тушади дейиш мумкин.

Юқорида билдирилган фикрларни таҳлил этар эканмиз, маъмурий ҳуқуқнинг жараён билан боғлиқ ҳар қандай масалаларини маъмурий процессга бирлаштириш ёки маъмурий процесс деб аташ билан боғлиқ ёндашувни кўриш мумкин. Бироқ, аслида, маъмурий ҳуқуқнинг қайси институтини олманг, барчасида у ёки бу даражада процессуал нормалар мавжудлигини кўриш мумкин. Шу боис, бизнинг фикримизча, маъмурий процессни тор маънода тушуниш, ҳар бир маъмурий ҳуқуқ институтининг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий тавсифини инобатга олган ҳолда бир-биридан мустақил тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Маъмурий процессни тушуниш борасида билдирилган юқоридаги фикрларни янада батафсил таҳлил қилишдан аввал маъмурий иш юритув ва маъмурий тартиб-таомилларни тушуниш масаласига ҳам тўхталиб ўтиш ўринли бўлади.

---

Бу борада В.А.Зюзиннинг илмий қарашлари эътиборга моликдир. В.А.Зюзин маъмурий иш юритув ва маъмурий тартиб-таомилларни фарқлаш лозимлигини, жумладан, маъмурий тартиб-таомиллар функционал институт бўлса, маъмурий иш юритув соҳавий институт ҳисобланишини таъкидлайди. Шу маънода, маъмурий иш юритув бир хилдаги маъмурий ишлардан иборат бўлса, маъмурий тартиб-таомиллар бир хилдаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни ўзида бирлаштиради. Маъмурий тартиб-таомиллар фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган бўлса, маъмурий иш юритувнинг мақсади аниқ натижа, яъни индивидуал-аниқ маъмурий ишни ҳал қилиш ҳисобланади[1, с.8-9,46].

Маъмурий процессга маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий иш юритувни киритадиган (В.А.Зюзин ва О.В.Морозова[1,с.8; 20, с.7]), процесс ва иш юритувни умумий ва махсус мутаносиблигида таҳлил қиладиган ва иш юритувга процесснинг қисми сифатида қарайдиган (В.Д.Сорокин [30; 1, с.30]) илмий қарашлар ҳам мавжуд.

Ю. Н. Стариков, О. К. Застрожная, Д. Н. Бахрах, К. С. Бельский, Ю. А. Тихомиров, А. А. Никольская ўз илмий ишларида бошқарув процесси (бошқарув процедураси) деганда ваколатли органларнинг бошқарув функцияларини амалга ошириши билан боғлиқ "ижобий" (позитив), яъни маъмурий мажбуриятни қўллаш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятни тушуниш лозимлигини келтириб ўтишади[31].

Жумладан, Ю. Н. Стариков ўз илмий ишида маъмурий процесснинг таркибига нималар кириши тўғрисида аниқ бир тўхтамага келиш лозимлигини, жумладан, давлат процессуал фаолиятининг уч кўриниши (1) маъмурий ишлар юзасидан одил судлов, 2) маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари тўғрисидаги иш юритув, 3) норматив белгиланган процедурага оид маъмурий фаолият, шунингдек бошқа ҳуқуқ соҳаларининг моддий меъёрларини амалга оширишга қаратилган фаолият доирасида амалга ошириладиган иш юритув) тўғрисида аниқ хулосага келиш лозимлигини таъкидлайди[32].

А.А.Никольскаянинг фикрича, бошқарув процедураси махсус субъектларнинг ҳуқуқ билан тартибга солинган (процессуал ифодасига эга бўлган) фаолияти ҳамда фактик (ноҳуқуқий шаклдаги) бошқарув фаолияти сифатида ҳам талқин этилади. Шу маънода, ижобий (позитив) бошқарув фаолияти ҳуқуқий ва ноҳуқуқий шаклда намоён бўлишини эътиборга олиб, юриспруденция доирасида ҳуқуқ билан тартибга солинган бошқарув тартиб-таомиллари ўрганилади. А.А.Никольская "бошқарув тартиб-таомили" ибораси ўрнига маъмурий тартиб-таомилларни қўллашни афзал деб биледи ва бунинг асоси сифатида фактик бошқарув масалалари бошқарув назариясида ўрганилиши, маъмурий тартиб-таомиллар эса маъмурий-ҳуқуқий процессуал муносабатлар гуруҳига мансублигига кўра маъмурий ҳуқуққа тааллуқли бўлишини, хорижий давлатлар қонунларида бошқарув тартиб-таомиллари ўрнига маъмурий тартиб-таомиллар (маъмурий процедуралар) деган ибора кенг тарқалганлигини таъкидлаб ўтган[33; 29, с.40-42; 15, с.180].

Дарҳақиқат, маъмурий тартиб-таомиллар ҳуқуқий табиатига кўра ташқи муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги ҳамда ижобий (позитив) тартибга солишни назарда тутиши билан ажралиб туради. Ички бошқарув масалалари эса давлат бошқаруви (public administration) назарияси предметига яқин туради.

---

---

Маъмурий тартиб-таомиллар тушунчаси тўғрисида яна кўплаб илмий қарашларни келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, маъмурий тартиб-таомиллар фуқароларнинг (оммавий) маъмурият билан бўладиган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларни рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган (С.З.Женетель[17, с.44]), ҳуқуқ субъектларининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш (рўёбга чиқариш)га қаратилган (Ю.А.Тихомиров[34]), манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган процессуал (ижобий (позитив)) фаолият (О.В.Морозова[20, с.7-8]) ёки фуқаро ва ташкилотларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган махсус мазмундаги процессуал муносабатлар (В.А.Зюзин [1, с.43-53]) сифатида ҳам тавсифланади. Бу каби тушунчалар таҳлилини бошқа олимлар асарларида ҳам кўриш мумкин[35].

А. А. Никольскаянинг фикрига кўра, оммавий бошқарув соҳасидаги ижобий (позитив) маъмурий тартиб-таомиллар ўз мазмунига кўра субъектив оммавий ҳуқуқлар тўғрисидаги низоларни судда кўриб чиқиш ва маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлмаган ўзаро кетма-кетликда алмашинадиган бир қанча босқичлардан иборат бўлади. А.А.Никольская маъмурий процессга фақат субъектив ҳуқуқ тўғрисидаги низони суд томонидан ҳал қилиш процессини, қолган барча процессуал нормаларни, жумладан, ижобий (позитив) ва юрисдикцион маъмурий фаолиятни маъмурий тартиб-таомилларга киритади. Бироқ илмий ишининг кейинги қисмларида маъмурий тартиб-таомиллар белгилари деганда асосан ижобий (позитив) маъмурий фаолият нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашишини кўриш мумкин[29, с.13-14,51,61-63].

Маъмурий тартиб-таомилларни айрим олимлар мажбурлов чораларини қўллаш ва низоларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган доирада таҳлил қилса (И.М.Лазарев[15, с.3-7]), бошқалари эса маъмурий тартиб-таомилларга нафақат ижобий (позитив) бошқарувни, балки юрисдикцион маъмурий фаолиятни (шу жумладан, оммавий бошқарув соҳасида юзага келадиган ҳуқуқий низолар (конфликт)ни ҳал қилишни) (М.О.Ефремов[33, с.10-11]), маъмурий тартибдаги шикоятни кўриб чиқишни (С.З.Женетель[17, с.30]) ҳам киритади.

Бироқ, фикримизча, маъмурий тартиб-таомилларнинг замонавий мазмуни фақат ижобий (позитив) тартибга солиш (регулятив) хусусиятини акс эттиради десак тўғри бўлади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган илмий қарашлар ва баҳс-мунозараларнинг асосида моддий ва процессуал ҳуқуқнинг ўзаро муносабати масаласи ётганини кўриш мумкин. Қайсидир олимлар процедура моддий ҳуқуқнинг таркибий қисми деса, бошқалари юридик аҳаиятга эга ҳаракатларни бажариш тартибининг барчаси юридик процедура деб тавсифлашини кўриш мумкин[36].

Маъмурий процесс, маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий иш юритув ўртасидаги фарқ масаласига (хоҳ моддий ҳуқуқ ва процессуал ҳуқуқ ёки шакл ва мазмун муносабати бўлсин, хоҳ маъмурий процессни кенг ва тор маънода тушуниш ёки маъмурий процесснинг келиб чиқиш тарихи масаласи нуқтаи назаридан ёндашиш бўлсин) оид турли илмий қарашлар, баҳс-мунозараларни яна кўп давом эттириш мумкин. Бироқ, бунинг ўрнига асосий эътиборни ушбу илмий баҳс-мунозаралар қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига қандай амалий фойда келтиришига қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

---

---

Бундан ташқари, юқорида илмий қарашлари баён этилган айрим олимларнинг (Ю. М. Козлов В. Д. Сорокин П. И. Конов ва бошқаларнинг) фикрларида совет ҳуқуқи таъсири мавжудлигини ҳам истисно этиб бўлмайди. Совет ҳуқуқида маъмурий процессни кенг маънода тушуниш кўпроқ маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд иш юритувининг коммунистик мафкурага тўғри келмаслиги нуқтаи назаридан қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида тан олиншига шароит ва асос бўлмагани кўпроқ сабаб бўлган. Шундай экан, фикримизча, маъмурий процессни тор маънода, яъни маъмурий суд иш юритуви (маъмурий судлов) ва маъмурий тартиб-таомилларни маъмурий-процессуал ҳуқуқнинг мустақил институти сифатида, умумий маъмурий ҳуқуқ доирасида ўрганиш, шунингдек маъмурий иш юритув ва маъмурий тартиб-таомилларни соҳавий ва функционал институт мутаносиблигида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг мустақил (алоҳида) институти сифатида маъмурий тартиб-таомиллар деганда маъмурий органларнинг уларга хизмат юзасидан бўйсундирилмаган манфаатдор шахслар билан бўладиган муносабатларида давлат бошқаруви ваколатларини амалга ошириш орқали манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни тартибга соладиган (регулятив) нормалар тизimini тушуниш мумкин.

Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомиллар институти умумий маъмурий ҳуқуқнинг кам тадқиқ этилган мавзуларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ҳозирги кунда маъмурий тартиб-таомилларнинг яхлит илмий-назарий асослари ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган деб тавсифлаш мумкин.

Юқорида келтирилган олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маъмурий процессни кенг маънода (юрисдикцион, бошқарув ва юстициявий процессуал қоидалар) ва тор маънода (маъмурий суд ишларини юритиш) тушуниш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ процессуал қоидаларининг ҳаммасини бир тушунчага, яъни "маъмурий процесс"га бирлаштириш бошқа институтлар, жумладан, маъмурий тартиб-таомилларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва ривожланишини йўққа чиқариши мумкин. Ўзбекистонда маъмурий тартиб-таомиллар ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида иккита алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат такомиллашиб бораётгани муносабати билан маъмурий тартиб-таомилларни маъмурий процессуал ҳуқуқнинг мустақил институти сифатида, умумий маъмурий ҳуқуқ соҳаси доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди. Шунга кўра, мазкур тадқиқот доирасида маъмурий процессни тор маънода, яъни маъмурий суд ишларини юритиш (маъмурий судлов) деб тушуниш таклиф этилади.

Гарчи тушунча сифатида "маъмурий жараён" деган атама ҳам илмий адабиётларда қўлланилса-да, лекин маъмурий жараённинг мазмуни юқорида келтирилган маъмурий процесс ёки маъмурий тартиб-таомилларнинг мазмунидан жуда катта фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам маъмурий жараёнга, тегишинча, маъмурий процесс ёки маъмурий тартиб-таомиллар сифатида ёки унинг таркибий процесси сифатида қараш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маъмурий тартиб-таомиллар ҳақида фикр юритганда унинг давлат хизматлари билан алоқасини ҳам кўриб чиқиш лозим бўлади. Гап шундаки, бир қатор давлатлар маъмурий фаолиятни маъмурий тартиб-таомилларга оид қонунчилик

---

---

орқали тартибга солиш ўрнига давлат хизматлари кўрсатилишини ривожлантириш йўлидан боришган.

Мисол учун, Россияда маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонун мавжуд эмас. Унинг ўрнига минглаб маъмурий регламентлар орқали тартибга солинадиган давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги қонунчилик ривожлантирилган. Шунга кўра, баъзи мутахассисларимиз (мисол учун, А. Мусаев) давлат хизматлари кўрсатилишини ҳам маъмурий тартиб-таомиллар доирасига киритишади[37].

Бироқ, бу борада И.А.Хамедовнинг давлат хизматларига берган таърифини ҳам эслаб ўтиш ўринли бўлади. "Давлат хизматлари бу - аниқ манфаатдор шахсларга нисбатан давлат номидан ваколатли орган ва ташкилотлар томонидан бажариладиган, ушбу шахслар манфаати йўлида ёки қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган оммавий тартибга риоя этиш юзасидан, маълумотлар, моддий ёки номоддий манфаатлар, ҳуқуқ ва устунликлар, шунингдек юридик аҳамиятга эга ҳужжатлар тақдим этиш шаклидаги, давлат бошқарувининг функциялари ва оммавий йўналтирилганлигини ифода этадиган, тақдим этиш характеридаги ҳаракатлардир"[38].

Кўриниб турибдики, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматлари мазмун-моҳияти ва қамровига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Жумладан, маъмурий тартиб-таомилларга "адресат учун исталмаган характердаги ваколатли орган ва ташкилотларнинг ижроия-фармойиш фаолияти"ни киритиш мумкин бўлса, давлат хизматларига эса бундай фаолиятни киритиб бўлмайди.

Фикримизча, давлат хизматлари ва маъмурий тартиб-таомилларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Давлат хизматларини кўрсатишга маълум маънода маъмурий тартиб-таомилларнинг алоҳида ёки махсус (суб)институлари ёки (суб)институтларининг бир қисми сифатида қараш мумкин[4, с.15-16; 3, с.49].

Шу маънода, давлат хизматлари кўрсатишни маъмурий тартиб-таомиллар институти билан тенглаштириб, бирхиллаштириб бўлмайди. Бошқа тарафдан, ушбу икки тушнчанинг ўхшаш жиҳати сифатида манфаатдор шахсларга йўналтирилганлиги ва давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилишини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Мисол учун, лицензиялаш ёки рухсат беришда ушбу жиҳатни кўриш мумкин. Бироқ, давлат хизматларини кўрсатишда энг асосий эътибор самарадорликка қаратилса, маъмурий тартиб-таомилларда манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга катта эътибор берилади. Шунга кўра, ушбу икки тушунча бир-биридан фарқ қилади ва қуйида маъмурий тартиб-таомилларга муаллифлик таърифини келтириб ўтиш билан мухтасар қилинади.

Маъмурий тартиб-таомилларга ўрганилган илмий ишлар доирасида турлича таъриф берилганини кўриш мумкин. Жумладан, бу борада И. М. Лазарев[15, с.7,47], В. А. Зюзин[1, с.9,53], Ю. А. Тихомиров[39], А. В. Минашкин[40], Н. Б. Малявина[41], О. В. Морозова[20, с.8,39-40], М. О. Ефремов[33, с.10,59] томонидан келтирилган таърифлар ўрганилди.

Фикримизча, маъмурий тартиб-таомиллар деганда асосан маъмурий органларнинг турли хил маъмурий фаолият доирасида маъмурий ҳужжат қабул қилишга қаратилган тартиб-таомил тушунилади. Лекин маъмурий фаолиятнинг ҳар бир тури ҳам, у ёки бу маънода, маълум бир маъмурий тартибдан иборатдир. Масалан, маъмурий текшириш, маъмурий режа ва бошқаларда маълум бир

---

---

маъмурий тартиб нормаларини ҳам кўриш мумкин. Лекин илмий адабиётларда ва ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида маъмурий тартиб-таомиллар деганда, асосан маъмурий ҳужжатни қабул қилиш тартиб-таомили ва унга қўшимча равишда бошқа маъмурий ҳаракатлар, яъни маъмурий қонунчилик, маъмурий режа чиқариш ёки маъмурий қонунчилик ижодкорлиги процедураларини тушунишни ҳам учратиш мумкин. Мисол учун, АҚШда маъмурий норма ижодкорлиги (Rulemaking) ҳам маъмурий тартиб-таомиллар доирасига киритилган.

Маъмурий процессуал нормаларни шартли равишда маъмурий ҳужжат қабул қилишгача бўлган дастлабки (олдинги, аввалги) ҳамда маъмурий ҳужжат қабул қилинганидан кейинги процессуал қоидаларга бўлиш мумкин. Юқорида таҳлил қилинган илмий адабиётларда маъмурий тартиб-таомиллар деганда асосан маъмурий ҳужжатни қабул қилишгача бўлган дастлабки процедуралар (маъмурий ҳужжатни қабул қилиш ҳам) назарда тутилади. Бундан ташқари, маъмурий тартиб-таомилларни шартли равишда маъмурий органларнинг маъмурий ҳужжатни қабул қилишга қаратилган маъмурий ишларни кўзгайтиши, кўриб чиқиши ва мазкур ишлар бўйича қарор қабул қилишига доир фаолиятининг белгиланган тартиб-таомили сифатида ҳам тушуниш мумкин. Маъмурий ҳужжат қабул қилинганидан кейинги процессуал қоидалар, жумладан шикоят қилиш ва шикоятни ҳал қилиш тегишинча маъмурий шикоят ва маъмурий суд ишларини юритиш (маъмурий судлов) доирасида ўрганилади.

Юқорида, В. А. Зюзиннинг маъмурий тартиб-таомилларни функционал институт сифатида тушуниш нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, турли соҳавий маъмурий фаолият турларида, у ёки бу маънода маъмурий тартиб-таомилларни кўришимиз мумкин. Бироқ бунда ижобий ёки регулятив хусусиятдаги, ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатлар асосидаги, жазолаш ёки низолашиш характерида бўлмаган маъмурий фаолият тартиби мавжуд бўлишини назарда тутиш лозим. Шунга кўра, лицензиялаш, рухсат бериш ва бошқа маъмурий фаолият турларида ҳам функционал институт сифатидаги маъмурий тартиб-таомиллар мавжуд бўлишини эътироф этиш ўринли бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси МТТҚонунининг 4-моддаси (асосий тушунчалар)да маъмурий тартиб-таомилларга қуйидагича таъриф берилган:

"маъмурий тартиб-таомил - маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар"

Бу борада А. А. Никольскаянинг маъмурий тартиб-таомилларни тушуниш муаммоси кўп қиррали бўлиб, маъмурий-процедуравий қонунчилик ривожланишига қараб янги-янги масалалар юзага келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларини ҳам эътиборга олиш лозим[29, с.56-57].

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий давлат бошқаруви (public administration) асосидаги бошқарувда маъмурий тартиб-таомилларга давлат бошқарувида иштирок этиш, тўғри бошқарув қарорларига эришишнинг оқилона йўли, давлат бошқаруви органларининг халқ олдида ҳисобдор бўлиши, шаффофлик, маълум бир қоидаларга бўйсуниб орқали ўз ваколатларини суиестемол қилишдан сақланишни таъминлаш, маъмурий қарорларнинг самарадорлигини ошириш қоидалари сифатида қаралмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ривожланган давлатлар сингари маъмурий тартиб-таомиллар

---

---

тўғрисидаги умумий қонуннинг маъмурий органлар ва манфаатдор шахслар ўртасидаги барча маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилишини ҳамда маъмурий тартиб-таомилларнинг барча асосий қоидаларини қонунда мустаҳкамлаш орқали кафолатлашни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий тартиб-таомиллар маъмурий органларнинг улارга хизмат юзасидан бўйсундирилмаган манфаатдор шахслар билан қонун нормаларига мувофиқ келиб чиқадиган муносабатларида давлат бошқаруви ваколатларини амалга ошириш орқали манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга соладиган (регулятив) процессуал қоидалардир.

#### **Иқтибослар/Сноски/Reference:**

1. Зюзин В. А. Административные процедуры: теория, практика и проблемы законодательного регулирования в РФ: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2007. - С. 3. (Zyuzin V. A. Administrative Procedures: Theory, Practice and Problems of Legislative Regulation in the Russian Federation: Dis. ... Cand. legal sciences. - М., 2007. - P. 3.)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 28.12.2016 йилдаги ПФ-4904-сон Фармони, кучга кириш санаси 09.01.2017. ЎР ҚХТ, 2017. - 1-сон, 5-молда. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. UP-4904 dated 28.12.2016 "On measures radical improve the system of work with individuals and legal entities")

3. Пуделька Й. Право административных процедур и административно-процессуальное право в государствах Центральной Азии - краткий обзор современного состояния // Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. - М.: Инфотропик Медиа, 2015. - С. 41. (J. Pudelka. Law of Administrative Procedures and Administrative Process Law in Central Asian States - A Brief Overview of the Current State // Public Law Yearbook 2015: Administrative Process. - М.: Infotropik Media, 2015. - P. 41)

4. Пуделька Й., Демпе Й. Общее административное право в государствах Центральной Азии - краткий обзор современного состояния // Ежегодник публичного права - 2014: "Административное право: сравнительно-правовые подходы". - М.: Инфотропик Медиа, 2014. - С. 3. (J. Podelka, J. Derpe. General Administrative Law in Central Asian States - a brief overview of the current state // Yearbook of Public Law - 2014: "Administrative Law: Comparative Legal Approaches". - М.: Infotropik Media, 2014. - P. 3.)

5. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш - халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир // Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. - Т.: Ўзбекистон, 2018. - Б. 56, 116, 152. (Deepening of democratic reforms and ensuring sustainable development - guarantee of a decent standard of living for our people // Mirziyoyev Sh.M. We will continue our path of national development with determination and bring it to a new level. Т. 1. - Т.: Uzbekistan, 2018. - P. 56, 116, 152)

6. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги ЎРҚ-457-сон қонуни (Кучга кириш санаси 10.01.2019. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018. - 03/18/457/0525-сон). (Law of the Republic of Uzbekistan No.-457 "On Administrative Procedures" dated January 8, 2018)

7. Қаранг.: Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар институтини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил (монография). - Т.: Lesson Press. 2018 й. - Б. 36.; Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуранинг ҳуқуқий муаммолари. // Жамият ва бошқарув. - 2014 № 4. - Б. 69-81.; Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий муаммолари: Япония тажрибаси билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил // Жамият ва бошқарув. - 2015. - № 3. - Б. 62-72.; Нематов Ж. Маъмурий процедура нима? // Ҳуқуқ ва бурч. - 2017 № 8. - Б. 42-45.; Нематов Ж. Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдинда маъмурий процедуранинг ўрни. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари ахборотномаси. - 2017 № 3(31). - С. 33-35.; Нематов Ж. Проблемы применения принципов

---

---

административных процедур в условиях нового этапа развития административного права в Республике Узбекистан. // Ежегодник публичного права 2018: Принципы административных процедур и административного судопроизводства. - М.: Инфотропик Медиа, 2018. - С. 290-299.; Нематов Ж. Ўзбекистон ҳудудида маъмурий процедуралар ҳуқуқий асосларининг тарихий ривожланиш динамикаси (совет даври мисолида). // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2019 № 2. - Б. 20-28.; Nematov J. Some issues of perception, interpretation of administrative law and legal education in modern Uzbekistan. // Юридик фанлар ахборотномаси. 2019 № 1. - Б. 96-102.; Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуралар қонунчилик асослари вужудга келишининг умумий таъсифи. // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 2019 № 4. - Б. 38-53.(Nematov J. Improvement of the Institute of Administrative Procedures in the Republic of Uzbekistan: Comparative-Legal Analysis (monograph). - T: Lesson Press. 2018 - P. 36.; Nematov J. Legal issues of the administrative procedure in the Republic of Uzbekistan. // Community and administration. - 2014 № 4 - P. 69-81.; Nematov J. Legal issues of administrative responsibility in the Republic of Uzbekistan: comparative-legal analysis with Japanese experience // Society and administration. - 2015. - No. 3 - P. 62-72.; Nematov J. What is the administrative procedure? // Rights and Obligations. - 2017 № 8. - P. 42-45.; Nematov J. The Role of the Administrative Procedure in Preventing the Conflict of Interests in Civil Service // Higher training courses of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan. - 2017 № 3 (31). - P. 33-35 ; Nematov J. Problems of applying the principles of administrative procedures in the conditions of a new stage of development of administrative law in the Republic of Uzbekistan. // Yearbook of public law 2018: Principles of administrative procedures and administrative proceedings. - M. : Infotropic Media, 2018. - P. 290-299.; Nematov J. The dynamics of the historical development of the legal framework of administrative procedures in the territory of Uzbekistan (on the example of the soviet period). Journal of Law Research. 2019, 2 vol., issue 1, P. 20-28.; Nematov J. General characteristics of the emergence of the legislative bases of administrative procedures in the Republic of Uzbekistan. Journal of Law Research. 2019, 4 vol., issue 1, pp. 38-53.)

8. Козлов Ю. М. Предмет советского административного права. - М., 1967. - С. 90-92; Козлов Ю. М. Административное право. - М., 2001. - С. 384-385; Козлов Ю. М. Административное право. - М., 2005. - С. 451-452. (Yu. M. Kozlov. Subject of Soviet administrative law. - M., 1967. - P. 90-92; Kozlov Yu. M. Administrative law. - M., 2001. - P. 384-385; Kozlov Yu. M. Administrative law. - M., 2005. - P. 451-452.)

9. Конов П. И. Административный процесс: подходы к определению понятия и структуры // Государство и право. - 2001. - № 6. - С. 23-24. (Konov P. I. Administrative Process: Approaches to the Definition of the Concept and Structure // State and Law. - 2001. - № 6. - P. 23-24.)

10. Бахрах Д. Н. Административное право России. - М., 2000. - С. 306. (Bakhrakh D. N. Administrative law of Russia. - M., 2000. - P. 306.)

11. Попов Л. Л., Мигачев Ю. И., Тихомиров С. В. Административное право России. - М., 2006. - С. 60; Конин Н.М. Административное право России. - М., 2004. - С. 56. (L. L. Popov, Yu. I. Migachev, S. V. Tikhomirov. Administrative Law of Russia. - M., 2006. - P. 60; Konin N.M. Administrative law of Russia. - M., 2004. - P. 56)

12. Тихомиров Ю. А. Курс административного права и процесса. - М., 1998. - С. 729; Тихомиров Ю. А. Административное право и процесс. - М., 2008. - С. 611. (Tikhomirov Yu. A. The course of administrative law and process. - M., 1998. - P. 729; Tikhomirov Yu. A. Administrative law and process. - M., 2008. - P. 611.)

13. Панова И. В. Актуальные проблемы административного процесса в Российской Федерации: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - Екатеринбург, 2000; Панова И. В. Административно-процессуальная деятельность в Российской Федерации. - Саратов, 2001; Панова И. В. Административный процесс в Российской Федерации: понятие, принципы и виды // Правоведение. - 2000. - № 2. - С. 124-126. (Panova I.V. Actual problems of the administrative process in the Russian Federation: Author's abstract. dis. ... Dr. Juridical sciences. - Yekaterenburg, 2000; Panova I. V. Administrative procedure in the Russian Federation. - Saratov, 2001; Panova I. V. Administrative process in the Russian Federation: concept, principles and types // Jurisprudence. - 2000. - № 2. - P. 124-126)

14. Кононов П. И. Административно-процессуальное законодательство и проблемы его кодификации: Дисс. ... д-ра юрид. наук. - М., Московская академия МВД России, 2001; Кононов П. И. Административный процесс: подходы к определению понятия и структуры // Государство и право. - 2001. - № 6. - С. 23-24; Кононов П. И. Современное состояние и вопросы кодификации административно-процессуального законодательства // Журнал российского права. - 2001. - № 7. - С. 24-31. (Kononov P. I. Administrative-procedural legislation and the problems of its codification: Diss.



---

... Dr. Juridical sciences. - Moscow, Moscow Academy of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 2001; Kononov P. I. Administrative Process: Approaches to the Definition of the Concept and Structure // State and Law. - 2001. - № 6. - P. 23-24; Kononov P. I. The current state and issues of codification of administrative procedure legislation // Journal of Russian law. - 2001. - № 7. - P. 24-31.)

15. Лазарев И. М. Административные процедуры в сфере взаимоотношений граждан и их организаций с органами исполнительной власти в Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2002. - С. 28. (I.M. Lazarev. Administrative procedures in the sphere of relations between citizens and their organizations with executive authorities in the Russian Federation: Dis. ... Cand. legal sciences. - M., 2002. - P. 28.)

16. Махина С. Н. Управленческий и административный процессы: проблемы теории и перспективы правового регулирования: Дис. ... канд. юрид. наук. - Воронеж., 1998. - С. 6, 11, 25, 33. (Makhina S. N. Management and administrative processes: problems of the theory and prospects of legal regulation: Dis. ... Cand. legal sciences. - Voronezh., 1998. - P. 6, 11, 25, 33.)

17. Женетель С. З. Административный процесс и административные процедуры в условиях административной реформы: Дис. ... докт. юрид. наук. - М., 2008. - С. 17. (Jenetal S. Z. Administrative process and administrative procedures in the context of administrative reform: Diss. ... Dr. legal sciences. - M., 2008. - P. 17)

18. Демин А. А. Теория административного процесса: соотношение материального и процессуального права // Правовая наука и реформа юридического образования: сб. науч. тр. - Воронеж: ВГУ, 1996. Вып. 6: Юридический процесс: Реформа процедур управления, законодательной деятельности и судебной власти. - С. 98; Демин А. А. Понятие административного процесса и кодификация административно-процессуального законодательства Российской Федерации // Государство и право. - 2000. - № 11. - С. 8-11. (Demin A. A. The Theory of the Administrative Process: The Ratio of Substantive and Procedural Law // Legal Science and Legal Education Reform: collection of scientific works. tr. - Voronezh: VSU, 1996. Vol. 6: Legal process: Reform of governance procedures, legislation and the judiciary. - P. 98; Demin A. A. The concept of administrative process and codification of the administrative procedure legislation of the Russian Federation // State and law. - 2000. - № 11. - P. 8-11.)

19. Зеленцов А. Б. Конфликты в управлении и управление конфликтами: Опыт комплексного исследования предмета и форм административной юрисдикции: Монография. - М.: РУДН, 2001. - С. 5-6; (Zelentsov, A. B. Conflicts in Management and Management of the Conflicts: The Experience of Comprehensive Study of the Subject and Forms of Administrative Jurisdiction: Monograph. - M.: PFUR, 2001. - P. 5-6)

20. Морозова О. В. Административные процедуры в РФ, США, ФРГ: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2010. - С. 25; (Morozova O.V. Administrative procedures in the Russian Federation, the USA, and the Federal Republic of Germany: Dis. ... Cand. legal sciences. - M., 2010. - P. 25)

21. Петров Г. И. О кодификации советского административного права // Советское государство и право. - 1962. - № 5. - С. 30-33. (Petrov G.I. On the codification of Soviet administrative law // Soviet state and law. - 1962. - № 5. - P. 30-33.)

22. Зеленцов А.Б., Ястребов О.А. Судебное административное право. - М.: Статут, 2017. - С. 247-249. (Zelentsov A.B., Yastrebov O.A., Judicial administrative law. - M.: Statute, 2017. - P. 247-249.)

23. Изох 1: "Процесс" лотинча "processus" с'уздан олинган б'улиб, олинга харакатланиш, й'уналиш, жараён маъноларини, "процедура" эса лотинча "pro-cedo" с'уздан олинган б'улиб, содир б'улиш, давом этиш, юксалиб бориш, харакатланиш маъноларини билдиреди. 16, с.32; 17, с.16 (Note 1: The term "process" is derived from the word "processus", meaning "forward movement", "direction", "process", and "procedure" is derived from the Latin word "pro-cedo," meaning to go on, proceed, rise, move.)

24. Якимов А. Ю. Административно-юрисдикционный процесс и административно-юрисдикционное производство // Государство и право. - 1999. - № 3. - С. 6. (Yakimov A.Yu. Administrative Jurisdiction Process and Administrative Jurisdictional Proceedings // State and Law. - 1999. - № 3. - P. 6.)

25. Бахрах Д. Н. Административное право России. - М.: Норма, 2001. - С. 301. (Bakhrakh D. N. Administrative law of Russia. - M.: Norma, 2001. - P. 301.)

26. Тарасова В. А. Процессуальная форма деятельности органов социального обеспечения // Советское государство и право. - 1973. - № 11. - С. 112-113. (Tarasova V. A. Procedural form of the activities of social welfare bodies // Soviet state and law. -1973. - № 11. - P. 112-113.)

27. Лучин В. О. Процессуальные нормы в советском государственном праве. - М., 1976. - С. 25. Ўшаш фикр билдирганлар: Кононов П. И. Административный процесс: подходы к определению понятия и структуры // Государство и право. - 2001. - № 6. - С. 19; Шайкенов Н. А., Алексеев А. А. Правовое обеспечение интересов личности. Свердловск. УрГУ, 1990. - С. 144; Мельников Ю. И. Природа и содержание норм процессуального права в социалистическом обществе: Автореф. дис. □ канд. юрид. наук. - М., 1976. - С. 7-8. (Luchin V. O. Procedural rules in the Soviet state law. - М., 1976. - P. 25.; Kononov P. I. Administrative Process: Approaches to the Definition of the Concept and Structure // State and Law. - 2001. - № 6. - P. 19; Shaikenov N. A., Alekseev A. A. Legal support of personal interests. Sverdlovsk. Ural State University, 1990. - P. 144; Melnikov Yu. I. Nature and content of the rules of procedural law in a socialist society: Author's abstract. dis. ... Cand. legal sciences. - М., 1976. - P. 7-8)
28. Тихий Р. С. Проблемы правового регулирования административных процедур в РФ (регионально-правовой аспект): Автореф. дис. □ канд. юрид. наук. - Тюмень, 2005. - С. 8. (Tikhiiy R.S. Problems of legal regulation of administrative procedure in the Russian Federation (regional legal aspect): Author's abstract. dis. ... Cand. legal sciences. - Tyumen, 2005. - P. 8.)
29. Никольская А. А. Административные процедуры в системе публичного управления (проблемы административно-правового регулирования): Дисс. ... канд. юрид. наук. - Воронеж., 2007. - С. 27-28. (Nikolskaya A. A. Administrative procedures in the public administration system (problems of administrative and legal regulation): Diss. ... Cand. legal sciences. - Voronezh., 2007. - P. 27-28.)
30. Сорокин В. Д. Административно-процессуальное право. - М.: Юрид. лит., 1972. - С. 120; Сорокин В. Д. Административный процесс и административно-процессуальное право. - СПб.: Юрид. ин-т, 2002. - С. 4-6, 14-17. (Sorokin V.D. Administrative Procedure Law. - М.: Legal. lit., 1972. - P. 120; Sorokin V.D. Administrative process and administrative procedure law. - SPb.: Legal. Institute, 2002. - P. 4-6, 14-17.)
31. Стариллов Ю. Н. Административная юстиция: проблемы теории. - Воронеж: ВГУ, 1998. - С. 53; Затрожная О. К. Советский административный процесс. - Воронеж: ВГУ, 1985. - С. 32; Бахрах Д. Н. Административное право. - М.: Бек, 1996. - С. 153-156; Бельский К. С. Феноменология административного права. - Смоленск: СГУ, 1985. - С. 62-63; Тихомиров Ю. А. Курс административного права и процесса. - М., 1998. - С. 712-719; Никольская А. А., 2007. Кўрсатилган асар. - Б. 13. (Starilov Yu. N. Administrative Justice: Problems of Theory. - Voronezh: VSU, 1998. - P. 53; Zatrozhnaya O. K. The Soviet administrative process. - Voronezh: VSU, 1985. - P. 32; Bahrakh D. N. Administrative law. - М.: Beck, 1996. - P. 153-156; Belsky K.S. Phenomenology of administrative law. - Smolensk: SSU, 1985. - P. 62-63; Tikhomirov Yu. A. The course of administrative law and process. - М., 1998. - P. 712-719)
32. Стариллов Ю. Н. Административный процесс в системе современных научных представлений об административной юстиции // Государство и право. - 2004. - № 6. - С. 7. (Starilov Yu. N. Administrative process in the system of scientific scientific ideas on administrative justice // State and law. - 2004. - № 6. - P. 7.)
33. Ефремов М. О. Административные процедуры как форма реализации компетенции органов публичной власти во взаимоотношениях с частными лицами: Дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2005. - С. 173. (Efremov M. O. Administrative procedures as a form of realization of the competence of public authorities in relations with individuals: Diss. ... Cand. legal sciences. - М., 2005. - P. 173.)
34. Тихомиров Ю. А. Административные процедуры и право / Ю. А. Тихомиров, Э. В. Талапина // Журнал российского права. - 2002. - № 4. - С. 5-7; Нужен закон об административных процедурах / Ю. А. Тихомиров [и др.] // Право и экономика. - 2001. - № 6. С. 61; Тихомиров Ю. А. Правовые аспекты административной реформы / Ю. А. Тихомиров // Законодательство и экономика. - 2004. - № 4. - С. 13. (Yu. A. Tikhomirov. Administrative Procedures and Law / Yu. A. Tikhomirov, E. V. Talapina // Journal of Russian Law. - 2002. - № 4. - P. 5-7; We need a law on administrative procedures / Yu. A. Tikhomirov [et al.] // Law and Economics. - 2001. - № 6. - P. 61; Yu. A. Tikhomirov. Legal Aspects of Administrative Reform / Yu. A. Tikhomirov // Legislation and Economics. -2004. - № 4. -P. 13)
35. Протасов В. Н. Модель надлежащей правовой процедуры: теоретические основы и главные параметры // Советское государство и право. - 1990. - № 7. - С. 14-23; Панова И. В. Юридический процесс. - Саратов, 1998. - С. 23; Абрамова А. И. Процессуальные вопросы правоприменения // Проблемы совершенствования советского законодательства: Труды. - М.: ВНИИСЗ, 1990. Вып. 47. - С. 37; Женетель С. З., 2008. Кўрсатилган асар. - Б. 16; Махина С.Н., 1998. Кўрсатилган асар. - Б. 32; Протасов В.Н. Основы общеправовой процессуальной теории. - М.: Юрид. лит., 1991. - С. 38; Панова И. В. Юридический процесс. - Саратов, 1998. - С. 23; Салишева Н. Г. Административное

---

право и административный процесс: актуальные проблемы // Административное право и административный процесс: актуальные проблемы / Под ред. Л. Л. Попова, М. С. Студеникиной. - М.: Юрист, 2004. - С. 222-223; Лукьянова Е. Г. Теория процессуального права. - М., 2003. - С. 39-40; Ефремов М. О., 2005 г. Кўрсатилган асар. - Б. 49; Алексеев С. С. Социальная ценность права в советском обществе. - М., 1971. - С. 122-123; Якуба О. М. Административная ответственность по советскому праву в свете дальнейшего усиления охраны прав личности: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. - Харьков, 1964. - С. 25. (Protasov V. N. The model of due process: theoretical foundations and main parameters // Soviet state and law. - 1990. - № 7. - P. 14-23; Panova I.V. Legal process. - Saratov, 1998. - P. 23; Abramova A. I. Procedural issues of law enforcement // Problems of improving the law of the North: Proceedings. - М.: VNIISZ, 1990. Vol. 47. - P. 37; Protasov V.N. Basics of general legal procedural theory. - М.: Legal. lit., 1991. - P.38; Panova I.V. Legal process. - Saratov, 1998. - P. 23; Salisheva N. G. Administrative law and administrative process: actual problems // Administrative law and administrative process: actual problems / Ed. L. L. Popova, M. S. Studenikina. - М.: Yurist, 2004. - P. 222-223; Lukyanova E.G. Theory of procedural law. - М., 2003. - P. 39-40; Alekseev S.S. The social value of law in Soviet society. - М., 1971. - P. 122-123; Yakuba, O. M. Administrative Responsibility under Soviet Law in the Light of Further Strengthening the Protection of Individual Rights: author. dis. ... Dr. Juridical sciences. - Kharkov, 1964. - P. 25.)

36. Дегтярева Е. А. Административные процедуры: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2008. - С. 17-18; Аракчеев В. С. Процессуно-правовые нормы: понятие и значение в регулировании трудовых отношений: Автореф. дис. □канд. юрид. наук. - Томск, 1981. - С. 3; Абрамова А. И. Процессуальные вопросы правоприменения // Проблемы совершенствования советского законодательства: Труды. - М.: ВНИИСЗ, 1990. Вып. 47. - С. 37; Рассакхатская Н. А. Пределы гражданской процессуальной формы // Правоведение. -1996. - № 3. - С. 137-144. (Degtyareva E. A. Administrative procedures: Dis. ... Cand. legal sciences. - М., 2008. - P. 17-18; Arakcheev V. S. Procedural and legal norms: the concept and meaning in the regulation of labor relations: Author's abstract. dis. ... Cand. legal sciences. - Tomsk, 1981. - P. 3; Abramova A. I. Procedural issues of law enforcement // Problems of improving the law of the North: Works. - М.: VNIISZ, 1990. Vol. 47. - P. 37; Rassakhatskaya N. A. Limits of civil procedural form // Jurisprudence. -1996. - № 3. - P. 137-144.)

37. Мусаев А. Законодательство об административном судопроизводстве в Республике Узбекистан // Ежегодник публичного права 2015: Административный процесс. - М.: Инфотропик Медиа, 2015. - С. 173. (Musaev A. Legislation on administrative litigation in the Republic of Uzbekistan // Yearbook of public law 2015: Administrative process. - М.: Infotropik Media, 2015. - P. 173)

38. Хамедов И.А. К вопросу о понятии и инвентаризации государственных услуг в Республике Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. - 2016. - № 2(26). - С. 20. (Khamedov I.A. On the issue of the concept and inventory of public services in the Republic of Uzbekistan // High training courses of the GPO. - 2016. - № 2 (26). - P. 20.)

39. Административное право и процесс: полный курс / Ю.А.Тихомиров. - М.: Изд-во Тихомирова М.Ю., 2005. - С. 611. (Administrative law and process: full course / Yu.A.Tikhomirov. - М.: Publishing house of Tikhomirov M. Yu., 2005. - P. 611.)

40. Минашкин А. В. Административные процедуры организации и деятельности Правительства Российской Федерации // Законодательство и экономика. - 2002. - № 7 (255). - С. 41; Тихомиров Ю. А., Бачило И. Л., Талапина Э. В. Административные процедуры для публичной власти и граждан // Законодательство и экономика. - 2002. - № 6 (218). - С. 4. (Minashkin A.V. Administrative procedures for the organization and activities of the Government of the Russian Federation // Legislation and Economics. - 2002. - № 7 (255). - P. 41; Tikhomirov Yu. A., Bachilo I. L., Talapina E. V. Administrative procedures for public authorities and citizens // Legislation and Economics. - 2002. - № 6 (218). - P. 4.)

41. Малавина Н. Б. Административные процедуры как средство противодействия коррупции в системе органов публичной власти: Дис. ... канд. юрид. наук. - М., 2008. - С. 21-22. (Malyavina N. B. Administrative procedures as a means of combating corruption in the system of public authorities: Dis. ... Cand. legal sciences. - М., 2008. - P. 21-22.)

Хужаназаров Азизжон Анварович,

Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика  
кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-3>

## **ЭЛЕКТРОН КЎРИНИШДАГИ МАЪЛУМОТЛАРДАН ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ИСБОТ ҚИЛИШДА ФЙДАЛАНИШНИНГ УМУМНАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада электрон кўринишдаги маълумотлардан жиноят-процессуал исбот қилишда фойдаланишнинг умумназарий асослари ёритиб берилган. Мақолада электрон кўринишдаги маълумотлардан жиноят-процессуал исбот қилишда фойдаланиш юзасидан хулоса ва таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Жиноят-процесси, электрон кўринишдаги маълумот, исбот қилиш, қонун, ахборот, теҳнология.

---

Хужаназаров Азизжон Анварович,

Преподаватель кафедры Уголовно-процессуального права и криминалистики  
Ташкентского государственного юридического университета

## **ОБЩЕТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОМ ДОКАЗЫВАНИИ ИНФОРМАЦИИ В ЭЛЕКТРОННОМ ВИДЕ**

**Аннотация:** В данной статье раскрыты общетеоретические основы использования в уголовно-процессуальном доказывании информации в электронном виде, а также изложены выводы и предложения по использованию в уголовно-процессуальном доказывании информации в электронном виде.

**Ключевые слова:** уголовный-процесс, информация в электронном виде, доказывание, закон, информация, теҳнология.

---

Khujanazarov Azizjon Anvarovich,

Teacher of Criminal Procedure Law  
and Criminalistics Department of the  
Tashkent State University of Law

## **GENERAL THEORETICAL BASES OF THE USE INFORMATION IN ELECTRONIC VIEW IN CRIMINAL PROCEDURAL PROVING**

**Annotation:** This article discloses the general theoretical basis for the use in the criminal procedural proof of information in electronic form, as well as the conclusions and proposals for the use of information in the criminal procedural proof of information in electronic form.

**Keywords:** criminal process, information in electronic view, proof, law, information, technology.

**А**йни вақтларда жиноят-процессуал қонунчиликни жаҳон ҳамжамиятининг эркинликларини ишончли ҳимояси, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашни инobatга олган ҳолда янада такомиллаштириш масалалари давлатимиз томонидан амалга оширилаётган муҳим ҳуқуқий ислохотлардан бири бўлмоқда.

Қайд этилган ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан "Қонун устувор - жазо муқаррар" тамойилини ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалардан биридир.

Маълумки, жамиятнинг ҳар бир соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали электрон шаклдаги маълумот ва манбалар, дастурлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг амалий ижроси сифатида жиноят-процесси соҳасида ҳам ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда электрон маълумотлардан фойдаланиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг

81-моддасида ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича "далил" деб ҳисобланиши, шунингдек бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши белгиланган[1].

Бироқ, жиноят-процессуал қонунчиликда "электрон маълумотлар"ни далил сифатида эътироф этилиши бўйича процессуал нормалар мавжуд эмас.

Маълумки, жиноят ишини қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат бўлган исбот қилиш босқичида далиллар муҳим эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги "Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 17-сон қарорининг 2-бандида жиноят иши бўйича

---

---

ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашга хизмат қилиши мумкин бўлган ҳамда физикавий аломатлар ёки белгиларга эга ҳар қандай нарса ашёвий далил деб ҳамда ашёвий далил сифатида жиноят қуроли, ўзида жиноят изларини сақлаб қолган нарсалар, жиноий ҳаракатлар объекти бўлган нарсалар, жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин жиноий йўл билан топилган маблағлар эвазига топилган мол-мулк, пуллар ва бошқа қимматликлар эътироф этилиши белгиланган[2].

Ушбу қарорнинг 9-бандида қонун билан тақиқланмаган маълумотлардан нусха кўчирилиб, мазкур маълумотлар эгаси ёки унинг вакилига берилгандан кейин йўқ қилинадиган "ахборот сақлаш воситалари" (телефон аппаратлари, хотира карталари) ашёвий далил сифатида кўрсатиб ўтилган.

Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, иш учун аҳамиятли бўлган электрон маълумотлар сақланувчи ахборот сақлаш воситалари(компьютер, телефон аппаратлари, хотира карталари ва бошқа электрон-техник воситалар)ни ашёвий далил сифатида ҳамда "электрон маълумотлар"ни "электрон (рақамли) далил" сифатида баён этиш мумкин.

Ахборот-технологик ёндашувларга асосан "электрон маълумотлар" сифатида компьютер, телефон аппаратлари, хотира карталари ва бошқа электрон-техник воситалардаги электрон дастурлар, электрон кўринишдаги хат ва ҳужжат ҳамда аудио ва видео файллари, интернет ва ижтимоий-тармоқлар ҳамда бошқа электрон иловаларни тушуниш лозим.

Шу ўринда, "электрон далил" тушунчасига соҳага оид манбаларга асосланган ҳолда тўхталиб ўтадиган бўлсак, дастурий таъминот хусусиятларига қараб электрон-техник қурилма ёки электрон маълумотларнинг бошқа турдаги ташувчиларида автоматлаштирилган ҳолда шакллантириладиган, у ерда мавжуд бўладиган ва сақланадиган, рақамли белгилар ёки сигналлар мажмуаси сифатидаги иш учун аҳамиятли бўлган электрон маълумотлар электрон далиллар сифатида ҳисобланиши мумкин.

Илмий манбаларда, электрон далилни фақат электрон ҳудудда мавжуд бўлган ва ахборот ташувчи мазмунига эга бўлган объект сифатида тушуниш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган[3].

Ҳозирги кундаги жиноят-процессуал амалиётда исбот қилиш босқичининг далилларни тўплаш йўналишида "электрон маълумотлар" кўринишидаги далилларни тўплаш бўйича кўздан кечириш ва олиб қўйишдан ташқари муайян бир тергов ёки суд ҳаракатлари мавжуд эмас.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликда электрон далилларни қўлга киритиш усуллари ва уларни электрон далил деб тан олиш ҳамда жиноят ишига қўшиш процессуал ҳаракатларни белгиловчи нормалар ишлаб чиқилмаган.

Жиноят-процессуал исбот қилишнинг далилларни тўплаш босқичида электрон-техник қурилмалар, компьютер тармоқлари ва бошқа электрон маълумотлар ташувчиларини кўздан кечириш орқали "электрон маълумотлар" кўринишидаги далилларни тўплаш мумкин.

Соҳага оид илмий манбаларда, "электрон маълумот"дан исботлаш жарёнида белги (рақамли) шаклда ифодаланган маълумотларни олиш мақсадида фойдаланилиши ҳақида илмий фикрлар илгари сурилган[4].

Бунда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд ахборот технологиялари соҳасидаги

---

---

мутахассис ёки эксперт иштирокида электрон-техник қурилмани ва бошқа электрон маълумотларни ташувчи воситаларни аниқланган жойида электрон ахборотни сақлаш ва олишнинг самарали воситаларидан фойдаланган ҳолда кўздан кечиради.

Шунингдек, қўлланилган электрон маълумотларни кўздан кечириш вақтида масофадан туриб, электрон-техник қурилма, компьютер тармоқлари ёки электрон маълумотларнинг бошқа ташувчиларидан фойдаланган ҳолда электрон далил сифатида қўлга киритилиши мумкин.

**Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги фикрларни келтириш мумкин:**

- жиноят-процессуал қонунчиликда "электрон далил" тушунчасининг аниқ процессуал ҳуқуқий тавсифини белгилаш;

- жиноят-процессининг исботлаш босқичида "электрон далил" ва "электрон маълумот"ларни тўплаш, текшириш ва уларни процессуал расмийлаштиришни белгиловчи процессуал нормалар ишлаб чиқиш;

- "электрон жиноят иши" доирасида ишга тааллуқли бўлган "электрон маълумот"ларни тўплаш бўйича терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва суд мансабдор шахсларига тегишли бўлган расмий электрон рақамли имзо билан тасдиқланган "электрон баённома"ни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

---

#### **Иқтибослар/Сноски/ References**

---

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, [www.lex.uz](http://www.lex.uz). (National database of legislation of the Republic of Uzbekistan, [www.lex.uz](http://www.lex.uz) )

2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, [www.lex.uz](http://www.lex.uz). (National database of legislation of the Republic of Uzbekistan, [www.lex.uz](http://www.lex.uz) )

3. Кукарникова Т.Э. Электронный документ в уголовном процессе и криминалистике: автореф. дис.канд. юрид. наук. Воронеж : Воронеж. гос. ун-т, 2003. с.67-70. (Kukarnikova T.E. Electronic document in the criminal process and forensics: author. dis. ... Cand. legal sciences. Voronezh: Voronezh. state University Press, 2003. p. 67-70.)

4. П.С. Пастухов. Электронное вещественное доказательство в уголовном судопроизводстве. Вестник Томского государственного университета. 2015. № 396. С. 149-153. (P.S.Pastuxov. Electronic evidence in criminal proceedings. Bulletin of Tomsk State University. 2015. № 396. p. 149-153)

Шу боис аҳоли ўртасида қонунга қатъий риоя этадиган фуқароларнинг ҳаракатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ўзининг конституциявий ҳуқуқлари ва бурчларини англаб етиш, Ватани тақдирига, содир бўлаётган воқеаларга яқин дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий



---

---

тарғиботнинг самарали тизимини йўлга қўйиш юзасидан талай ишлар амалга оширилмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қонунлар мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, улар ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлаш бўйича аниқ ишлайдиган механизм яратиш вазифаси қўйилганди [2].

Таъкидлаш лозимки, истиқлол йиллари миллий қонунчилик тизимида амалга оширилган салмоқли чора-тадбирларга қарамай, мамлакатимизда қонун ҳужжатларини, жумладан, расмий ҳужжатларни тарқатишнинг ягона механизми ва тартиби мавжуд эмас эди. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу соҳа ривожига муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарор, энг аввало, қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини комплекс тартибга солиш, шиддат билан ривожланиб бораётган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар жараёнида аҳолининг ижтимоий фаол қатлами, жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ушбу ҳужжат асосида янги қабул қилинган қонунларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлашнинг ҳамда уларни ижрочиларга етказишнинг яхлит механизми шакллантирилдики, унинг асосий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларини давлат органлари ва бошқа ташкилотларга тўғридан-тўғри ижро этиш ҳамда амалиётда қўллаш учун расмий тарқатма орқали юборишнинг ягона тартиби ва муддатлари белгиланди. Хусусан, масъул орган зиммасига янги қабул қилинган ҳужжатларни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига бир кунлик муддатда жойлаштириш ва ҳар ҳафта Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилиб бориш вазифаси юклатилди.

Иккинчидан, давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштирувчи, услубий раҳбарлик ва назорат қилувчи ваколатли орган сифатида Адлия вазирлиги белгиланди. Шунингдек, Адлия вазирлиги бир кунлик муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларни электрон шаклда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериладиган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига етказилишини таъминлаши белгилаб қўйилди.

Учинчидан, тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин унинг ижросини ижрочиларга етказиш ҳамда аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида кўрсатилиши, ҳужжат моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланиши мустаҳкамланди, шунингдек ушбу йўналишда медиа-режалар ишлаб чиқиш, ҳуқуқий тарғибот бўйича гуруҳлар тузиш, туркум теле, радио кўрсатувлар ташкил қилиш, ОАВда мақолалар, ахборот материаллари эълон қилиш кўзда тутилди.

---

---

Тўртинчидан, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий мазмуни ва аҳамиятини тарғиб қилиш тартиби янада такомиллаштирилди, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида тайёрланган ахборот-таҳлилий материаллар асосида тарғибот амалга оширилиши кўзда тутилдики, бу айни ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кишиларга тўлиқроқ етказишга хизмат қилади.

Бешинчидан, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва халқ депутатлари Кенгашларида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш соҳасидаги ҳисоботларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.

Мазкур қарор асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди [3]. Ушбу Қонуннинг асосий моҳиятини ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар барча давлат органлари ва ташкилотларига, ижрочиларга, ҳар бир маҳалла, кутубхона ва таълим муассасасига ўз вақтида етиб бориши ҳамда улардан эркин фойдаланиш имконияти таъминланиши ташкил этади.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий ахборотни тарқатиш соҳасида махсус ваколатли давлат органи сифатида қайд этилиб, унга давлат органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик қилиш вазифаси юкланди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фуқаролар эътиборига етказиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар қаторидан жой олган [4]. Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий манба сифатида эътироф этилиши ҳар бир фуқарога ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тезкор танишиш, амалиётчи юристлар учун эса ҳар қандай жойда амалий масалаларга ҳуқуқий ечим топиш имконини кенгайтиради. Бундан ташқари, у бўлажак юридик кадрлар - модулга асосланган тизимда таълим олаётган университет талабаларининг машгулотлар жараёнида мураккаб қазусларни ечиш, юридик соҳа тадқиқотчилари учун эса илмий иш олиб бориш самарадорлигини оширади. Булар охир-пировардида фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятининг сезиларли юксалишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда ҳуқуқат қарорига биноан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамаси портали ([www.regulation.gov.uz](http://www.regulation.gov.uz)) ҳам қатга аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, аҳолини янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардор этиш мақсадида расмий ҳуқуқий манба - "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" - "Собрание законодательства Республики Узбекистан" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" - "Сборник международных договоров Республики Узбекистан" нашрлари мунтазам чоп этиб келинмоқда.

Мамлакатимизда қонун ҳужжатларини тарқатиш бўйича жорий этилган бу ягона механизм қабул қилинаётган қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-

---

---

тўғри амалга ошириш тизимини яратиш, уларнинг ислохотлар самарасига таъсири ва ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги ролини оширишга, қонун устуворлигини таъминлашга, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган қонунларни ўз вақтида ҳамда бир хил қўллашга, давлат органлари мансабдор шахсларининг бу борадаги масъулиятини кучайтиришга, аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали уларнинг ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга ҳамда фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Албатта, жамият ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалиши қўп жиҳатдан ҳуқуқшунос мутахассисларнинг малакаси, билими билан ҳам боғлиқ. Zero, ҳуқуқий ахборот аҳоли кенг қатламларига аксарият ҳолларда ҳуқуқшунослар орқали етказилади. Адлия вазирлиги томонидан юристларнинг касбий малакаси, билим ва кўникмаларини оширишга катта аҳамият берилишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Юристар малакасини ошириш марказида адлия, суд, юридик хизмат, адвокатура бўйича ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, захирада бўлган ва илк бор судья лавозимларига тақдим этилаётган шахсларни махсус курсларда ўқитиш, юридик олий таълим муассасалари ҳуқуқшунослик фанлари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш кабилар йўлга қўйилган.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси" мамлакатимизда бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришда муҳим йўналишларни белгилаб берди [5].

Айни пайтда, мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Хусусан, тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлиги, хусусий мулкчилик мафкурасининг ижтимоий онгга сингиши, мулкий мустақиллик ва юридик тенглик, иқтисодий муносабатларда қонун устуворлиги каби илгор гоълар ҳуқуқий онг ва маданият мазмунига сингиб кетади.

Шу билан бирга, шахсларнинг фаоллиги янгиланишлар даврида салбий гоълар асосида нотўғри йўлдан ҳам кетиши мумкин. Баъзилар учун қандай қилиб бўлсада, бойлик орттириш ахлоқий ва маънавий қадриятлардан устун бўлиб қолади. Ушбу ҳолатларда ҳуқуқий билимсизлик эмас, балки айнан ҳуқуқий маданиятсизлик, ҳуқуқни менсимаслик, қонунга ҳурматсизлик ҳоллари намоён бўлади.

Таассуфки, ҳар доим ҳам шахснинг камол топиши исталган ижобий кўринишда бўлмайди. Аксарият ҳолларда жамият ривожидagi турғунлик, иқтисодий қийинчиликлар, инқирозли вазиятлар ёки адолатсизлик каби салбий ҳолатлар ҳуқуқий онгнинг бузилишига сабаб бўлади. Шахс хулқ-атворининг деформацияланиш шакллари юридик лаёқатсизлик (ҳуқуқий билимларнинг йўқлиги), ҳуқуққа (унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усули сифатидаги ижобий ролига) нотўғри баҳо бериш хусусиятлари, ноҳуқуқий ва гайриқонуний хулқ-атвор кўникмалари ва андозаларининг тарқалганлик даражасига кўра фарқ қилади. Шахсларнинг ҳуқуқий фаоллигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида, аввало, ҳуқуқий ҳаёт соҳасидаги воқеликни назарда тутиш лозим. Булар сирасига ҳуқуқ нормалари билан реал ҳаёт ўртасидаги тафовут, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги малакасизлик, номукамаллик, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги тўрачилик, суиистеъмолчилик, мансабдор шахсларнинг фуқаролар

---

---

ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга бепарволиги, жамият аъзоларининг ҳуқуқбузарлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мазкур вазиятдан халос бўлиш учун, бугунги ҳаётий қадриятларни жамият олдида турган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий вазифалардан, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш лозим. Таълим ва тарбия тизими, маънавият ва маърифат билан боғлиқ барча муассасалар ўз фаолиятларини соф ахлоқий, юксак маънавий қадриятларни қарор топтириш ва омма онгига синдириш ва энг муҳими фуқароларнинг жамият ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, ҳуқуқий масалалар доирасида ҳам фаоллигини ошириш вазифасига сафарбар этишлари лозим [6].

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий ва демократик қадриятлар тизимини шакллантириш, ҳуқуқий тарбия ва функционал ҳуқуқий маданиятнинг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаш жоиз.

Хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уни турли йўналиш ва ҳудудлар бўйича махсус дастурлар орқали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда полиция ёки ички ишлар идораларининг иштироки минимал даражада бўлиб, амалга оширилаётган дастурларнинг ижроси, асосан, аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятига асосланади. Шунингдек, ушбу дастурлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг классик усуллари - полиция патрули, тарғибот ва тушунтириш ишларига нисбатан анча амалий ва самарали эканлиги маълум бўлмоқда. Хусусан, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия, Австралия каби давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда "Қўшнилар назорати" (neighborhood watch), "Синдирилган ойналар" (broken windows), "Жиноятчиликни тўхтатувчилар" (crime stoppers) каби дастурлар, шунингдек муайян тоифадаги шахслар, масалан болалар ва ўсмирларга мўлжалланган ёки жиноятчилик даражаси нисбатан юқори минтақаларга ("Weed&Seed", "Safety City") дастурлар самарали татбиқ этилмоқда [7].

Ўз навбатида, мамлакатимизда ҳам бу борадаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги вазифаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- жамият ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш, ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаш;

- фуқаролар билан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш;

- ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг фақат таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларининг ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга оширилишини таъминлаш;

- аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатларидан оммавий ахборот

---

---

воситалари орқали кенг хабардор бўлиб боришини тизимли равишда йўлга қўйиш, уларни кенг халқ оммаси орасида тарғиб этишни ташкил этиш;

жойлардаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларда раҳбарлар, давлат хизматчилари, ходимлар ўртасида ҳар ҳафта ўтказиладиган маърифат соатларида ҳуқуқий мавзулардаги масалаларни кўпроқ тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш ва бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларининг кенг иштирокини таъминлаш;

ҳуқуқий таълим жараёнида ёшлар ҳуқуқ нормаларини идрок этишининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш. Бунда таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг ёши, воқеликни идрок этиш қобилияти ва бошқа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда улар дуч келиши мумкин бўлган вазиятларда ҳуқуқий масалаларни ҳал этишининг аниқ мисоллари билан етказиб бериш самара бериши мумкин;

барча босқичдаги ўқув муассасалари учун ҳуқуқий адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш. Бунда адабиётларнинг матни, кўриниши, машқ ва масалаларнинг берилишини замонавий таълим олувчининг хоҳиш-истаги, диди, материалларни қабул қила олиш қобилияти ва замонавий усуллар асосида тайёрланишига алоҳида эътибор қаратиш;

таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, шунингдек бундай илгор ютуқлар фақатгина мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртига эмас, балки ҳар бир оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин тайёрлаш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган дафтарлар (12, 48, 96 варақли ва бошқа) ва бошқа ўқув қуроллари устига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бола ҳуқуқларига оид нормалар, давлат рамзларини акс эттириш ва бошқалар.

Бизнинг назаримизда, юқорида қайд этиб ўтилган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим яҳамият касб этиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ишларини тўғри йўлга қўйиш нафақат ижтимоий зарурият, балки жамият демократик тараққиётининг муҳим шартидир. Ислоҳотларнинг бугунги босқичида жамият ҳуқуқий онги ва маданиятини, айниқса, инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш, бунинг учун эса ҳуқуқий тарғибот, таълим ва тарбия ишларида замонавий усул ҳамда воситалардан унумли фойдаланиш тез фурсатларда ўзининг ижобий самараларини бериши шубҳасиздир.

---

#### **Иқтибослар/Сноски/References**

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On strategy of further development of the Republic of Uzbekistan", Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, № 6,

---

---

Article 70, № 20, Article 354, № 23, Article 448; № 37, Article 982, National database of legislation, dated 31.07.2018, № 06/18/5483/1594).

2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.9 (Mirziyoev Sh.M. The rule of law and the interests of the human being are the basis of the development of the country and the well-being of the people. At the solemn ceremony dedicated to the 24th anniversary of adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. December 7, 2016 - Tashkent: Uzbekistan, 2017. - P.9).

3. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 944-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон (Law of the Republic of Uzbekistan "On dissemination and use of the legal information". // Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 36, art. 944; National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan, dated 19.04.2018, № 3 / 18/476/1087, dated 24.07.2018, № 03/18/486/1559)

4. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон (Law of the Republic of Uzbekistan "On normative legal acts" / Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2012, № 52, p. 583; National database of legislation information, 09.01.2019, № 03/19/512/2435)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On completely improvement of the system of legal mind and legal culture in society" // National database of legislative acts, 10.01.2019 y., № 06/19/5618/2452).

6. Нажимов М.К. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият. -Т.: ТДЮУ, 2018. - Б.27 (Najimov M.K. Legal mind and legal culture. -T.: TSIL, 2018. - P.27).

7. Нажимов М. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари. Монография. - Т.: ТДЮУ, 2019. - Б.106 (Najimov M. Issues of raising the legal awareness and culture of young people. Monographs. - T. TSUL, 2019. - P.106).

---

---

**12.00.04 ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО.  
ХОЗЯЙСТВЕННО ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО.  
ТРЕТЕЙСКИЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ**

**Азизов Насимбек Абдумухторович,**

Тадқиқотчи, доцент



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-7>

**БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ ИҚТИСОДИЙ СУДИДА  
СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ ВА УНИ  
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** мазкур мақолада биринчи инстанция иқтисодий судида соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни кўриб чиқиш хусусиятлари ва судгача мажлис жараёнларини жорий этиш масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий суд, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, судгача мажлис, келишув битими, медиатив келишув.

---

**Азизов Насимбек Абдумухторович,**

Соискатель, доцент

**УПРОЩЕННОЕ ПРОИЗВОДСТВО В ЭКОНОМИЧЕСКОМ  
СУДЕ ПЕРВОЙ ИНСТАНЦИИ И ВОПРОСЫ ЕГО  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ**

**Аннотация:** в данной статье рассмотрены вопросы особенности рассмотрения дела в порядке упрощенного производства и введения порядка позволяющий проводить досудебное заседание в экономическом суде первой инстанции.

**Ключевые слова:** экономический суд, упрощенное производство, досудебное заседание, мировое соглашение, медиативное соглашение

---

**Azizov Nasimbek Abdumuxtorovich,**

Researcher, Associate professor

**SUMMARY PROCEEDINGS IN THE ECONOMIC COURT OF THE  
FIRST INSTANCE AND THE ISSUES OF IT'S IMPROVEMENT**

**Annotation:** this article considers the issues of features of summary proceedings and introduction of pre-trial session in the economic court of the first instance.

**Key words:** economic court, summary proceedings, pre-trial session, settlement through of mediation.

**For citation:** Azizov Nasimbek Abdumuxtorovich. SUMMARY PROCEEDINGS IN THE ECONOMIC COURT OF THE FIRST INSTANCE AND THE ISSUES OF IT'S IMPROVEMENT. Journal of Law Research. 2019, 7 vol., issue 1, pp. 55-78

---

---

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги "Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонуни ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3852-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича ислоҳотлар нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари томонидан ўрганилиб, тегишли баҳолар берилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислоҳотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди. Шу билан бирга, айнан бизнес вакиллари ҳисобланган тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу жараёнларни тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришга, қулай бизнес муҳитини ва халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий нуфузини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўриб борилмоқда ҳамда халқаро нормалар ва стандартлар талаблари эътиборга олинмоқда.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида "контрафакт ижросини таъминлаш соҳаси" бўлимида суд ишларини юритиш тизими сифати бўйича келтирилган индекслар (баҳолаш мезонлари) айнан иқтисодий процессуал қонунчилигимизни такомиллаштирилишида алоҳида аҳамият касб этди. Улар 4 та соҳани қамраб олиб, "суд тартиб-таомиллари ва суд тизими тузилиши бўйича индекс", "суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги индекси", "суд органларининг автоматлаштирилганлиги индекси" ҳамда "низоларни муқобил ҳал этиш индекси"дан иборат. Айнан ушбу индексларда кўп миқдорда бўлмаган пул маблағларини ундириш билан боғлиқ соддалаштирилган тартибда иш юритувчи судларнинг мавжудлиги, судьялар ўртасида ишларнинг автоматик тарзда тақсимланиши, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилгани, суд қарорларининг чоп этилиши каби индекслар кўрсатилган. Ушбу индексларга ва бир қатор халқаро стандартларга тўлиқ мос келувчи иқтисодий процессуал қонунчилигимиздаги айрим нормалар ва механизмлар яратилган.

Шу билан бирга, бошқа индексларни инобатга олиб, миллий қонунчилик ва суд амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган зарур индекслар ҳам мавжуд. Ушбу индекслар орқали мамлакатларнинг қонунчилигида суд мажлисларини кейинга қолдиришнинг ва суд танаффусларининг максимал миқдори белгиланганлиги ва бунга суд фақат фавқулодда ҳолатларда ёки кўзда тутилмаган ҳолатлардагина йўл қўйиши, судгача мажлис ўтказиш назарда тутилганлиги, агар судгача мажлис ўтказилса, унда суд муҳокамасини ўтказиш ва ҳужжатлар (далиллар) тақдим этиш графикалари, суд муҳокамаси мураккаблигини ҳисобга олиб, олдидан унинг давомийлигини прогноз қилиш, айнан судгача мажлис жараёнида келишув битими ёки низоларни муқобил ҳал этиш усулларига эришиш



имкониятлари мавжудлиги, гувоҳлар рўйхатини алмашиш, низоли саволлар сонини камайтириш масалалари акс этганлиги, шунингдек тарафларга уларнинг яраштирув тартиб-таомилларини қўллаган ҳолларда молиявий рағбатлантиришлар тизими мавжудлиги баҳоланади. Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган индексларни чуқур ўрганган ҳолда миллий иқтисодий процессуал қонунчилиқни шу йўналишларда янада такомиллаштириш талаб этилади. Чунки бизга қўшни мамлакат ҳисобланган Қозоғистон Республикаси дунё бўйича суд ишларини юритиш сифати бўйича 18 балдан 16 баллни тўглаб 1-ўринга эга бўлди ва ушбу кўрсаткич билан дунё бўйича умумий "контрактлар ижросини таъминлаш соҳаси"да 4-ўринга олиб чиқди. Умумий кўрсаткичларда айнан суд ҳуқуқ ислоҳотлари асосий кўрсаткичларга эга бўлиб, натижада 36-ўриндан 28-ўринга чиқиб олди. Бизнинг фикримизча ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бўйича юқорида кўрсатилган индекслар бўйича кўрсаткичларимизни кўтаришнинг имконияти мавжуд. Қирғизистон Республикаси ҳам 2019 йилда судгача мажлис институтини қонунчиликка киритиб суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги индексини 1 баллга кўтарди. Қуйида айнан ушбу кўрсаткич бўйича жадвал келтирилган.

**Ўзбекистон Республикаси ва бошқа айрим давлатларнинг Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" ("Doing Business 2019") йиллик ҳисоботида эгаллаган кўрсаткичлари**

Давлат номи	Умумий суд ишларини юритиш сифати кўрсаткичи (0-18)	Суд тартиб-таомиллари ва суд тизими тузилиши бўйича индекс (1-5)	Суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги индекси (0-6)	Суд органларининг автоматлаштирилганлиги индекси (0-4)	Низоларни муёбил дал этиш индекси (0-3)
Ўзбекистон	6	2.5	0	2	1.5
Қозоғистон	16	5	5	3	3
АҚШ	15	5	4.5	3	2.5
Россия Федерацияси	9.5	3	4	0	2.5
Жанубий Корея	14.5	3.5	4	4	3
Германия	10.5	4.5	1.5	1.5	3
Япония	7.5	3	1	1	2.5
Қирғизистон	5	2.5	1	0	1.5

**Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон банки ва Халқаро молия  
корпорациясининг "Бизнес юритиш" ("Doing Business 2019") йиллик ҳисоботида  
эгаллаган кўрсаткичлари**

Суд ишларини юритиш тизими сифати индекси бўйича (0-18)	Жавоб	Ўзбекистон тўплаган балл	Методология бўйича максимал балл
<b>Суд тартиб-таомиллари ва суд тизими тузилиши бўйича индекси (1-5)</b>		2.5	5
1. Мамлакатда ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилган ҳўжалик суди, ҳайъати ёки суд палатаси мавжудми?	Ҳа	1.5	Ҳа-1.5, Йўқ-0
2. Кичик даъво аризаларини кўриб чикувчи судлар		0.0	Ҳа-1.5, Йўқ-0
2.а. Кичик даъво аризасини кўриб чикувчи судлар борми ва (ёки) даъво миқдори кичик бўлган ишларини кўриб чиқишни тезлаштириш жараёнлари мавжудми?	Йўқ		Шундан Ҳа-1.0
2.б. агар ҳа бўлса, унда тарафлар бундай судда ёки соддалаштирилган тартиб-қоидаларни қўллашда ўз манфаатларини мустақил равишда ҳимоя қилишга ҳақлими?	N/A (қўшимча)		Шундан Ҳа-0.5
3. агар даъвогар жавобгарнинг кўчар мулкни мамлакат ташқарисига олиб чиқиб кетишдан ёки сарфланиб кетишдан кўркса, у судга ҳатлаб қўйиш имкониятига эгами?	Ҳа	1.0	Ҳа-1.0, Йўқ-0
4. Ваколатли судларнинг судьялари орасида ишларнинг тақсимоги ихтиёрый ва автоматлаштирилганми?	Йўқ	0.0	Ҳа-1, Ихтиёрый эмас, автоматик тарзда-0.5, Йўқ-0
5. Судларда аёл кўрсатмаси эркак кўрсатмаси билан бир хил исботлаш вазнига эгами?	Ҳа	0.0	Ҳа-0, Йўқ-1
<b>Суд ишларини кўриб чиқиш самарадорлиги индекси (0-6)</b>		0	6
1 Муддатлар бўйича стандартлар		0.0	1
1. а. Амалдаги қонунчиликда ва фуқаролик суд ишлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ муддатлар белгиланганми?	Ҳа		
1. б. Агар ҳа бўлса, қуйида келтирилган камида 3 та суд муҳокамаси жараёнларига вақт меъёрлари қўлланилганми? (1) процессуал ҳужжатларни бериш учун муддат; (2) иш бўйича биринчи суд мажлиси учун муддат; (3) жавобгарнинг даъво аризасига фикр билдириш учун муддат; (4) далилларни кўриб чиқишни тугаллаш учун муддат; (v) охириги ҳал қилув қарорини чиқариш учун муддат.	Йўқ		
1. с. Агар ушбу муддатларнинг 50 фоизидан кўпроги қўлланилганда ва ривоя этилганда 1 балл, агар муддат белгиланган бўлиб, 50 фоиздан камига ривоя этилган бўлса 0.5 балл, агар 3 та кам ҳолатда муддатлар белгиланган бўлса 0 балл	Ҳа		
2. Суд мажлисини кейинга қолдириш ёки суд танаффуслари		0.0	3 та шарт ҳам бажарилса-1 балл, 2 та шарт учун-0.5 балл, 1 та шарт учун-0 балл

2.a. Суд мажлисини кейинга колдириш ёки суд танаффусларининг энг кўп сони қонунчиликда белгиланганими?	Йўқ		
2.b. Суд мажлислари фақатгина қўтилмаган ва фавқулодда ҳолатлар туфайлигина қолдирилиши мумкин бўлган ҳуқуқий асослар мавжудми?	Йўқ		
2.c. Ишларнинг 50 фоиздан ортиғида ушбу нормаларга риоя этиладими?	N/A		
3. Ваколатли суднинг иш самардорлиги натижалари бўйича қуйида келтирилган 4 та ҳисоботдан камида 2 тасининг ошқора чоп этилиши мавжудми? (1) ишларнинг кўриб чиқилиши давомийлиги бўйича ҳисобот; (2) қайд қилинган ишларга нисбатан ҳал қилув қарори чиқарилган ишлар сони тўғрисида ҳисобот; (3) хали кўриб чиқилаётган ишлар давомийлиги муддатлари бўйича ҳисобот; (4) аниқ бир ишнинг ҳаракатланиши бўйича ҳисобот.	Йўқ	0.0	Камида 2 та бўлса-1 балл, 1 та ёки йўқ бўлса-0 балл
4. Ваколатли судда суд ишларини юритиш усули сифатида судгача мажлис институти мавжудми?	Йўқ	0.0	Ҳа-1, Йўқ-0
5. Ваколатли судья электрон ишларни бошқариш тизимидан фойдаланиш имкониятига эгами?	Йўқ	0.0	Ҳа-1, Йўқ-0
6. Адвокатлар электрон ишларни бошқариш тизимидан фойдаланиш имкониятига эгами?	Йўқ	0.0	Ҳа-1, Йўқ-0
<b>Суд органларининг автоматлаштирилганлиги индекси (0-4)</b>		2	4
1. Даъво аризани электрон форматда махсус платформалар орқали берилиши мумкинми?	Ҳа	1.0	Ҳа-1, Йўқ-0
2. Даъво аризани жавобгарга электрон шаклда, махсус тизим орқали ёки электрон почта, факс, магнли хабар шаклида юборишга ишлар судда қайд этилгандан сўнг имконият борми?	Йўқ	0.0	Ҳа-1, Йўқ-0
3. Ваколатли судда рўйхатдан ўтган ишлар бўйича суд ҳаражатларини электрон равишда тўлаш, махсус интернет платформадан фойдаланиб нақд пулсиз тўлаш имконияти мавжудми?	Ҳа	1.0	Ҳа-1, Йўқ-0
4. Суд қарорларининг эълон қилиниши		0.0	1
4.a. Барча инстанция судларининг қарорлари очик нашрларда (расмий нашрларда, газеталарда, интернетда, суднинг сайтида) эълон қилинадими?	Йўқ		Ҳа-1,
4.b. Юқори суд ва апелляция инстанцияси судларининг қарорлари очик нашрларда (расмий нашрларда, газеталарда, интернетда, суднинг сайтида) эълон қилинадими?	Йўқ		Фақат юқори суд ва апелляция судлари-0.5 Ёки йўқ-0
<b>Низоларни муқобил ҳал этиш индекси (0-3)</b>		1.5	3
1. Ҳақамлик (арбитраж)		1.0	
1.a. Ички тижорат арбитражини тартибга солувчи қонунчилик ёки фуқаролик процессуал қонунчиликнинг бирор қисми мавжудми?	Ҳа		Ҳа-0.5 Йўқ-0
1.b. Арбитражга жамоат тартиби, миллий манфаатлар, банкротлик, истеъмолчилар ҳуқуқи бўйича низолар мустасно бўлган ҳар қандай тжорат низоларини бериш имконияти.	Йўқ		Ҳа-0.5 Йўқ-0
1.c. Судларнинг ҳақамлик битимларини таъин олишлари ва ижро этилишини таъминлайдиган қарорлар чиқаришлари	Йўқ		Ҳа-0.5 Йўқ-0
2. Медиация		0.5	
2.a. Ихтиёрий воситачилик (медиация) ёки келишув муҳокамасини ёки иккаласини ҳам тижорат масалаларини ҳал қилиш воситаси сифатида тан олинадими?	Ҳа		Ҳа-0.5 Йўқ-0
2.b. Фуқаролик процессуал қонунчиликда ихтиёрий воситачилик (медиация) ёки келишув муҳокамаси мавжудми?	Йўқ		Ҳа-0.5 Йўқ-0
2.c. Ихтиёрий воситачилик (медиация) ёки келишув муҳокамаси бўлганда молиявий рағбатлантириш мавжудми?	Йўқ		Ҳа-0.5 Йўқ-0

---

**Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари суднинг расмий веб-сайтида тарафларнинг розилиги билан ёки шахси кўрсатилмаган тарзда эълон қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сон Фармонида Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш масаласи белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига асосан иқтисодий судларда ишлар муҳокамаси ошқора ўтказилади. Бироқ давлат сирини, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш зарур бўлган тақдирда ишни ёпиқ суд мажлисида эшитишга йўл қўйилиши ҳам белгиланган. Шу сабабли ишни ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади ва ишни ёпиқ суд мажлисида видеоконференцалоқа режимида эшитишга йўл қўйилмайди, бундай мажлиснинг аудио- ва видеоёзувлари амалга оширилмайди. Ҳаттоки, эшитиш ёпиқ суд мажлисида ўтказилган тақдирда ишни электрон шаклда шакллантиришга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасига асосан "Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади" деб белгиланган.

Худди шу каби қоида Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Дарҳақиқат, бугунги кунда Олий суднинг расмий веб-сайти ҳисобланган [www.oliusud.uz](http://www.oliusud.uz) сайтида суд қарорлари эълон қилинмоқда. Шу сабабли ҳам Иқтисодий процессуал кодексга айнан иш ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниб қабул қилинган суд қарорларини Олий суд веб-сайти орқали эълон қилиниши мумкин эмаслиги тўғрисида тегишли ўзгартириш киритиш долзарб масала ҳисобланар эди. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги "Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни[1] билан Иқтисодий процессуал кодексининг 11-моддасига ўзгартириш киритилиб, унга кўра қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари суднинг расмий веб-сайтида тарафларнинг розилиги билан ёки шахси кўрсатилмаган тарзда эълон қилиниши, бундан суднинг ёпиқ мажлисида қабул қилинган суд ҳужжатлари мустасно эканлиги белгилаб берилди. Шу жиҳатдан суд қарорлари фақат қонуний кучга киргандан сўнггина эълон қилиниши лозим. Одил судловнинг очик-ошқоралиги ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаш электрон судлов тизимини жорий қилишнинг асосий самарасидир. Шу ўринда, эндиликда шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан суд қарорларини чоп этиш амалга оширилади. Ҳуқуқшунос олим Ж.Нематов суд қарорларининг очиқлигини ҳуқуқий жиҳатдан ўрнатиш орқали фуқаролар, хусусан, ҳуқуқшунос олимлар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати мамлакатимизда қонун устуворлигини янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлайди[2]. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда иқтисодий судларда ишларни кўриш видеоконференцалоқа режимида ҳамда аудио- ёки видеоёзувга олиш усулларини кенг қўллаган ҳолда амалга оширилмоқда, шунингдек суднинг ҳал қилув қарорларини интернет тармоғида эълон қилинишининг айнан

---

---

процессуал қонунчиликда мустақкамлаб қўйилиши судлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини янада таъминлайди. Ҳуқуқшунос процессуалист олим М.Мамасиддиқовнинг фикрича, суд ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашига ундайди, чунки унинг томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари матбуот орқали ёки олимлар ва таҳлилчилар томонидан танқидга учраши мумкин[3].

**Иқтисодий судларда ишларни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиш.** Ўзбекистон Республикасининг 20.03.2019 йилдаги "Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни[1] билан Иқтисодий процессуал кодекс "Соддалаштирилган тартибда иш юритиш" деб номланган 231-боб билан тўлдирилди.

Иқтисодий суднинг судьялари иш ҳажмининг ортиши иқтисодий судлар тизимини оптималлаштириш, иқтисодий низоларни судга қадар ҳал этиш турларини ривожлантириш ҳамда айрим турдаги низосиз, мураккаб бўлмаган ишларни ҳал қилишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини иқтисодий процессуал қонунчилигида мустақкамлашни тақозо этди. Иш ҳажмининг ортиши иқтисодий судлар томонидан ҳам айрим процессуал ҳуқуқ нормаларига тўла риоя қилмасдан қарорлар қабул қилиш, ишларни лозим даражада тайёрламасдан иқтисодий ишларини судда кўриб чиқиш, судда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилмасдан ишни кўриш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Ҳуқуқшунос процессуалист олим М.Мамасиддиқов соддалаштирилган тартибда иш юритиш аҳамиятига алоҳида тўхталиб, ишларни судда кўриш ва ҳал этиш нафақат судьялар сонини кўпайтириш орқали, балки суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларини жорий этиш эвазига ҳам тезлашишини таъкидлаган[4].

Соддалаштирилган иш юритиш тартибдаги иш даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқишнинг белгиланган хусусиятларини инобатга олган ҳолда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади. Даъво баҳоси юридик шахсларга нисбатан - энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан, яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилиши лозим. Маълумки, иқтисодий ишларнинг тарафи сифатида фуқаролар ҳам иштирок этиши мумкин. Бироқ фуқаролар корпоратив низоларда тараф сифатида иштирок этади. Шу сабабли ҳам корпоратив низолар бўйича ишлар ва ҳуқуқий таъбир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларга соддалаштирилган тартиб қўлланилмайди.

Қуйида келтирилувчи айрим ҳолатлар мавжуд бўлмаганда, даъвогарнинг илтимосномасига кўра, жавобгарнинг розилиги билан бошқа ишлар ҳам соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

Соддалаштирилган тартибда иш юритишга монелик қилувчи ҳолатлар қуйидагилар ҳисобланади ва бунда суд ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриш ҳақида ажрим чиқаради:

- агар процессда учинчи шахснинг ишга киришиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган бўлса;

---

---

- соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин бўлмаган қарши даъво қабул қилинган бўлса;

- ишни соддалаштирилган тартибда кўриш давлат сири, тижорат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг ошкор бўлишига олиб келса;

- қўшимча ҳолатларни аниқлаш ёки қўшимча далилларни текшириш, шунингдек далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшириш, экспертиза тайинлаш ёки гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиш зарур бўлса;

- билдирилган талаб бошқа талаблар билан боғлиқ бўлса, шу жумладан учинчи шахсларга тааллуқли бўлса ёки мазкур иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати билан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилиши мумкин бўлса.

Ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талаб билдирилган бўлиб, улардан бири соддалаштирилган тартибда иш юритиш талабларига мос ва бошқалари эса уларга тааллуқли бўлмаса, барча талаблар даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўрилиши лозим.

Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасидан ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади. Ушбу иш юритиш тартиби буйруқ тартибда иш юритишга ўхшаб кетсада, фарқли жиҳатлари мавжуд. Хусусан буйруқ тартибидаги иш юритишда низосиз ишлар кўриб чиқилади. Масалан, суд буйруғи судья томонидан солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса, солиқ қарзининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаслиги лозим, яъни қарзни ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари мувофиқ тасдиқланган (юридик шахсларга - 4 054 600 сўм, жисмоний шахсларга - 1 013 700 сўм). Бу шунингдек англатадики, хатто суд буйруғи тартибидаги ишларда ҳам талаб суммаси юридик шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг деярли 20 бараваридан ортиқ бўлиши лозим. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида эса бу миқдор 20 баравардан камни ташкил этиши зарур.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу ИПКнинг 2033-моддасига асосан даъвогар даъво аризасига қўшимча равишда даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини "жавобгарга топширилганлиги ҳақидаги далил"ни тақдим этиши зарур. Бироқ айнан ушбу масалада кейинги нормада даъво аризаси билан жавобгар "тегишли тарзда хабардор қилинган"лиги ҳақидаги тушунчалар ишлатилган. Бу ерда жавобгарга топширилганлигини тасдиқловчи далил маъноси икки хил маънода, яъни имзولاتиб топшириш ёки почта алоқаси орқали топшириш каби тушунилиши баҳсли. ИПКнинг 137-моддасига мувофиқ аризачи (кредитор) суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга аризанинг кўчирма нусхасини топшириши шарт деган қоида мавжуд. Қарздор - юридик шахсга суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси топширилганлигининг далили бўлиб, унинг раҳбари ёки ходимининг муҳр (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) ёки штамп билан тасдиқланган имзоси, қарздор - фуқарога эса унинг шахсий имзоси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибда даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини жавобгарга топширилганлиги тасдиқлашда юқоридаги анологиядан фойдаланиш

---

зарур деб ҳисоблаймиз ёки уни янада соддалаштирилган иш юритиш тартиби хусусиятларидан келиб чиқиб, хабардор қилишнинг бошқа шаклларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳолатда даъво аризаси жавобгарга топширилганлигини тасдиқловчи далил илова қилинмаса қандай оқибатларга олиб келиши махсус бобда алоҳида қайд этиб ўтилмаган. Умумий тартибга кўра, Иқтисодий процессуал кодекснинг 151-моддасига асосан даъво аризасига даъво аризанинг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга ва учинчи шахсларга "юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат" илова қилинади. Шунингдек, агар даъво аризасининг кўчирма нусхаси топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатда бундай сана кўрсатилмаган бўлса, қандай оқибат келтириб чиқаришини ҳам аниқлантириш мақсадга мувофиқ.

Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, ажримда иш соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўрилишини ҳамда иш кўриб чиқиладиган санани кўрсатади. Бироқ, тарафлар чақирилмайди ва суд муҳокамаси ўтказилмайди. Соддалаштирилган тартибдаги иш юритишда суд мажлиси бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисида ҳам қонунчиликда аниқ қайд этилмаган. Агарда белгиланган санада, тарафлардан бири суд мажлисига келса суд қандай ҳаракат қилиши лозим деган мавҳум саволлар пайдо бўлмоқда. Бундай ҳолда қонунчиликда суд мажлиси тарафларнинг иштирокини рад этиш учун ҳуқуқий асос мавжуд эмас. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, суд муҳокамаси суд мажлисида амалга оширилади ва шу сабабли ҳам соддалаштирилган тартибдаги иш юритишда суд мажлиси бўлмаслиги лозим. ИПКнинг 2032-моддаси иккинчи қисмида "жавобгарнинг розилиги" билан бошқа ишлар ҳам соддалаштирилган тартибда кўрилиши мумкинлиги баён этилган. "Жавобгарнинг розилиги" жумласини талқин этишда амалиётда икки хил ёндашув пайдо бўлиши мумкин. Биринчиси жавобгарнинг даъво аризаси кўчирма нусхасини олгандан сўнг ёзма фикр тақдим этмаслиги, яъни "сукут розилик аломати" тушунчасига яқин маънода ҳеч қандай эътирозлар билдирмаслик ёки соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишга ёзма розилик бериш шаклида бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам қонунчиликда жавобгарнинг розилиги қандай шаклда бўлиши аниқ кўрсатилиши лозим.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос амалиётчи Ш.Назаров ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибига оид хориж тажрибасини ўрганган ҳолда Германия қонунчилигига кўра, талаб суммасидан қатъи назар, аризалар ундирувчининг яшаш жойидаги судга тақдим этилишини, икки ҳафта ичида қарздор қарзини тўлаши ёки бу бўйича эътирозларини тақдим этиши шартлигини, агар шу муддат мобайнида қарздордан эътироз келиб тушмаса, суд ундирувчи талабларининг асосли эканини текширмаслигини, талабнинг низосиз экани қонунда белгиланган муддатда қарздор ундирувчининг талабларига эътироз билдирмаслигида ҳамда ишни одатдаги жараёнда кўришни талаб қилмаслигида кўринишини таъкидлайди[5]. Бундан кўриниб турибдики, хорижда қарздорнинг эътироз билдирмаслигининг ўзи суд томонидан ундирувчи талабларининг асосли эканлиги текширилмасдан ишни кўриб чиқишига асос ҳисобланиши мумкин.

Ҳуқуқшунос процессуалист олим М.Мамасиддиқов айрим низоли, бироқ даъво миқдори муайян суммадан ошмайдиган талаблар учун, шунингдек даъво баҳосидан қатъий назар, даъвогар томонидан тақдим этилган жавобгарнинг пул мажбуриятларини тасдиқловчи ва шартнома бўйича унинг қарздорлигини

---

---

тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган даъво аризалари бўйича соддалаштирилган иш юритишга оид нормаларни жорий этиш таклифини илгари сурган. Унга кўра, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги суд ажрида даъво аризаси бўйича жавобгарга ёки бошқа манфаатдор шахсларга 15 иш куни давомида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун муддат белгиланиши, тарафлар суд белгилаган муддат ичида арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича ўз тушунтиришларини ва нуқтаи назарлари баён этилган асосли важдларини ишни кўраётган судга ва бир-бирларига жўнатиш ҳуқуқига эга бўлишлари, далиллар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат тугагач судья тарафларни чақирмасдан туриб соддалаштирилган тартибда кўришга киришиши баён этилган[6].

Жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни даъво аризасининг кўчирма нусхаси ўзига топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрнинг кўчирма нусхаси ҳам даъвогарга юборилиши зарур. Агарда жавобгар томонидан ёзма фикрнинг тақдим этилмаслиги соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқишига тўсқинлик қилмайди. Белгиланган муддат ўтганидан кейин судга келиб тушган даъво аризаси юзасидан ёзма фикр, далиллар ва бошқа ҳужжатлар, агар уларни белгиланган муддатда тақдим этишнинг имкони бўлмаганлиги тараф томонидан асосланганлиги ва улар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар келиб тушган бўлса, қабул қилинади. Қонун чиқарувчи аксинча, асосланганлиги ҳолатларда суд қандай ҳаракатни амалга оширишини алоҳида қайд этиб ўтмаган. Шу боисдан, агар белгиланган муддат ўтганидан кейин судга келиб тушган даъво аризаси юзасидан ёзма фикр, далиллар ва бошқа ҳужжатлар, уларни белгиланган муддатда тақдим этишнинг имкони бўлмаганлиги асосланганлиги суд томонидан кўриб чиқилмасдан тарафларга қайтарилиши тўғрисида ажрим чиқарилиши механизми тақлиф этилади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибдаги иш даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилгандан кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда, ёзма фикр тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин кўриб чиқилади ҳамда ҳал қилув қарори қабул қилинади. Ушбу муддат узайтирилишига йўл қўйилмаслиги қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ хориж тажрибаси ўрганилганда, Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодексининг 226-моддасида ишда иштирок этувчи чет эллик шахслар бўлган тақдирда соддалаштирилган тартибдаги муддатлар узайтирилиши мумкин эмас деган қоидадан ушбу ҳолат мустасно сифатида кўрсатилган. Шу сабабли ҳам ИПҚнинг 244-моддаси учинчи қисмига асосан ишда иштирок этувчи чет эллик шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида белгиланган тартибда хабардор қилинган ҳолларда, ишни кўриш муддати суд топшириқларини юбориш учун Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида белгиланган муддатга, бундай муддат шартномада мавжуд бўлмаганда ёки кўрсатилган шартнома мавжуд бўлмаганда эса олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилади. Шу сабабли ҳам ушбу ҳолатларда соддалаштирилган тартибда иш юритишда муддатни узайтирилиши истисно ҳолат сифатида белгилаб қўйили мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори ихтиёрий ижро этилади ва апелляция шикоят (протести) берилмаган



---

---

бўлса, ўн кун муддатда қонуний кучга киради. Ушбу ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида иш апелляция шикоят (протести) судга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади. Шу ўринда, қонунчилигимизда биринчи инстанцияда ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилсада, ушбу суд қарорлари устидан апелляция, кассация, назорат инстанцияларида кўриб чиқишнинг қандай алоҳида хусусиятлари борлиги алоҳида қайд этиб ўтилмаган. Шу сабабли ҳам қонунчиликка қуйидаги ўзгартишларни киритиш таклиф этилади. Хусусан, ИПКнинг апелляция инстанциясида иш юритиш бўйича бобида апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда апелляция шикоятини (протестини) кўриш бўйича суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади. Бироқ биринчи инстанция судида суд муҳокамаси бўлмасдан тарафлар иштирок этмаган ҳолда суд ишни кўриб чиққан бўлсада, апелляция инстанциясида тарафларнинг иштирок этиши қанчалик мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, суд буйруғи устидан прокурор томонидан протест ёки тарафларнинг шикояти берилмайди. Фақатгина қарздор агар узрли сабаб билан ўз вақтида кредиторнинг талабига қарши эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Суд бундай ҳолда буйруқни бекор қилишга ҳақли, шундан кейин кредиторнинг талаби даъво ишини юритиш тартибида кўрилиши мумкин. Аалиётда суд буйруғи оддийгина қарздор томонидан билдирилган талабга қарши эътироз тақдим этилганда бекор бўлиши кўпга учрайди. Бу ҳолатларда суд буйруғи биргина эътироз билан бекор қилиниб, кейинчалик даъво тартибида ишлар кўрилиб, бу биринчи инстанциянинг иш ҳажмини оширишга таъсир қилади. Ҳаттоки ноқонуний суд буйруқлари анқланганда ҳам прокуратура органлари томонидан ҳам апелляция протести беришнинг имкони мавжуд эмас. Суд буйруғи апелляция, кассация, назорат инстанцияларида ва янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилмайди. Шу боис суд буйруғи устидан берилган апелляция, кассация ёки назорат шикоятини қабул қилиш ИПК 268-моддаси биринчи қисмининг 2-банди, 291-моддаси биринчи қисмининг 2-банди ва 314-моддасининг 3-бандига мувофиқ янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қабул қилиш эса ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади. Агар шикоят ёки ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, апелляция ёки кассация шикояти бўйича иш юритиш ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 1-банди ёки 296-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан назорат шикояти бўйича иш юритиш ИПК 296-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига, янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, келгусида иқтисодий процессуал қонунчиликка суд буйруғини юқори инстанцияларда (масала фақат апелляция инстанцияси судида) ёки шу биринчи инстанциянинг ўзида қайта кўриш имкониятини яратиш зарур. Зеро айрим ҳолатларда суд буйруғи учинчи шахсларнинг ҳам манфаатларига таъсир этиш ҳолатлари ҳам пайдо бўлиши мумкин. Қонун чиқарувчи соддалаштирилган тартибдаги иш юритиш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан апелляция протести ёки шикояти берилишига йўл қўймоқда. Шундай бўлса ҳам, қонунчиликда апелляция инстанциясида зарур ҳолатлар юз бермаганда тарафлар иштирокисиз ишлар кўриб чиқишига имконият яратилиши

---

---

керак. Мантиқан ўйлаб қараганда, соддалаштирилган тартибда иш юритиш фақат биринчи инстанция учун тааллуқлидек кўринмоқда. Тўғри апелляция инстанциясида ҳам бу тоифадаги ишлар қисқа ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилади, лекин булар фақат процессуал муддатлардагина соддалаштириш ҳисобланади. Иқтисодий судларда ишларни апелляция ва кассация тартибида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш уч нафар судьядан иборат ҳайъатда амалга оширилади. Бироқ соддалаштирилган тартибда иш юритиш натижаси ўлароқ қабул қилинган ҳал қилув қарори кейинчалик ҳам юқори инстанцияларда судья томонидан якка тартибда тарафларни чақиртирмасдан кўрилушини жорий этиш тақлиф этилади. Кўрилаётган масаланинг мураккаблиги ва характеридан келиб чиқиб ҳамда апелляция ва эътирозларни ҳисобга олиб апелляция суди мажлисига тарафларни чақириш тизими йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ.

Шунингдек ИПКнинг 278-моддасига асосан апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича агар ИПКнинг 279-моддаси тўртинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли. Булар процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги муносабати билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асослар ҳисобланади (суд томонидан ишнинг қонунга хилоф таркибда кўрилганлиги; суд иши юритилаётган тил тўғрисидаги қоидалар ишни кўриш чоғида бузилганлиги; ишда суд мажлиси баённомасининг мавжуд эмаслиги ва ҳоқозо). Фуқаролик процессуал қонунчилиги амалиёти тажрибасидан келиб чиқиб, келгусида иқтисодий процессуал қонунчиликка ўзгартишлар киритилиб, унда юқоридаги процессуал хатоликлардан иборат асослар аниқланганда, апелляция инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўриши, ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидаларига мувофиқ кўришга ўтиш ҳақида ажрим чиқариб, унда ишда иштирок этувчи шахслар бажариши лозим бўлган ҳаракатлар ва уларни бажариш муддатлари кўрсатиши каби қоидаларни жорий этиш келажакда биринчи инстанция судларининг иш ҳажмини янада камайтиришга ва ишда иштирок этувчи шахсларни оврагарчилигини олдини олишга ҳамда апелляция инстанциясининг ўзида хато-камчиликларни бартараф этиш имкониятини берган бўлар эди. Чунки ИПКнинг 276-моддасига мувофиқ суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади ҳамда суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Бироқ қонунчиликда соддалаштирилган тартибдаги ишларни юритиш бўйича апелляция тартибида ишлар кўрилганда янги далилларни тақдим этиш имконияти мавжудлиги аниқ кўрсатилмаган.

Нафақат суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) судга келиб тушгандан сўнг ўн беш кун ичида кўриб чиқилиши белгиланганлиги, бундан ташқари иш бўйича биринчи суд мажлиси суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши, шунингдек умумий ҳолатларда апелляция шикояти (протести) бўйича биринчи

---

---

суд мажлиси шикоятни ёки протестни иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилишининг белгиланиши ҳам суд ишларини янада соддалаштиришдаги муҳим қадам ҳисобланади. Бундай биринчи суд мажлисининг йигирма кун ичида ўтказилиши кассация инстанциясида ва назорат тартибида (Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида) ҳам белгилаб қўйилди. Умумий ҳолларда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади.

Демак, ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар ихтиёрий тартибда ижро этилмаган бўлса, ўша ҳал қилув қарори тарафларнинг илтимосномасига асосан бериладиган ижро варақаси асосида ижро этилади. Суд харажатларини ундиришга доир қисми бўйича эса суднинг ташаббуси билан мажбурий ижро этилади.

Назарий жиҳатдан суд ишларини юритишни соддалаштириш жараёни умумий ва махсус турларга бўлинади. Соддалаштиришнинг умумий турларига суд ишларини юритиш бошқичларини ва процессуал муддатларни янада соддалаштиришни киритиш мумкин. Суд ишларини юритишни соддалаштиришнинг махсус турларига мураккаб бўлмаган ишларини қисқа муддатларда кўриб чиқишни мақбул усулларини жорий этиш, буйруқ тартибида иш юритиш, яраштириш тартиб-таомиллари ҳамда сиртдан иш юритиш (фуқаролик ишлари сиртдан кўриб чиқилиши мумкин) каби турларини киритиш мумкин.

Ҳуқуқшунос амалиётчи Ш.Назаров ҳам хориж тажрибасини ўрганган ҳолда процессуал қонунчиликка "Соддалаштирилган тартибда юритиладиган ишларни кўриш" деб номланган янги бобни киритиш таклифини илгари сурган. Хусусан тадқиқотчи пул маблағларини ундириш тўғрисидаги иш бўйича даъвогар ва жавобгарга 15 иш кунни давомида судга даъво аризаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳуқуқини бериш, тарафлар суд белгиллаган муддат ичида даъво бўйича ўз нуқтаи назари баён этилган важларини ишни кўраётган судга ва бир-бирларига жўнатиш ҳуқуқига эга бўлишини назарда тутиш, агар даъвога оид фикр-мулоҳазалар, далиллар ва бошқа ҳужжатлар белгиланган муддат ўтганидан кейин тақдим этилгудек бўлса, улар кўриб чиқилмаслигини белгилаш, далиллар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат тугагач, судья тарафларни чақирмасдан туриб ишни соддалаштирилган тартибда кўришга киришиши, суд тарафлар тақдим этган ҳужжатларда баён этилган тушунтиришлар, эътирозлар ва (ёки) важларни текшириб, белгиланган муддатда келиб тушган далиллар асосида судда ишни муҳокама қилмасдан туриб ҳал қилув қарорини чиқариши ҳақидаги нормаларни белгилаш лозимлигини таъкидлаган[5].

Иқтисодий суд ишларини кўришда аввал ҳам соддалаштирилган тартибда ишлар кўрилганми деган саволга, банкротлик тўғрисидаги ишларда соддалаштирилган таомиллар қўлланилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ тугатилаётган юридик шахснинг ҳамда ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмаслиги белгиланган.

---

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сонли Фармонига асосан иқтисодий судлар сони ва судьялар штати сони оширилди. Ушбу ислохотлар аввалги хўжалик судлари тизимида мавжуд тизимни, яъни биринчи инстанция судлари томонидан ишларини кўрувчи ва апелляция инстанциясида кўрувчи судларнинг айнан бир жойда ва айнан ўша суд томонидан амалга оширилишини бекор қилди, бу эса процесс иштирокчиларининг иқтисодий судларга ишончини ортишига ва судларнинг бир бирдан ўзаро мустақил ҳолда иш олиб боришини таъминлади. Чунки хўжалик судларининг тизимида апелляция инстанцияси ҳудудий ва ташкилий жиҳатдан биринчи инстанция судларидан ажратилмаган ҳолда фаолият олиб борар эди. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга муҳтож бўлган шахсларнинг ишончсизлигига сабаб бўлади. Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, АҚШ федерал суд тизими таркибига апелляция, округ ва махсус судлар киради. Апелляция судлари Олий суд ва округ судлари орасидаги оралик бўғин сифатида ташкил этилган эди. Ўн учта апелляция округлари ташкил этилган[7].

Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг 14 та маъмурий-ҳудудий бирлигида вилоят даражасидаги 14 та иқтисодий суд ҳамда ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикасида Амударё тумани, Жиззах вилоятида Фориш тумани, Қашқадарё вилоятида Чироқчи тумани, Навоий вилоятида Учқудуқ тумани, Самарқанд вилоятида Нуробод, Пастдаргом туманлари ва Самарқанд шаҳри, Сурхондарё вилоятида Бойсун туманида биттадан жами 8 та иқтисодий судлар ташкил этилган. Тошкент шаҳрида 1 донга Тошкент туманлараро иқтисодий суди ташкил этилган. Бошқа 62 тадан иборат иқтисодий судлар эса бир неча туман (шаҳар)лар ҳудуди бўйича биттадан ташкил этилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари учун 117 та штат бирлиги, шундан судьялар - 59 та штат бирлиги, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари учун 425 та штат бирлиги, шундан судьялар - 177 та штат бирлиги ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига киритилган янги соддалаштирилган тартибда иш юритиш институтининг киритилиши иқтисодий ишларни суд муҳокамаси ўтказмасдан тезкор ва ихчамлаштирилган тартибда ҳал этиш имконини беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилинганда низолашилаётган суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ставканинг эллик фоизи миқдоридан давлат божи тўланади (ИПК 139-моддаси). Бироқ қонунчиликда соддалаштирилган тартибда иш юритилганда ёки яраштириш тартиб-таомиллари қўлланилганда суд харажатларини сезиларли камайитириш ёки қандайдир имтиёзлар белгиланмаган. Хориж тажрибаси ўрганилганда, хусусан Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодексининг 141-моддасида келишув битими тузилгач суднинг ажримда федерал бюджетдан дастлабки тўланган давлат божининг ярми, яъни 50 фоизи қайтариб берилиши (суд ҳужжатларини ижро этишда тузилган келишув битими бундан мустасно)

---

тўғрисидаги масаланинг акс этиши ҳам тарафларга келишув битимини тузишда рағбатлантирувчи ўрин тутади. Шу боис миллий иқтисодий процессуал қонунчилигимизда ҳам келишув битимини тузишни ва ишларни соддалаштирилган тартибда кўришни рағбатлантирувчи мана шундай қоидаларнинг белгиланиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, агар келишув битими судда ишни кўришга тайёрлаш босқичида тузилганда давлат божи миқдорининг 75% миқдорида, биринчи инстанция суд муҳокамасида тузилганда ёки соддалаштирилган тартибда иш юритилганда 50% миқдорида, келишув битими кейинги инстанцияларда тузилганда (апелляция, кассация, назорат босқичларида, бунда медиатив келишув мустасно) 25% миқдорида қайтарилиши ва битимлар шартлари бажарилгандан сўнгина давлат божининг юқорини кўрсатилган фоизларда давлат бюджетидан қайтарилиши келишув битимлари тузилиши ортишига самарали таъсир ўтказар эди. Таҳлиллар натижаси шунини кўрсатади, ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг 03.07.2018 йилдаги "Медиация тўғрисида"ги Қонуни 17-моддасига асосан низо медиатив келишув билан медиация тартибда ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим. Бироқ ушбу масала ҳозирда Солиқ кодексига ва Иқтисодий процессуал кодексига акс этмаган. Шу ўринда савол тугилади, нима учун келишув битими суднинг ҳар қандай босқичида тузилади-ю, аммо у тузилганда, давлат божини худди медиатив келишув тузилгани каби қайтаришнинг ҳуқуқий асос йўқ. Медиатив келишув ва келишув битими деярли мазмунан ўхшаш тушунчалардир, яъни медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо хусусида ўзaro мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш жоизки, эндиликда Солиқ кодексининг 342-моддасига асосан агар тарафлар ўртасида низо ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш тўғрисида ҳакамлик битими тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда ҳамда агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи қайтарилди.

Соддалаштирилган тартибда иш юритилганда даъво тартибда иш юритишнинг умумий қоидалари қўлланилиши белгиланган. Процессуал қонунчиликдан маълумки, баённома исботлаш воситаси ҳисобланади ҳамда процесснинг барча иштирокчиларига, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текширувчи юқори суд инстанцияларига қўйи суднинг ҳаракатларида қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинганлигини, айрим процессуал ҳаракатлар ва процессуал ҳужжатларнинг қонунийлигини текшириш имкониятини беради. Судьяларнинг иш юкмасини ҳисобга олган ҳолда соддалаштирилган тартибда иш юритилганда, суд муҳокамаси ўтказилмаганлиги сабабли буйруқ тартибда иш юритиш каби умуман баённома юритмаслик таклиф этилади. Айрим амалиётчи ходимлар эса ИПКнинг 201-моддасида қайд этилган баённомада кўрсатилмаган маълумотларнинг айримларидангина иборат қисқа баённома юритиш тартибини ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ деган фикрни айтишмоқда. Суд муҳокамаси ўтказилмагандан сўнг суд мажлиси баённомаси тузилмаслиги мақсадга мувофиқ, бундан ташқари ИПКнинг 171-моддасида белгиланган суд муҳокамасини кейинга қолдириш тартиби ҳам ўз-ўзидан қўлланилмаслиги лозимлиги қонунчиликда акс этиши мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқшунос олим Х.Қўчқоров суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтган:

---

---

- даъво аризаларини қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш;

- иш судда муҳокама қилингунига қадар, низони бартараф этиш мақсадида келишув таомилларини киритиш;

- одил судловнинг сифати ва самарасини ошириш мақсадида судларни ихтисослаштириш[8].

Дарҳақиқат, ушбу фикрлар тўғри ҳисобланиб, ҳозирда иқтисодий суд ишларини юритишни соддалаштириш жараёни билан мос келаётганини таъкидлаш лозим.

Иқтисодий судларда соддалаштирилган тартибда иш юритиш суд процесси иштирокчиларининг, ишда иштирок этувчи шахслар ва суднинг ҳам вақтини тежашга ва иш ҳажмини камайтиришга хизмат қилади. Лекин шу билан бирга бу тоифадаги иш юритишда иқтисодий суд ишларини юритиш принципларига риоя этилишини зарур деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга соддалаштирилган тартибда иш юритишда суд муҳокамаси бўлмаганлиги ва тарафларнинг тушунтиришлари тингланмаганлиги учун тарафларнинг тортишуви ва суд муҳокамасининг бевоситалиги принципини қўлланилмаслиги мумкин.

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш институти иқтисодий процессуал қонунчиликда янги суд ишларини юритиш тури ҳисобланади. Ушбу институтнинг қонунчиликка киритилишига бир қатор омиллар таъсир этган бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Хорижий тажриба шунини кўрсатадики, суд ишларининг одатда мураккаблик даражасидан келиб чиқиб ё судларнинг бир нечта инстанцияси кесимида тааллуқлилиги бўйича тақсимланади ёки айрим мураккаб бўлмаган, кам аҳамиятли ёки кам миқдордаги мулквий низолар бўйича суд процессининг айрим босқичлари, айрим процессуал шакллари ва муддатлари осонлаштирилади. Иқтисодий ишлар ичида низосиз тусдаги ишлар суд буйруғи чиқариш тартибда кўриб чиқилади ва у соддалаштирилган тартибдан мутлоқо фарқ қилади. Буйруқ тартибда иш юритишда қарздор арз қилинаётган талабларни асосан тан олади. Соддалаштирилган иш юритиш тартибдаги иш кўриш якунида тузиладиган ҳал қилув қарори ИПКнинг 2035-моддасида ИПКнинг 21-бобида назарда тутилган қоидалар кўра қабул қилиниши белгиланган. ИПКнинг 179-моддасига мувофиқ суднинг ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Назарий жиҳатдан ўрганилганда, суд буйруғи эса кириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлиб, унда баён ва асослантирувчи қисмлар мавжуд бўлмайди. Шу ўринда, кейинчалик иқтисодий процессуал кодексга айнан соддалаштирилган тартибда ишларни кўриш натижаси бўйича қабул қилинадиган ҳал қилув қарорининг ҳам мазмунини қисқартириш таклиф этилади. Россия Федерациясининг 2002 йил 24 июлдаги Арбитраж процессуал кодекси 229-моддасида соддалаштирилган тартибда иш кўриб чиқилгач ҳал қилув қарори судья томонидан фақат хулоса қисми имзоланиб, дарҳол қабул қилиниши назарда тутилган ва қабул қилинган куннинг эртасидан кечикмасдан у интернет тармоғидаги арбитраж судининг расмий сайтига жойлаштирилиши белгиланган. Шунингдек, агар ишда иштирок этувчи тараф ариза билан мурожаат қилсагина, арбитраж суди асослантирилган ҳал қилув қарорини (рус тилида - мотивированное решение) тузиши мумкин. Бунда асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш тўғрисидаги ариза арбитраж судига дастлабки ҳал қилув қарори қабул қилингандан сўнг беш кун ичида берилиши лозим. Ушбу ҳолатда арбитраж суди умумий тартибда ҳал қилув қарори ушбу ариза судга келиб тушган кундан беш кун ичида қабул қилиниши лозим.

---

Бундан ташқари келгусида соддалаштирилган тартибда иш юритиш учун асос бўлувчи даъво баҳоси миқдорларини янада ошириш мақсадга мувофиқ. Чунки тадбиркорлик субъектлари ўртасида, умуман иқтисодий низоларда юридик шахслар ўртасида энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоригача сумма кам миқдорни ташкил этиши мумкин.

Иқтисодий процессуал қонунчиликка киритилган соддалаштирилган тартибдаги иш юритиш институти таҳлили шуни кўрсатадики, ИПКнинг 2032-моддасида айрим ҳолатлар мавжуд бўлмаганда, даъвогарнинг илтимосномасига қўра, жавобгарнинг розилиги билан бошқа ишлар ҳам соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ биз соддалаштирилган иш юритиш тартиби қамровини кенгайтириш мақсадида қуйидаги таклиф берилади. Яъни ИПКнинг 163-моддасига мувофиқ, судья иш бўйича даъво аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида айрим ҳаракатларни амалга оширади. Агар суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида ҳам даъвогарнинг илтимосномаси келиб тушса ва унга жавобгар рози бўлса, суд умумий даъво тартибдаги иш юритишдан соддалаштирилган тартибдаги иш юритишга ўтиш тўғрисида ажрим чиқариш ҳуқуқига эга бўлиши каби нормани жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ёки ушбу суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида судья тарафларга ўз ташаббуси билан соддалаштирилган тартибда иш юритиш қоидаларини тушунтириб, тарафларга таклиф этиши ва бунга тарафлар рози бўлган тақдирда ушбу иш юритиш тартибига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги каби қоидаларни жорий этиш таклиф этилади.

Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари бўйича улардаги қандайдир маблағларни ундириш қисми бўйича уларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўришда, агар аризачининг талаби худди иқтисодий судлардаги соддалаштирилган тартибдаги иш юритиш тартибдаги каби миқдорлардан кам бўлса соддалаштирилган тартибни қўллаш юзасидан маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликка таклиф берилади.

Шу ўринда, негадир қонун чиқарувчи иқтисодий процессуал қонунчиликка соддалаштирилган тартибдаги иш юритиш институтини жорий қилганда ушбу тартиб ҳуқуқий таъсир чораларига нисбатан қўлланилмаслигини алоҳида қайд ўтиб ўтган. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 42-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3619-сонли Фармони иловасида тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибда қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати келтирилган. Ушбу рўйхатда кўрсатилган молиявий жарималар, санкцияларни қўллаш фақат суд тартибда амалга оширилиши лозим (тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно). Тўғри, фаолиятни тугатиш, фаолиятни чеклаш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларига қўллаш мақсадга мувофиқ эмасдир. Бироқ молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги ишларда ўрнатилган процессуал муддатларни ҳисобга олган ҳолда, соддалаштирилган тартибдаги иш юритишни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди.

---

---

Шу билан бирга айнан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ҳам суд ишларини юритиш ҳажми бирмунча соддалаштирилди. Қонунда назарда тутилган айрим ҳоллар мустасно этилганда, аксарият банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш каби ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш иқтисодий судлар ваколатига тааллуқли. Эндиликда қонунчиликка киритилган ўзгартишларга мувофиқ давлат солиқ хизмати органи қуйидаги ҳолларда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ҳақли:

солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаганда;

солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари бўйича тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда тақдим этилмаганда.

Бундан ташқари давлат солиқ хизмати органи товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишни кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини беш банк кунигача бўлган муддатга вақтинча тўхтатиб туришга ҳам ҳақли. Ушбу кўрсатилган ҳолатлар энди иқтисодий судларнинг ваколатидан чиқарилди ва фақат солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш солиқ тўловчи томонидан рад этилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлилиги белгиланди.

Иқтисодий судларда мажлис институтини жорий этиш истиқболлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги ПҚ-4160-сон қарори 2-бандида ҳам алоҳида қайд этиб ўтилди. Ушбу қарорга асосан, эндиликда 2019 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ, иқтисодий судда низоларни ҳал қилиш усули сифатида судгача мажлис ўтказиш имконини берувчи тартиб жорий этилади ҳамда иқтисодий судларда фуқаролар томонидан амалга оширилдиган барча тўловларни, шу жумладан давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашнинг ягона электрон тизими жорий этилади. Ушбу "судгача мажлис" институтининг қонунчиликка, айнан биринчи бўлиб иқтисодий процессуал қонунчиликка жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам иқтисодий процессуал қонунчиликда "дастлабки суд мажлисини ўтказиш" ёки "судгача мажлисни ўтказиш" деб номланган бобни киритиш таклиф этилади.

Иқтисодий ишлар бўйича суд амалиёти шуни кўрсатадики, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқ қилиш институти мавжуд эмас. Ваҳоланки, аввалги Фуқаролик процессуал кодексда ҳам, ҳозирги Фуқаролик процессуал кодексда ҳам тарафларни сўроқ қилиш институти мавжуд бўлган. Шу билан бирга тарафларни сўроқ қилишнинг аниқ процессуал механизми мавжуд эмас эди. Ушбу жараёнда қандай ҳужжатлар (баённома) тузилиши, муддати, сўроқ жараёнига тарафларни чақириш тартиби ва тарафлар келмасдан бунга риоя қилмаслик



---

оқибатлари қайд этилмаган, шунингдек сўроқ қилиш муддати ҳам ўз ифодасини топмаган эди. Шу ўринда Иқтисодий процессуал кодексида соддалаштирилган тартибда иш юритишда ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида, шунингдек келгусида судгача мажлис институти жорий қилинса ушбу босқичда яраштирув тартиб таомиллари қўлланилиб, келишув битими ёки медиатив келишув тузилиши бўйича ажрим чиқариш мумкинлиги ҳақида норма киритилмаган. Ҳуқуқшунос процессуалист олим М.Мамасиддиқов ишларни судда кўришга тайёрлашнинг муҳим жиҳатларидан бири тарафларнинг келишув битими тузиш орқали ишларнинг судда мазмунан кўрилгунига қадар тугатишга имкон яратиб беришини ва бу ишларнинг тўғри, қисқа муддатларда кўрилиши ва ҳал қилинишини таъминлашга, турли овозагарчиликлар ҳамда ортқча суд харажатларини олдини олишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаган[6]. Таҳлил натижасида шу нарса аниқландики, ИПКнинг 29-моддасига асосан юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳамда иқтисодий судга тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, иқтисодий суд ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар ҳакамлик судига кўриш учун топширилиши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлик судига кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви мавжуд бўлиб, ҳакамлик судига мурожаат қилиш имконияти бой берилмаган бўлса ва агар ишнинг иқтисодий судда кўрилишига қарши бўлган жавобгар низонинг мазмуни бўйича ўзининг биринчи аризасидан кечиктирмай низони ҳакамлик судининг ҳал қилувига ўтказиш тўғрисида илтимоснома берса даъво аризаси кўрмасдан қолдирилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2012 йил 15 июндаги "Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 238-сон қарори 4-бандида "биринчи ариза" деганда жавобгарнинг ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар низо моҳияти бўйича баён қилган ёзма ёки оғзаки фикрини тушуниш лозимлиги қайд этилган. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида судья томонидан тарафлар ўртасида келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиш орқали иш юритишни тугатишларига шароит ҳуқуқий томондан яратиб берилмаганлиги кўринмоқда. Хориж тажрибаси ўрганилганда, хусусан Россия Федерациясининг Арбитраж процессуал кодексининг 135-моддасида ишни суд муҳокамага тайёрлаш босқичида судья томонидан амалга ошириладиган ҳаракат сифатида бир неча ҳолатлар санаб ўтилиб, улардан тарафларга ишни ҳакамлик судига топшириш ҳуқуқини, келишув битими тузиш ҳуқуқи борлигини тушунтириши ва бу ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтирилиши аҳамиятлидир. Ваҳоланки, ИПКнинг 163-моддаси 8-бандига мувофиқ судьянинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича амалга ошириши зарур ҳаракатлар рўйхатида судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида даъво аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай тарафларни келиштириш чораларини кўриши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, иқтисодий процессуал қонунчилигимизга айнан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида судья судгача мажлис ўтказиши тўғрисида янги институтни жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Айнан ишни судга тайёрлаш босқичида судгача мажлисни ўтказиб, судгача мажлисда келишув битими, медиация тартиб-таомиллини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ва медиатив келишувлар тузилиши натижасида ёки бошқа ҳолатларда ҳам иш юритиш тўхтатиб

---

---

туриш, иш юритишни тугатиш, даъво аризаси кўрмасдан қолдириш каби тартиб-таомилларга рухсат берилиши лозим. Ҳуқуқшунос процессуалист олим М.Мамасиддиқов бир қатор хорижий давлатлар қонун ҳужжатларида дастлабки суд мажлиси ишни судда кўришга тайёрлаш босқичининг таркибий қисми бўлиб, ушбу босқичда тарафлар томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсади кўзланишини таъкидлаган[4]. Чунки келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида тузилиши мумкин, медиатив келишув ҳам биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққинуга қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин. Масалан медиация тартиб-таомиллини амалга ошириш тўғрисидаги келишув тузили билан, бунда медиация тартиб-таомили тугагунга қадар, бироқ олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддатга иш юритиш тўхтатилади. Эндиликда Фуқаролик кодексининг 156-моддасига мувофиқ медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилган тақдирда даъво муддатининг ўтиши ҳам тўхтатилади. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланади. Бунда медиатор ва тарафлар медиация тартиб-таомили ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда тугалланиши учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши керак. Зарур бўлган тақдирда, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин. Шу сабабли ҳам узоғи билан олтмиш кун этиб белгиланган. Тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилса даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади. Шунингдек даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, ушбу ҳолатда ҳам даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади. Бироқ даъво аризасини қайтариш асослари сифатида иқтисодий процессуал қонунчиликда даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса ушбу ҳолат кўрсатилмаган. Шу сабабли ҳам ортиқча оворагарчиликни олдини олиш мақсадида ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаганда аризани қабул қилиш жараёнида, яъни даъво аризасини қайтариш асосларига жорий этиш таклиф этилади. Бундан ташқари медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ҳақида илтимоснома билан арз қилган тарафлар уни амалга ошириш муддати тугаганидан сўнг суд мажлисига узрли сабабларсиз келмасалар ҳам даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади. Қонунчилик таҳлили натижасида шу нарса аниқландики, Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли. Шу сабабли ҳам медиатив келишув тузилганлиги оқибатида иш юритиш тугатилмасдан, балки даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади. Бироқ иқтисодий процессуал қонунчиликда медиатив келишув судга алоҳида ҳужжат тарзида тақдим этиш ва ишга кўйиб қўйиш, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатиш механизmlарини аниқ кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек иқтисодий процессуал қонунчилигимизда суд келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқариши, унда иш юритиш тугатилганлиги

---

---

кўрсатилиши ҳақида қоида мавжуд. Шу ўринда суд келишув битимининг шартлари қонун ҳужжатларига зид бўлса, унинг шартлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, у шарт асосида тузилган бўлса келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бироқ суд амалиётида биринчи инстанция судининг ажримлари устидан ИПКда назарда тутилган ҳоллардагина шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Амалдаги қонунчиликда эса келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим устидан шикоят (протест) келтириш ҳуқуқи мавжудлиги қайд этилмаган. Шу сабабли ҳам, айрим ҳолларда тарафлар ва суд ўртасида келишув битимининг қонунийлиги борасида баҳс мавжуд бўлганда, келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим устидан шикоят (протест) келтириш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқ.

Муаллиф томонидан аввалги тадқиқот ишларида агар қонунда муайян тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, фақат тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан кейингина судда иш қўзғатилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида бўйича низоларни судгача ҳал қилиш тушунчасига талабнома юбориш тартиби синоним сифатида қўлланилганлигини таъкидланган. Бундан ташқари фақатгина талабнома юбориш тартибининг ўзигина низони судгача ҳал этиш тартиби деб тушунилиши нотўғрилиги, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан тузилаётган шартномаларнинг аксариятида шартноманинг низоларни ҳал этиш масаласи одатда, "агар низо вужудга келганда, тарафлар низони тинч йўл билан музокалар олиб бориш йўли билан ҳал этилади, лекин, ушбу усул орқали ҳам низо ҳал этилмаган тақдирда судга мурожаат этилади" каби қоидалар киритишгаётганлиги, шундай экан, бугунги кунда бозор иқтисодиёти ривожланаётган бир пайтда, тадбиркорлик субъектларига фақатгина талабнома юбориш тартибини судгача ҳал қилиш тартиби қилиб белгиламасдан, ундан бошқа усулларни, хусусан "музокаралар олиб бориш" ва бошқа судгача ҳамда суддан ташқари тартибларни ҳам қўллашларига имкон бериш даркор эканлиги баён қилинган. Ушбу фикрларнинг тасдиғи сифатида қонунчиликка даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, ушбу ҳолатда ҳам даъво аризаси кўрмасдан қолдирилиши каби янги механизм жорий этилди. Шу сабабли ҳам ИПКнинг 148-моддаси 2-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

"Агар қонун ҳужжатларида муайян тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилишнинг бошқача тартиби ёки талабнома юбориш тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, фақат тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан кейингина судда иш қўзғатилиши мумкин."

Фуқаролик процессуал қонунчилигидан аналогияни қўллаган ҳолда, иқтисодий процесда ҳам судгача мажлисда, шунингдек агар ушбу судгача мажлисни ўтказиш имконияти бўлмаганда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида судья қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши белгиланиши мақсадга мувофиқ:

1) даъвогарни ўзи арз қилинган талабларнинг моҳияти бўйича сўроқ қилади, ундан жавобгар билдириши мумкин бўлган эътирозларни аниқлайди ва, агар бу зарур бўлса, даъвогарга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади,

---

---

шунингдек арз қилинган талабларидан воз кечиш ҳуқуқини ҳамда воз кечишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

2) ишнинг ҳолатлари бўйича жавобгарни сўроқ қилади, даъвогарнинг талабига қарши унинг қандай эътирозлари борлигини ва бу эътирозлар қандай далиллар билан тасдиқланиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек жавобгарга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёхуд қарши талаблар қўзғатиш ҳуқуқини тушунтиради, алоҳида мураккаб ишлар бўйича эса, жавобгарга иш юзасидан ёзма тушунтиришлар тақдим этишни таклиф қилади. Жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда унинг томонидан ёзма тушунтиришлар ва далиллар тақдим этилмаганлиги ишни ишдаги мавжуд далиллар бўйича кўриш учун тўққинлик қилмайди;

3) учинчи шахсларни сўроқ қилади;

4) тарафлардан келишув битими тузиш эҳтимолини аниқлайди ва келишув битимнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради, шунингдек тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса иш юритишни тугатади;

5) тарафлардан медиатив келишув тузиш эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради, шунингдек агар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув тузилган бўлса иш юритишни тўхтатади ёки медиатив келишув тузилса даъво аризани кўрмасдан қолдиради.

6) тарафлардан низони ҳал қилишни ҳакамлик судига кўриш учун топшириш, яъни ҳакамлик битими тузиш бўйича тарафлар келишувини тузиш ҳамда судгача ва суддан ташқари ҳал этиш эҳтимолини аниқлайди, уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради, шунингдек тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса иш юритишни тугатади;

7) даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса иш юритишни тугатади;

8) жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса иш юритишни тугатади.

Ҳозирда мавжуд иқтисодий процессуал қонунчилигимизда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида судья ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмасдан туриб ҳаракатларни амалга ошириши бўйича аниқ қайд этилмаган. Агар судгача мажлис институти қонунчиликка киритилса, унинг муддати қанча бўлади деган табиий савол тугилади. Суд муҳокамасига тайёрлаш ариза судга келиб тушган кундан эътиборан беш кунни ташкил этишини ҳисобга олиб, ушбу муддатга яна беш кунни қўшим лозим. Ҳозирда суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда тугалланиши керак ва биринчи суд мажлиси йигирма кун ўтмасдан ўтказилиши лозим. Шунда судгача мажлис жараёни билан ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жами ўн кундан кўп бўлмаган муддатни ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Албатта, тарафларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва бошқа жараёнларни ҳамда маълумотларни ўз ичига олган судгача мажлис ўтказилганлиги тўғрисида қисқа баённома тузилиши таклиф этилади. Хаттоки, судгача мажлисга тарафлар келмай қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларда умумий тартибда баённома тузилмасдан, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичидаги ҳаракатлар билан давом эттириш мақсадга мувофиқ. Шунинг

---

алоҳида таъкидлаш лозимки, судгача мажлис ўтказиш соддалаштирилган тартибда иш юритиш жараёнида ҳам қўлланиладими ёки йўқми, буни қонунчиликда аниқ кўрсатиб ўтиш зарур. Россия давлати қонунчилигига кўра, (АПК 228-моддаси) соддалаштирилган тартибда иш кўришда дастлабки суд мажлиси ўтказилмайди. Бизнингча ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибда тарафлар судга чақирилмасдан суд муҳокамаса ўтказилмаслиги сабабли судгача мажлисининг ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас. Ушбу жараёнларни процессуал расмийлаштиришнинг қоидалари ИПКда ўз аксини топган. Хусусан, судья даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш ҳақидаги масалани даъво аризаси судга келиб тушган кундан эъгиборан беш кундан кечиктирмай якка тартибда ҳал қилади. Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади, унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга у чиқарилганидан кейинги кундан кечиктирмасдан юборилади. Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ҳам ажрим чиқаради, унда ўзи ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, ушбу ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган муддатлар, суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатлар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги ажримда баён этилиши мумкин. Умуман суд амалиёти умумлашмаларидан шу нарса маълумки, ишларни судда кўришга тайёрлашнинг бутун суд жараёни учун муҳим аҳамияти шундан иборатки, унда ишларни кўришда низои биринчи суд мажлисидаёқ ҳал қилишни таъминловчи барча материалларни йиғиш керак бўлади. Ишларни судда кўришга сифатсиз тайёрлаш уни кўришни кейинга қолдириш учун асослардан бири бўлиб қолмоқда.

Муаллиф томонидан аввалги тадқиқот ишларида суд муҳокамасини кейинга қолдириш муддати қонунчиликда белгиланмаганлиги таъкидланган ва таклиф сифатида ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатгагина қолдириш билдирилган<sup>[9]</sup>. Бироқ ҳозирги кунда ушбу масала ўз долзарблигини кўрсатмоқда ва қонунчиликда суд мажлиси неча маротаба қолдирилса ҳам (албатта қандайдир чегарасини белгилаш лозим) суд муҳокамаси учун белгиланган муддат ичида бўлиши мақсадга мувофиқ, яъни кейинга қолдиришнинг муддатини кўпи билан ўн кун этиб белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу шринда хориж тажрибасидан келиб чиқиб, судгача мажлис жараёнида агар бир тараф даъво муддати ўтганлиги оқибатини қўллашни сўраганида судья ишни кейинчалик муҳокама қилмасдан талабни рад этиш имконияти, судгача мажлисда ва суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида жавобгар талабни, яъни даъво аризасини тан олган ҳолда кейинчалик ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан ҳал қилув қарори чиқариш имкониятини назарда тутовчи нормаларни ҳам қонунчилигимизга имплементация қилиш зарур деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, амалдаги иқтисодий процессуал қонунчилигимизда келишув битими, медиатив келишув ва низоларни ҳал этишнинг бошқа усуллар билан биргаликда "партисипатив тартиб-таомил" институтини қонунчиликка киритиш зарур ва у медиация жараёнларига қараганда анча қулай ва тез жараённи қамраб олади. Партисипатив тартиб-таомилда суд жараёнида судья қатнашмаган ҳолда, яъни унинг иштирокисиз тарафларнинг юридик хизматлари ва адвокатлари ёки вакиллари иштирокида музокара олиб боришида ва муайян партисипатив келишувга эришилади.

---

---

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига судгача мажлисни ўтказиш тартиби ва механизмларини киритиш иш учун зарур ҳолатларни аниқлаш имкониятини беради, тарафларга ўзларининг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўлиқ тушуниб етишларига, мазкур босқичда яраштириш тартиб-таомилларини ҳам қўллаш, хусусан келишув битими ёки медиатив келишувлар тузиш орқали суд процессини кейинчалик давом эттирмасликка имкон беради. Бу эса иқтисодий ишларни суд мажлисларида мазмунан муҳокама қилмасдан, ишларни тўғри ва ўз вақтида ҳамда қисқа муддатларда кўриш ва ҳал қилинишини таъминлаш, процесс иштирокчиларининг оврагарчиликларини олдини олишга, хусусан ортиқча суд харажатларини тешашга хизмат қилади.

---

### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. <http://www.lex.uz/> Мурожаат этилган сана 02.04.2019 й. (Date of the application April 2, 2019)
2. Нематов Ж. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида ошкораликни таъминлаш: суд ҳокимияти мисолида. "Жамият ва бошқарув" журнали. 2016 йил 2-сон. 41-бет. (Nematov J. Provision of transparency in the system of state government of the Republic of Uzbekistan: in the example of judicial body. Journal of Society and administration. №2. 2016. -p.41)
3. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юриктиши оптималлаштиришнинг долзарб масалалари (Монография). Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. -Тошкент: ЮМОМ, 2014. 43-бет (электрон вариантыда). (Mamasiddiqov M. The actual issues of optimization of civil litigation (monograph). Executive editor professor, doctor of law O.Okyulov. -T.: TCOL. 2014. -P.43 (e-version))
4. Мамасиддиқов М. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. 2017 йил 3-сон. 13-бет (Mamasiddiqov M. The main directions of improvement of civil procedural legislation of the Republic of Uzbekistan. Bulletin of the Academy of the Ministry of Internal Affairs. №3, 2017. -p.13.
5. <http://huquqburch.uz/uz/view/4669> Мурожаат этилган сана 02.04.2019 й. (Date of the application April 2, 2019)
6. Мамасиддиқов М. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. 2017 йил 3-сон. 12-бет. (Mamasiddiqov M. The main directions of improvement of civil procedural legislation of the Republic of Uzbekistan. Bulletin of the Academy of the Ministry of Internal Affairs. №3, 2017. -p.12.
7. <http://www.uscourts.gov/about-federal-courts/court-role-and-structure>. Мурожаат этилган сана 02.04.2019 й. (Date of the application April 2, 2019)
8. Кўчқоров Х.А. Судда ишларни соддалаштирилган тартибда кўришнинг фуқаролик процессуал жиҳатлари. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир ю.ф.д. М.М.Мамасиддиқов. -Т.: 2011. 23-24-бетлар. (Kuchkarov X.A. The civil procedural features of summary proceedings in court. Tutorial. Executive editor doctor of law M.Mamasiddiqov. -T.: 2011/ -p.23-24.)
9. Азизов Н. Формирование системы "Электронного правосудия" в хозяйственных судах Республики Узбекистан. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Ахборотномаси. 2016 йил 6-сон. 76-бет (Azizov N. Formation of "E-justice" system in the economic courts of the Republic of Uzbekistan. Bulletin of the Higher economic court of the Republic of Uzbekistan. №6, 2016. -p.76.

**Пўлатов Азизхон,**

Ўзбекистон миллий университети  
мустақил тадқиқотчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-8>

## **ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ СОҲАСИДА ГУВОҲ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

**Анотация:** жиноят процессуал қонунчилигидаги гувоҳ институтининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи шуни кўрсатдики, у узоқ вақт мобайнида шаклланиб келган, биригчи навбатда одат ҳуқуқ нормаларига, сўнгра давлатлар ва уларнинг ҳуқуқий тизимлари пайдо бўлиши билан қонунлиқда мустақкам ўрнашган.

**Калит сўзлар:** тарих, гувоҳ, институт, давлат ва ҳуқуқ, жиноят жараёни, шаклланиши.

---

**Пўлатов Азизхон,**

Независимый соискатель  
Национального университета Узбекистана

## **ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА СВИДЕТЕЛЯ В УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОМ ПРАВЕ**

**Анотация:** изучение истории возникновения и развития института свидетеля в уголовном процессуальном праве свидетельствует о том, что формировался он на протяжении длительного периода времени и обоснованно занял подобающее место, вошел сначала в нормы обычного права, а затем, с возникновением государств и их правовых систем, прочно обосновался в законодательстве.

**Ключевые слова:** история, свидетель, институт, государство и право, уголовное процесс, формирование.

---

**Pulatov Azizkhon,**

Independent researcher of the  
National University of Uzbekistan

## **THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF THE INSTITUTE A WITNESS IN CRIMINAL PROCEDURAL LAW**

**Annotation:** The article covers the development of the institution of the provision of the witness's rights and lawful interests, the usual problems arising under the current legislation. The author reveals the criminal procedure aspects that directly influence the protection of the witness's rights and lawful interests

**Key words:** history, witness, institution, state and law, criminal process, formation.

---

**For citation:** Pulatov Azizkhon. THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF THE INSTITUTE A WITNESS IN CRIMINAL PROCEDURAL LAW. Journal of Law Research. 2019, 7 vol., issue 1, pp. 79-83

---

---

Нормы, регулирующие правовое положение свидетеля, встречаются в самых ранних, известных человечеству, памятниках права. Так, нормы, относящиеся к институту свидетеля можно встретить уже в законах царя Вавилона Хаммурапи. В дошедшем до нас почти без потерь законнике Хаммурапи (правил Вавилоном в XVIII в. до н.э.) мы встречаем уже в первых статьях (параграфах) упоминание о свидетельских показаниях, роли и ответственности свидетелей. "Если человек, - отмечается в § 3, - выступит в судебном деле для свидетельствования о преступлении и не докажет сказанных им слов, то, если это судебное дело о жизни, этого человека должно убить"[1]. Наказывается также (согласно §4) свидетель, давший ложные показания "в судебном деле о хлебе или серебре". В данном случае наказание, надо полагать, было менее суровым, чем в предыдущем.

В § 9-11, 13 свидетель упоминается как обязательная фигура при разбирательстве дел о пропаже вещей, их покупке и продаже (речь идет об ответственности за скупку краденого, что в современном уголовном законодательстве представлено составом "приобретение или сбыт материальных ценностей, заведомо добытых преступным путем").

В законах Древней Индии, названных именем мифического прародителя людей Ману, составленных между II веком до н.э. и II веком н.э. (точное время не установлено), институт свидетеля закреплен весьма своеобразно. С одной стороны, в законах указывается (гл. IV, п. 138), что "надо говорить правду", но затем предлагается "говорить приятное", т.е. не говорить неприятную правду либо говорить приятную ложь. Однако в п. 256 этой же главы, где отмечается, что все вещи определяются словом, имеют основанием слово и от него произошли, сказано: "Кто же нечестен в речи, тот нечестен во всем"[2]. Непосредственно о свидетеле речь идет в п. 45 главы VIII, где указано, что, руководствуясь правами судопроизводства, надо иметь в виду истину, предмет иска, себя самого (свою справедливость и честность), свидетеля, место, время и обстоятельства. Но как можно было установить истину, если в п. 68 этой же главы записано: "Пусть дают свидетельские показания относительно женщин - женщины, относительно дваждырожденных - такие же дваждырожденные, честные шудры - относительно шудр, относительно низкорожденных - низкорожденные"[3]. В п. 83 имеется запись, что свидетель очищается правдой, "именно поэтому должна быть высказана правда свидетелями", однако указаний на то, как должен свидетель "очищаться" правдой, какую ответственность влечет лжесвидетельство, в законах Ману не содержится.

Применительно к предмету нашей работы особый интерес представляют правовые системы и судопроизводство Древней Греции и Древнего Рима, "потому что культура всех европейских народов тесно связана с их культурой, ряд правовых форм современности коренится в древнегреческих и древнеримских институтах; наконец, юридические формулы и афоризмы древности сохранились до наших дней"[4].

Из древнегреческой истории нам известны первая запись обычного права в Афинах, названная законами Драконта (около 621 г. до н.э.), реформы и законы Солона (594г. до н.э.), правовые нормы периода тирании Лисистрата (560г. до н.э.).[5] Уголовный суд в период становления древнегреческого государства характеризуется двумя особенностями: сохранением старых, архаичных форм



---

---

разрешения конфликтов (решение тяжб в народном собрании, поединок, присяга) и появлением суда как специального органа государственной власти, не связанного со старыми родовыми институтами. Для истории уголовного судопроизводства и применительно к предмету нашей работы наибольший интерес представляют суды об убийствах. Здесь и на стадии предварительной подготовки, и в ходе судебного разбирательства опрашивали свидетелей, используя их показания в качестве доказательств. В то же время при вынесении приговора судьи руководствовались главным образом своим усмотрением, а не аргументами сторон и свидетельскими показаниями.

Главным судебным учреждением Афин в период господства демократии в Древней Греции был суд присяжных (гелиэя), в котором полноправными судьями (гелиастами) были присяжные, избранные народом из своей среды. Этот суд рассматривал законопроекты (ему было предоставлено право безусловного вето, принадлежавшее ранее ареопагу), контролировал деятельность народного собрания и правильность избрания архонтов и других высших должностных лиц, решал некоторые международные вопросы (например, споры о размере взносов отдельных городов в афинскую казну). Тем не менее, главной функцией гелиэи как уголовного суда было отправление правосудия по конкретным уголовным делам.

Среди свидетельских показаний, признаваемых в гелиэе, выделялись заключения врачей о тяжести ранений и причинах смерти (например, в случае отравления). В современном нашем понимании, это уже не столько свидетельское показание, сколько экспертное заключение.

Процесс уголовного судопроизводства в гелиэе начинался с подтверждения под присягой предварительных показаний сторон. Они обязаны были также предоставить должностному лицу в письменном виде тексты законов, на которые ссылались участники разбирательства в подтверждение своих требований или в свое оправдание, а также указать на возможных свидетелей. Несмотря на характер показаний свидетелей, решающим доказательством являлось признание обвиняемого, которого фактически было достаточно для вынесения решения. Ложное свидетельство при этом оставалось без реагирования суда. Возможно, одной из причин либерального отношения суда к фактам лжесвидетельства было правило, по которому свидетелями в гелиэе могли выступать только свободные люди-граждане или иностранцы. Кроме того, при выборе между показаниями свободного свидетеля под присягой и показаниями раба под пыткой предпочтение всегда отдавалось показаниям последнего.

Следует отметить, что, несмотря на большое значение признаний обвиняемого и полученных под пыткой показаний рабов, присяжные всегда заслушивали свидетелей, которым свои показания необходимо было изложить письменно, чтобы не извратить их смысла при толковании. По обычаю каждый свидетель до своего появления в суде представлял актуариусу (по нынешним понятиям секретарю суда) краткое письменное изложение своих показаний. Свидетели могли давать и устные показания, которые обязательно вносились в протокол судебного заседания. Свидетели, отсутствовавшие по уважительным причинам, присылали через доверенных лиц письменные показания, подлинность которых удостоверялась другими свидетелями. Стороны во время своих речей часто обращались к свидетелям. В этих случаях последние также поднимались на

---

---

ораторскую кафедру или на возвышение и повторяли свои показания, данные в процессе подготовки дел. Если недостаток времени не позволял выслушивать устные показания, суд ограничивался чтением их письменных аналогов с устным подтверждением правильности. Письменные показания зачитывались в суде также в том случае, если свидетель по уважительной причине отсутствовал на заседании.

Институт свидетеля в древней Греции продолжал сохраняться и после упадка гелиэи. Донос и свидетельские показания практиковались по наиболее важным политическим делам, рассматриваемым судом в народном собрании Афин (V-IV вв. до н.э.), без свидетелей не обходились также государственные суды диэтетов (по гражданским и маловажным уголовным делам) и частные диэтеры (третейские судьи), коллегии "тридцати" (позднее "сорока") по делам о нарушениях земельной собственности и особые суды для отдельных категорий дел, коллегия "одиннадцати" для суда над рабами в Афинах и коллегия эфоров в Спарте.

Основным источником права Древнего Рима являются Законы XII таблиц (451-450 гг. до н.э.). Они дошли до нас в отрывках текстов, содержащихся в сочинениях римских и греческих авторов и систематизированных в прошлом веке (оригиналы этого документа не сохранились). Несмотря на то, что сведений о суде и уголовном процессе Древнего Рима сохранилось мало, анализ указанных законов дает возможность сделать вывод о развитости и большой значимости института свидетеля, как в уголовном, так и в гражданском судопроизводстве[6].

В более поздних документах и законах Древнего Рима (в Законе Аквилы - около 87 г. до н.э., трактате Марка Варрона "О земледелии" - между 116 и 27 гг. до н.э., Институциях Гая - II в. н.э., различных местах обширной кодификации законов императора Юстиниана - VI в. н.э.) институт свидетеля упоминался в связи с невозможностью использования рабов для дачи показаний в суде. Раб не мог выступать перед судом, а его показания получали, как и в Древней Греции, доказательственную силу только под пыткой [7].

После свержения в Древнем Риме власти царей их судебная компетенция перешла к республиканским магистратам, основной формой обвинения в судах постоянных комиссий было так называемое народное обвинение.

При рассмотрении дела по существу вначале по каждому вопросу выслушивались обе стороны (при равных правах обвинителя и обвиняемого), а затем начиналась проверка доказательств, в ходе которой в первую очередь производился допрос свидетелей. Свидетели допрашивались сторонами (начиная с той, которая вызвала данного человека). Их показания записывались в протокол и могли быть прочитаны, если дело рассматривалось вновь ввиду отказа большинства присяжных от решения вопроса о виновности.

Свидетели из числа свободных граждан (числом не менее двух) давали перед допросом присягу, а из числа рабов - подвергались пытке. В некоторых судах сначала считалось, что пыткой закрепляются показания свидетелей-рабов, но затем она стала рассматриваться как способ получения соответствующих показаний, которые записывались и оглашались затем на суде.

Падение Западной Римской империи ознаменовало начало эпохи средних веков, основным содержанием которой явилось утверждение и развитие феодальной общественно-экономической формации. На смену рабовладельческому государству и праву пришел феодальный тип государства и права.

---

---

Итак, изучение истории возникновения и развития института свидетеля в уголовном процессуальном праве свидетельствует о том, что формировался он на протяжении длительного периода времени и обособленно занял подобающее место, вошел сначала в нормы обычного права, а затем, с возникновением государств и их правовых систем, прочно обосновался в законодательстве. Становление института свидетеля в условиях существования ранних правовых форм регулирования общественных отношений происходило на фоне нормативного закрепления неравенства между богатыми и бедными, свободными и рабами, властью имущими и угнетенными. Развитие института свидетеля в средневековье характеризуется включением в него норм, касающихся порядка вызова и допроса свидетеля, ответственности не только за лжесвидетельствование, но и за неявку свидетеля на допрос, проработка весомости свидетельских показаний разных категорий свидетелей. Современное право характеризуется уравниванием свидетелей в правах, установлением независимости юридического значения показаний свидетеля от его социально принадлежности, включением в институт свидетеля норм, касающихся правовых гарантий для свидетеля.

---

#### Сноски/Иқтибослар/ References:

---

1. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран: В 2 т. / Отв. ред. д. ю. н., проф. Н. А. Крашенинникова. Т. 1: Древний мир и Средние века / Сост. О. Л. Лысенко, Е. Н. Трикоз. - М.: Норма, 2007. - 22 с. (Readings on the history of the state and the rights of foreign countries: In 2 t. / Otv. ed. d. y. n., prof. N. A. Krashennnikov. V. 1: The Ancient World and the Middle Ages / Comp. O.L. Lysenko, E.N. Trikoz. - M.: Norma, 2007. - 22 p.)
2. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран: В 2 т. / Отв. ред. д. ю. н., проф. Н. А. Крашенинникова. Т. 1: Древний мир и Средние века / Сост. О. Л. Лысенко, Е. Н. Трикоз. - М.: Норма, 2007. - 94 с. (Readings on the history of the state and the rights of foreign countries: In 2 t. / Otv. ed. d. y. n., prof. N. A. Krashennnikov. V. 1: The Ancient World and the Middle Ages / Comp. O.L. Lysenko, E.N. Trikoz. - M.: Norma, 2007. - 94 p.)
3. Хресто Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран: В 2 т. / Отв. ред. д. ю. н., проф. Н. А. Крашенинникова. Т. 1: Древний мир и Средние века / Сост. О. Л. Лысенко, Е. Н. Трикоз. - М.: Норма, 2007. - 94 с. (Christ reader on the history of state and law of foreign countries: 2 vol. / Resp. ed. by D. Yu. Sciences, prof. A. Krashennnikov. Vol. 1: the Ancient world and the Middle ages / Ed. O. L. Lysenko, E. N. Trikoz. - M.: Norma, 2007. 94 p.)
4. Хрестоматия по истории Древнего мира / Под ред. В. В. Струве. М., 1951. Т. II. Греция и эллинизм. С. 77 (A reader on the history of the Ancient world / Under the editorship of V.V.Struve M., 1951. Vol. II. Greece and Hellenism. P. 77)
5. Суриков И. Е. Законодательство Драконта в Афинах и его исторический контекст // Древнее право. 2000. № 2 (7). (Surikov I. E. the Legislation of the Dragon in Athens and its historical context // Ancient law. 2000. № 2 (7).)
6. Законы XII таблиц / Текст, пер., вступ. ст. Л. Л. Кофанова; Отв. ред. В. И. Уколова. М., 1996. 31 (Laws XII of tables / Text, TRANS., introd. V. L. L. kofanova; Resp. ed. V. I. Ukolova. M., 1996. Thirty one)
7. Законы XII таблиц / Текст, пер., вступ. ст. Л. Л. Кофанова; Отв. ред. В. И. Уколова. М., 1996. С. 36. (Laws XII of tables / Text, TRANS., introd. V. L. L. kofanova; Resp. ed. V. I. Ukolova. M., 1996. P. 36.)

---

---

**12.00.05 ТРУДОВОЕ ПРАВО.  
ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

**Усманова Муборак Акмаловна,**

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси  
Ҳарбий-техник институти профессори



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-9>

**ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ  
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** ушбу мақола мустақиллик йилларида мамлакатимизда пенсия таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчилик таҳлили масалаларига бағишланади ҳамда пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид тақлиф ва тавсиялар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** пенсия таъминоти, пенсия тизими, ёшга доир пенсия, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам.

---

**Усманова Муборак Акмаловна,**

Профессор Военно-техническом институте  
Национальной гвардии Республики Узбекистан

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В  
СФЕРЕ ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

**Аннотация:** Данная статья посвящена вопросам пенсионной реформы в стране за годы независимости, законодательному анализу в сфере пенсионного обеспечения, а также предлагается предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства в сфере пенсионного обеспечения.

**Ключевые слова:** пенсионное обеспечение, пенсионная система, пенсия по возрасту, социальная защита, социальное обеспечение.

---

**Usmanova Muborak Akmalovna,**

Professor at the Military-Technical Institute  
of National Guard of the Republic of Uzbekistan

**THE IMPROVEMENT ISSUES OF THE LEGISLATION IN  
PENSION PROVISION**

**Annotation:** This article is devoted to the issues of pension reform in the country during the years of independence, legislative analysis in the field of pension provision, and offers suggestions and recommendations on improving the legislation in the sphere of pension provision.

**Key words:** pension provision, pension system, retirement pension, social security, social support.

**For citation:** Usmanova Muborak Akmalovna. THE IMPROVEMENT ISSUES OF THE LEGISLATION IN PENSION PROVISION. Journal of Law Research. 2019, 7 vol., issue 1, pp. 84-87

---

---

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий мустақиллигини қўлга киритганидан сўнгги ўтган йиллар давомида, демократик ислоҳотлар ва янгиланишни амалга оширар экан, ўзининг олий мақсади - фуқаролар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароитини таъминлаш, аҳоли моддий фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларни янада кенгайтириш соҳасида улкан ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилиб келинаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг мақсадларидан бири-инсон манфаатларини олий қадрият сифатида ҳар томонлама таъминлаш ва муҳофаза этишдан иборатдир.

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш, фуқароларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож табақаларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тараққиётимизнинг муҳим хусусиятларидан бўлган бугунги шароитда пенсияларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни кенг жорий этиш, давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш чоғида ижтимоий адолат тамойилларини тўла қарор топдириш, ана шу мақсадлар учун ажратилаётган молиявий ресурслардан тежаб-тергаб, мақсадли ва ўринли фойдаланишга эришиш амалга ошириб келинаётган янгиланиш ва модернизация қилиш жараёнларимизнинг муҳим жиҳатларидан саналади.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан пенсия қонунчилиги, давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлашни амалга ошириш тизими ҳамда қонунларга риоя этиш тизими соҳаларидаги кенг қўламли тadbирлардан кўзланган мақсад ҳам замон талабларини ҳисобга олиш, ўзгариб бораётган шароитга мослашишдан иборатдир.

Давлатчилигимиз ва қонунчиликни ривожлантириш ислоҳотларимизнинг энг муҳим йўналишларидан саналади ва бундан кўзланган асосий мақсад ҳам инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган юқори турмуш кўрсаткичларига эришишдан иборат. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "... сиёсатимизнинг бош мақсадини, яъни "Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг" деган эзгу гояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан қадам бўлади"[1].

Тараққиётимиз натижасида ҳаётимизда юз бераётган динамик ўзгаришлар, олдимиздаги муаммоларни ҳал этилиши ва уларнинг ўрнига янгиларини илгари сурилаётганлиги ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини, шу жумладан пенсия таъминоти масалаларига ҳам янгича ёндошув ишлаб чиқилишини қатъий талаб қилмоқда.

Пенсия таъминоти билан боғлиқ қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш, уни ривожланишининг янги босқичига олиб чиқиш зарурати юқоридаги ва бошқа бир қатор объектив омиллар билан белгиланади. Пенсия таъминот соҳасидаги қонунчилик тизими ислоҳ этилар экан, фуқароларни пенсиялар билан таъминланишида уларнинг жамият бойликлари кўпайишига қўшган шахсий ҳиссасини ҳисобга олиш, меҳнат стажи миқдори ва сифати, меҳнат шароитларининг зарарли ва ноқулайлиги тўлиқ ҳисобга олинishi, шу билан бирга техника ва технологияларда юз берган туб ўзгаришлар туфайли зарарсиз ҳамда меҳнат шароитлари қулай ва хавфсиз бўлиб қолган жойларда меҳнат қилаётган шахсларнинг эски норма ва қоидаларга кўра асоссиз пенсия имтиёзлари олишларига йўл қўйилмаслиги зарур бўлиб, бу ижтимоий адолатни таъминлаш, тadbиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муҳим шартларидан саналади.

---

---

Пенсия таъминотига оид қонунчиликни ривожлантириш ҳақида сўз юритилганида фуқароларнинг ташаббуси асосида нодавлат йўли билан амалга ошириладиган пенсия таъминоти ҳам назарда тутилмоғи лозим. Бунда хорижий мамлакатларда, жумладан, МДХ бўйича яқин ҳамкорларимиз бўлган Россия Федерацияси, Белорусь Республикаси каби мамлакатларда нодавлат пенсиясига оид қонунчилик шакллантирилганлиги ва муваффақиятли амал қилиб турганлиги эътиборга олинмоғи лозим.

Мамлакатимизда пенсия таъминотига оид қонунчилик ислоҳотига тўхталар эканмиз, бу соҳадаги қонунчилик самарадорлиги даражаси унча юқори эмаслиги, уларни бир хил қўллаш, бир хил тушуниш соҳасида қийинчиликлар мавжудлиги, мураккаблик даражаси юқорилиги эътиборга олинмоғи керак.

Пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқий ислоҳотлар ва қонунчилик тизимини такомиллаштириш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилмоғи лозим, бунда:

- пенсия таъминот соҳасида амалда бўлган қонунчилик ҳужжатлари батафсил ўрганилиши- уларнинг рўйхати тузилиши, тегишли ўзгартиришлар киритилиши керак;

- фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчилик нормалари қайта кўриб чиқилиши, бунда талбиркорлик субъекти бўлган иш берувчиларнинг манфаатлари, бугунги кунда бу соҳада нодавлат мулкчилиги устувор эканлиги эътиборга олинishi, шунга кўра фуқароларни ижтимоий таъминлашнинг нодавлат пенсия таъминоти шаклларида кенг фойдаланиш назарда тутилиши лозим;

- ёшга доир имтиёзли пенсия тайинлаш институтини қайтадан кўриб чиқиш, имтиёзли пенсия тайинлаш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг Рўйхатларини тегишли вазирилик ва идоралар томонидан қайта кўриб чиқиш ва ҳозирда мавжуд бўлган ҳақиқатдан ҳам иш шароитига кўра имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, ишлар касблар ва лавозимларни иш шароитини аттестациядан ўтказиш, аттестация натижаларига мувофиқ янги рўйхатларни шакллантириш;

- маълумки, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятта интеграциялашиб бормоқда ва умумэтироф этган халқаро нормаларнинг устувор экани Конституциямиз ҳамда қонунларимизда тан олингандир.

Фуқароларни пенсия таъминоти соҳасида ҳам халқаро норма ва қоидаларни ҳисобга олиб иш кўрилади ҳамда инсон ҳуқуқларига оид БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг стандартлари талаблари диққат марказимиздадир. Шу билан биргаликда, бугунги кунда пенсия таъминотига оид қонунчиликни халқаро талабларга яна ҳам мувофиқлаштирилиши мақсадида ижтимоий таъминот масалаларига оид махсус халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш, улардаги нормаларни миллий қонунчилигимизга тўлароқ имплементация қилиш вазифалари тобора долзарблик касб этмоқда.

Шунга кўра, бизнинг назаримизда Халқаро меҳнат ташкилотининг ижтимоий таъминотга оид "Ижтимоий таъминотнинг энг кам нормалари ҳақидаги" 102-Конвенцияси, "Ногиронлик, қариллик ва боқувчисини йўқотганлик нафақалари тўғрисида"ги 128-Конвенцияси, "Ижтимоий таъминот масалаларида ҳуқуқларни сақлаб туришнинг халқаро тизимини белгилаш ҳақида"ги 157-Конвенцияларини ратификация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ҳимоя-давлатимиз томонидан юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бўлганлиги сабабли унинг ҳуқуқий асослари

---

---

хам ушбу устуворликка тўла мос бўлиши, мамлакатимизда юз бераётган барча ижобий ўзгаришлар ва эришаётган ютуқларимизни ўзида акс эттириши, энг муҳими, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият экани ҳақидаги гояларимизга асосланган бўлиши лозим. Шунга кўра пенсия таъминот соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштирилиши ва ривожлантирилиши халқимизнинг тарихий миллий қадриятлари, инсонпарварлик хислатлари билан бирга жаҳоннинг демократик давлатлари, ривожланган мамлакатлар қонунчилик амалиёти, халқаро ҳуқуқий илғор тажриба ва тамойиллар эътиборга олиниб амалга оширилиши лозим.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасининг пенсия қонунчилигида кейинги йилларда амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар тавсифланар экан, унинг асосий мақсади - бу соҳада ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларига амал қилишни кучайтириш, боқимандалик кайфиятларига барҳам бериш, ажратилаётган молиявий маблағлардан самарали, тежамли ва ўз ўрнида фойдаланишга эришиш, сунистьёмоллик ва талон-тарожликларга йўл қўймаслик, пенсия таъминоти соҳасида мукамал ишлайдиган ташкилий механизмларни яратишга қаратилаётгани кайд этилди.

Пенсия таъминоти соҳасидаги бугунги долзарб вазифамиз - уни янада такомиллаштириш, тез ўзгариб бораётган замон талабларига, бозор муносабатлари тамойилларига мослаштиришдан иборатдир.

#### **Иқтибос/Сноска/Reference**

---

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қағъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. - 592 б., 129-бет  
(Mirziyoev Sh.M. We will continue persistently our path of national development and increase it to a new level. - Tashkent: "Uzbekistan" PCPH, 2017. - p. 592, p. 129)

---

---

## 12.00.02 КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО. ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Асадов Шавкат Гайбуллаевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
"Бошқарув маҳорати" кафедраси мудири  
юридик фанлар номзоди, доцент



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-10>

### ОММАВИЙ ҲОКИМИЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** Мақолада оммавий ҳокимиятнинг келиб чиқиши, ўзига хос хусусиятлари, оммавий ҳокимият мазмуни бўйича олимларнинг ёндашувлари ва ҳокимият тизимида тутган ўрни ёритиб берилган. Ўзбекистон Республикасида "оммавий ҳокимият" тушунчасини юридик категория сифатида қараш тўғрисидаги фикрларни асослантиришдан иборат.

**Калит сўзлар:** оммавий ҳокимият, суверенитет, давлат ҳокимияти, сиёсий ҳокимият, маҳаллий ҳокимият.

---

Асадов Шавкат Гайбуллаевич,

Заведующий кафедрой "Искусство управления"  
в академии государственного управления  
при Президенте Республики Узбекистан  
кандидат юридических наук, доцент

### ПОНЯТИЕ ПУБЛИЧНОЙ ВЛАСТИ И ЕЕ ПОЛИТИКО- ПРАВОВОЕ ЗНАЧЕНИЕ

**Аннотация:** в статье описываются появление публичной власти, особенности публичной власти, подходы ученых к содержанию публичной власти и её роль в системе власти. Обосновать идею о том, что понятие "публичная власть" в Республике Узбекистан является правовой категорией.

**Ключевые слова:** публичная власть, суверенитет, государственная власть, политическая власть, местная власть.

---

Asadov Shavkat Gaybullaevich,

The head of Department of Art management  
Academy of Public Administration under the  
President of the Republic of Uzbekistan  
PhD in Law, Associate professor

### THE CONCEPT OF PUBLIC AUTHORITY AND ITS POLITICAL AND LEGAL SIGNIFICANCE

**Annotation:** The article describes the origins, characteristics of public power, approaches of scientists to the content of public power and the role of the power in the system. To justify the idea that the concept of "public authority" in the Republic of Uzbekistan is a legal category.

**Key Words:** public authority, sovereignty, government, political power, local government.



**К**адимдан кишилик жамиятида ҳокимиятнинг табиати ва манбаи, уни тизимлаштириш (иерархияси), ҳокимиятни амалга ошириш шакли ва усуллари қизгин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Ҳокимиятнинг манбасига нисбатан қарашлар шарқ ва ғарб фалсафасида азалдан фарқ қилади. Европанинг илк шаҳар давлатларида ҳокимиятнинг манбаи халққа ва жамоага тегишли бўлган бўлса, шарқ мамлакатларида диннинг таъсири остида якка шахс ҳукмронлиги (монарх) ўрнатилган бўлиб, у ҳокимиятнинг мутлақ эгаси сифатида қаралган. Айрим қадимий давлатларда монарх ҳокимияти шу даражада мутлақлаштирилганки, уларнинг шахсини муқаддаслаштириш ҳамда маъбудаларга тенглаштириш амалиёти тез-тез учраб турган.

Илк европа давлатларидан мерос бўлиб қолган, ҳуқуқий институтлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамияти бўйича "умуминсоний қадрият" сифатида ҳуқуқий дунёқарашга таъсир этиб турибди. Булар "демократия", "дипломатия", "гражданлик" ва "оммавий ҳокимият" каби тушунчалардир.

"Оммавий ҳокимият" тушунчаси буларнинг ичида ҳокимият табиатини очиб беришда энг кўп баҳсга сабаб бўладиган категориядир. Оммавий ҳокимият мазмунини очишдан олдин "ҳокимият" тушунчасининг табиатини билишимиз керак. Унинг учун "ҳокимият" ўзи нима? деган саволга жавоб бериш лозим. Ҳокимият табиатида кўра, кишилик жамиятида вужудга келадиган, онгли ва иродали хусусият касб этадиган, ижтимоий ҳодисадир.

"Ҳокимият шахсий муносабатларга эмас, ижтимоий муносабатларга асосланади. Ҳокимият жамоада вужудга келади ва жамият билан имманент ҳисобланади. Кишилардан иборат ҳар қандай жамоа турли-туман манфаатларга эга бўлиб, уларни мувозанатда ушлаш ва мувофиқлаштириш учун раҳбар ва бошқарувга эҳтиёж сезиши объектив заруратдир. Жамоадаги ҳар қандай бошқарув ва бошқариладиган ҳар қандай жамоа ҳам ҳақиқий ҳокимиятни ифодаламаслиги мумкин" [1. Б.3].

В. Е. Чиркиннинг таъбирича "тахликага тушган оломон ўзининг йўлбошчиси кетидан югураётган ҳолатдаги бўйсиниш ҳам гарчи ирода номоён этилаётган бўлса-да ҳокимият муносабатига асосаланмайди. Ҳокимиятдаги бўйснуб онгли фаолият бўлиши лозим. Ҳокимият доимий ва тургун жамоадагина вужудга келади. Шунингдек, бундай жамоа легитим, яъни қонуний бўлиши керак. Жиноий уюшма ва унинг раҳбари ўртасидаги муносабат қонуний ва ижтимоий муносабат сифатида тан олинмайди" [1. Б.4].

"Инсоният тарихида ҳам, замонамизда ҳам турли туман катта ҳажмда кишилар бирлашмалари ташкил этилиб келинган ва ташкил этилмоқда. Ҳар қандай жамоа учун уни бошқарадиган раҳбар керак бўлади, акс ҳолда бу жамоа тарқаб кетиши мумкин. Барқарор ва тизимлашган ижтимоий жамоада раҳбарият мажбурлов кучига эга бўлган ҳокимиятга айлана бошлайди. Жамоалар ичида ҳудудий оммавий жамоалар алоҳида ўрин тутади. Ҳудудий бўлакларнинг барчаси ҳам ҳудудий оммавий жамоалар ҳисобланавермайди. Демократик давлатларда ҳудудий бўлинишининг юқори буғинларида (масалан, Германия ва Финляндияда) ҳудудий

---

---

муниципал тузилмалар эмас (сайлов йўли шакллантириладиган мустақил ўзини ўзи бошқариш органлари), балки сайловлар асосида ташкил топган давлат органлари томонидан идора этиладиган маъмурий ҳудудий бирлик ташкил этилади. Шунинг учун, ҳудудий оммавий жамоалар билан маъмурий ҳудудий бирлик фақат аҳолиси бўйича бир бирига тенг категориядир" [1. Б.6].

Ҳудудий оммавий жамоа маҳаллий ҳудудга мансублик нуқтаи назаридан биргаликда яшаш ва ҳаётий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган аҳоли ва кишилар бирлашмасидан иборат. Бу тушунчага қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган кўнгилли бирлашма сифатида талқин қилиш нотўғри бўлади, чунки ҳудудий оммавий жамоа жамоат бирлашмаси эмас. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини айна ҳудудий оммавий жамоа деб эътироф этиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунининг 3 моддасига кўра, "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир" деб кўрсатилган.

"Ҳозирги кунда - дейди В. Е. Чиркин, дунёда тўрт хил кўринишдаги ҳудудий оммавий жамоалар мавжуд: бир давлат ҳудуди билан чегараланган жамият, федерация субъектлари, автоном ҳудудлар ва муниципалитетлар. Энг йирик жамоа бу жамият бўлиб, қолган барча жамоалар жамиятнинг таркибий қисми ҳисобланади" [1. Б.6].

"Оммавий ҳоқимият" тушунчаси юриспруденцияда ягона қарашга эга бўлган категория эмас. Турли адабиётларда ушбу тушунчани турлича талқин қилиш ҳолатлари учрайди. Бу тушунча тарихан Қадимги Рим давлати билан боғлиқ бўлиб, латинчадан "res publica" (умумий иш) маъносини англатади. Давлат бу даврларда фуқароларнинг сиёсий ҳамжамияти сифатида тушунилан. Ҳозирги кунда "оммавий ҳоқимият" тушунчаси остида ҳам давлат, ҳам жамият фаолиятига тегишли муносабатларни англаймиз. Қадимги Рим "оммавий ҳоқимият"ни бундай йўсинда талқин қилишни билмаган. Қолаверса, замонавий ғарб мамлакатларида ҳам биргина атама "оммавий ҳоқимият" тушунчаси билан (public power, public administration) давлат бошқаруви ва жамият ишларини ифодалаш сақланиб келинмоқда.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи назариясида ҳам давлат бошқаруви ва жамият ишлари, яъни бу икки муносабатларни "давлат ҳоқимияти" ва "оммавий ҳоқимият" тушунчалари билан ифодалаш анъана тусига кирган. Оммавий ҳоқимият давлат бошқаруви муносабатлари билан биргаликда маъмурий ҳудудий бирликлардаги, яъни маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқаришга оид муносабатларни, жамоат ташкилотлари бошқаруви билан боғлиқ (сиёсий ташкилотлар, касаба уюшмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар) муносабатларни ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини (норасмий тўртинчи ҳоқимият) ўз ичига қамраб олади.

Оммавий ҳоқимият ва давлат ҳоқимияти бир хил воқелиқдир деган қарашлар айрим постсоциалистик мамлакатлар юридик адабиётларида кузатилади (Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Европа хартияси (1985 г.), "public power", "public authority").

---

---

**Оммавий ҳоқимият белгиларига қўйидагилар кирди:**

давлат ҳоқимиятини ҳам ўз ичига қамраб олади;

ҳоқимиятнинг оммавий-сиёсий характерга эгаллиги;

ҳоқимият ижтимоий ҳодиса ҳисобланади;

ҳоқимият муносабатлари икки томонлама қўринишга эга бўлиб, унинг муайян бир субъекти ҳоқимият субъекти бўлса, иккинчи томони эса ҳоқимиятга бўйсунувчи субъект ҳисобланади;

ҳоқимият жамият ривожланишининг барча босқичларига хос бўлган ҳодисадир;

ҳоқимият фақат ижтимоий муносабатлар доирасидагина амалда бўлади;

вақт доирасида доимий ва узлуксиз амалда бўлади;

давлатнинг мажбурлов кучига таянади.

Давлат ташкилот сифатида хусусий-ҳуқуқий эмас, оммавий-ҳуқуқий аҳамият касб этади. Бу ҳоқимиятга бўлган ваколат давлатнинг асосий ваколоти эканлиги билан изоҳланади. Шунинг учун давлат билан бошқа субъектлар ўртасидаги муносабатлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланиб, унда давлат ҳукмронлик қилади, фуқаролар эса итоат этиш мажбуриятига эга бўладилар. Ниҳоят, давлат қишлари билдириб, улар бутун жамиятни қамраб олмайди, халқ номидан иш қўрмайди, ялпи умумийликка даъво қилмайди, яъни ҳуқуқ нормалари билан қатъий белгиланган жойда ҳукмронлик қилади.

Давлат тушунчаси ҳамisha оммавий ҳоқимият тушунчаси орқали изоҳланади. Жамиятда шахсий ва ижтимоий ҳоқимиятнинг турли қўринишлари - оила бошлигининг ҳоқимияти, ишлаб чиқариш воситалари эгасининг иқтисодий ҳоқимияти, диний ҳоқимият (черков ҳоқимияти) мавжудлиги маълум. Бироқ ҳоқимият ушбу қўринишларининг ҳаммаси ё индивидуал ёки гуруҳий ва ёхуд корпоратив ҳоқимиятни билдириб, улар бутун жамиятни қамраб олмайди, халқ номидан иш қўрмайди, ялпи умумийликка даъво қилмайди, яъни оммавий давлат ҳисобланмайди.

Оммавий ҳоқимият аппарати ўзига бўйсунувчи бутун ҳудудда ҳамда бутун аҳолига нисбатан зўравонликкача етиб борувчи мажбурлов кучига эга бўлади. Бошқа ҳеч қандай ижтимоий ҳоқимият оммавий ҳоқимият билан рақобат қилолмайди ва унинг рухсатисиз куч ишлата олмайди. Бундай оммавий ҳоқимиятнинг олий шакли суверенитетга эга бўла бошлайди, яъни унинг ўзига итоат этувчи ҳудуддаги устуворлиги ва ушбу ҳудуддан ташқарида ҳукм сурадиган ҳоқимият ташкилотларидан мустақил эканлигини англатади. Фақат оммавий ҳоқимият аппаратидагина қонунлар ва бошқа умуммажбурий ҳужжатларни эълон қилиши мумкин.

Давлат ҳоқимияти оммавий ҳоқимиятнинг олий шакли ҳисобланиб, унинг манбаси халқ ҳисобланади. Фақат давлат ҳоқимиятига суверен мақомга эга бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш имконига эга. Давлат ҳоқимияти мажбурлов аппаратида эга бўлади ҳамда универсал хусусият касб этади. Давлат ҳоқимияти қонунчилик, ижро ва суд ҳоқимиятига бўлинсада, бироқ унинг юридик табиати ягона ва яхлитдир. Давлат ҳоқимиятининг ягоналиги тегишли ҳудудда унинг легитимлигини билдиради. Бошқа ҳеч қандай ҳоқимият бир вақтнинг ўзида легитим равишда паралел мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасини Конституцияси 7 моддаси фикримизни асослантиради. "Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳоқимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳоқимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳоқимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга

---

---

хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади" [2]. Фақат давлат ҳоқимияти ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида жамият ҳаётини мувофиқлаштириб туриш ва ҳақамлик (арбитр) ролини бажаради.

"Умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблига эришиш инсон, жамият ва давлат муносабатлари ривожининг янги босқичидир. Чунки ҳудудий манфаатлар ҳудудий жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариши жараёнида шаклланади. Ҳудудий бирликлар инсон, жамият ва давлат муносабатларининг асосий бўғинига айланади. Номарказлашган давлатларнинг шаклланиши оммавий ҳоқимият, марказ ва ҳудудлар ўртасидаги ҳоқимият муносабатларини, яъни давлатнинг ҳудудий сиёсий ташкил этилиши, оммавий ҳоқимиятга бўлган қарашларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда" [3. Б.4].

Конституциявий ҳуқуқ бўйича энциклопедик лугатларда "оммавий ҳоқимият" халқ ҳоқимияти деб эътироф этилиб, унинг, биринчидан, давлат ҳоқимияти, иккинчидан, ижтимоий ҳоқимият ва учинчидан, аралаш шаклларда амалга оширилиши кўрсатилган [4. Б.373-374].

Р.Т. Жўраевнинг фикрича, оммавий ҳоқимият табиати мазкур таснифдан ижтимоий ҳоқимиятни чиқариб ташлаш ва давлат-ижтимоий ҳоқимиятнинг аралаш шакли ўрнига маҳаллий ҳоқимият тушунчасини ишлатиш манتيқан тўғрироқ бўлишини кўрсатади. Маълумки, оммавий, яъни халқ ҳоқимияти ҳудудий ва умуммажбурий характерга эга бўлади. Ижтимоий ҳоқимият эса, зикр этилган иккала белгининг бирортасига ҳам эга эмас. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш айрим давлатларда жамоат бошқаруви сифатида эътироф этилса ҳам, барча давлатларда маъмурий-ҳудудий бирликти ташкил қилади.

Хорижий давлатлар амалиётида оммавий ҳоқимият давлат ва муниципал ҳоқимиятларга ажратилган [5. Б.6.]

Ўзбекистон қонунчилигида оммавий ҳоқимият тушунчасининг мавжуд эмаслиги, давлат ва маҳаллий ҳоқимиятларнинг бир-бирдан ажратилмаганлиги, ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат ташкилотлари сифатида эътироф этилиши [6. Б.23] номарказлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини мураккаблаштиради. Ваҳоланки, номарказлаштириш, маҳаллий ҳоқимият органлари фаолиятини демократлаштиришнинг ўзи ҳудудлар ривожланиши учун етарли эмас.

"Оммавий" тушунчасининг ишлатилиши хорижий давлатларда [7] оммавий ҳоқимият ва манфаатларни белгилаш, давлат ва маҳаллий ҳоқимият институтларини бир-бирдан ажратиш имконини берган. Бироқ бизнинг мамлакатимизда "оммавий", "давлат" ва "муниципал" деган тушунчалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидан бошқа қонун ҳужжатларида қўлланилмаган. Фуқаролик кодексининг 213 моддасига мувофиқ, оммавий мулк республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат давлат мулкидир. Бу ерда "оммавий" ва "давлат" тушунчалари тенглаштирилса, 215 моддада муниципал мулк давлат ҳоқимияти маҳаллий органларининг мулки деб, маҳаллий ҳоқимият органлари давлат органларининг қўйи бўғини сифатида эътироф этилган. Амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида ҳам, асосан, "давлат ҳоқимияти" ва "маҳаллий давлат ҳоқимияти" тушунчалари ишлатилади. "Маҳаллий ҳоқимият органлари" тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100 моддасида қўлланилган. Бу ҳолат турли тушунмовчиликларни келтириб чиқаради ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг илмий базасини заифлаштиради [3. Б.38].

---

---

Р.Т. Жўраевнинг фикрича Ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан мавжуд ҳолат атрофлича ўрганилиб, мамлакатимизда оммавий, давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар тушунчалари илмий мулоқотга киритилган бўлса-да, оммавий ҳокимиятнинг давлат, ижтимоий ва аралаш ҳокимиятларга таснифлашга қўшилиб бўлмайди.

Биз ҳам бу фикрни тўла қўллаб қувватлаймиз. Чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий ёки аралаш ҳокимият эмас, балки мустақил маҳаллий ҳокимиятга амалга ошириши кўпчилик хориж олимлари [8] томонидан ҳам эътироф этилган.

Муайян ҳудудда халқ ҳокимиятини ифода этадиган бўлинмас оммавий ҳокимият давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади [3. Б.62].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7 моддасида "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир", 8 моддасида "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", 32 моддасида эса, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар" [9] - деб белгиланган. Мазкур нормалар умумэтироф этилган меъёрларни мустақамлаб, "давлат ҳокимияти" ва "маҳаллий ҳокимият" тушунчаларини ажратиш, "оммавий ҳокимият" тушунчасини ижтимоий мулоқотга киритиш учун асос бўлади. Мазкур тушунчаларни амалдаги қонунчиликка киритилиши учун объектив омил бўлиб хизмат қилади.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини чегаралаш оммавий бошқарувни оптималлаштириш, демократик ислохотларнинг узлуксизлигини таъминлаш, яъни номарказлаштириш мақсадларига эришиш омилларидан бири бўлишига қарамай, бугунги кунда бу масала Ўзбекистонда етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу жараённинг оммавий ҳокимиятнинг горизонтал тақсимланиши гоёлари билан муштараклиги уларни аниқлаштириш ва амалга ошириш чораларини такомиллаштириш эҳтиёжини намоён қилади [3. Б.136-137].

**Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида оммавий ҳокимият тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:**

оммавий ҳокимият ва унинг элементлари тўлиқ илмий-назарий жиҳатдан ўрганилмаган;

Ўзбекистонда "оммавий ҳокимият" тушунчаси ҳуқуқий асосга эга эмас;

оммавий ҳокимиятнинг жамиятдаги институционаллашуви етарли даражада шакллантирилмаган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ҳокимиятнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилади;

оммавий ҳокимият ўз ичига давлат ҳокимиятини, сиёсий ҳокимиятни, маҳаллий ҳокимиятни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ҳокимият таркибий қисми сифатида эътироф этилиши, уларни нодавлат нотижорат ташкилотларидан табиатан мутлақо фарқ қилишини кўрсатади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маъмурий ҳудудий бирликлар негизда ҳудудийлик принципига таянган ҳолда ташкил этилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида аъзолик тартиби ўрнатилмайди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунининг 19 моддасига кўра,

---

---

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, тегишли ҳудудда жойлашган юридик шахслар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши таъкидланган.

Хулоса сифатида шунини эътироф этиш мумкинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ҳокимиятни амалга оширувчи институтдир. Оммавий ҳокимият "давлат ҳокимияти", "сиёсий ҳокимият" ва "маҳаллий ҳокимият" тушунчаларини ўз ичига қамраб олади.

Оммавий ҳокимият давлат ва жамият манфаатлари негизда бир давлат ҳудуди доирасида марказда ва ҳудудларда ташкил этиладиган бир бирига бўйсинувчи ижтимоий муносабатлар тизимидир. Мазкур ҳокимиятнинг бирдан бир манбаи халқдир.

Сиёсий ҳокимият - жамиятда барқарорлик ва тартибга эришиш ҳамда уни ушлаб туриш мақсадида сиёсий эрк-ирода ҳамда сиёсий ташкилотларга таянган ҳолда тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир. Аслини олганда, "давлатнинг ўзи ҳам муайян жамиятдаги сиёсий ҳокимият ташкилотидир" [10].

Давлат ҳокимияти - бу давлат мажбурлов кучига таянадиган, субъектлар ўртасида ҳукмронлик ва тобелликка асосланган оммавий-сиёсий муносабатлар тизимидир.

Маҳаллий ҳокимият - давлатнинг ҳудудий бирликлари негизда, ҳудуд манфаатлари кўзланган оммавий-сиёсий муносабатлар тизимидир.

Оммавий ҳокимият тушунчасини тўлиқ юридик категорияга айлантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчилигида ўз аксини топтириш долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун, ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимиятининг айрим функцияларини амалга ошириш (фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан ўлимни қайд этиш ва ишончномаларни тасдиқлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор оналарга нафақалар тайинлаш, уларга марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишни таъминлайди.

Давлат хизматларини кўрсатиш) тизимини такомиллаштириш ва янгича механизмларни жорий этиш ҳамда давлатнинг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш учун тўлиқ назарий асослар мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XXI боби "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари" деб номланиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг конституциявий асосларини (105 модда) ҳам ўз ичига қамраб олади.

---

#### **Иқтибослар/Сноски/Reference:**

1. Чиркин В. Е. Публичная власть в современном обществе // Журнал российского права № 7 - 2009. С. 3-13. (V. Chirkin. Public Authority in Modern Society // Russian Law Journal № 7 - 2009. P. 3-13.)

---

2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон. (National database of legislative acts, 16.10.2018., 03/18/498/2051; 06.03.2019., 03/19/527/2706.)

3. Жўраев Р.Т. Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар муносиблигига эришишнинг сиёсий жиҳатлари. - Т.: "Akademiya", 2009. 154 б. (Jo'raev R.T. Political aspects of achieving a balanced national and regional interest in Uzbekistan. - T.: "Akademiya", 2009. 154 p.)

4. Конституционное право. Энциклопедический словарь. Ответственный редактор С. А. Авакьян. - М.: Издательство НОРМА (Издательская группа НОРМА - ИНФРА М), 2001. - 688 с. (Constitutionally право. Encyclopedic Dictionary. Editor-in-chief S.A.Avakyan. - M.: NORMA (NORMA - INFRA M).

5. Чиркин В.Е. Государственное и муниципальное управление: Учебник. - М.:Юристь, 2003. С. 6. (V.Chirkin. State and Municipal Administration. Wordbook/- M.:Юристь, 2003. С. 6.)

6. Умарова Г. Маҳалла - ижтимоий бошқарув органи.//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 2-3/2007. 78 б. (Umarova G. Mahalla is a social management body// Social Sciences in Uzbekistan, 2-3/2007. 78 б.)

7. Конституция Руминии //http://www.ilpp.ru/8508757867; Конституция Польши // http://clin.iatp.by/constitution/vost\_europe/poland-r.htm ва ҳ.к. (Romanian Constitution //http://www.ilpp.ru/8508757867; Constitution of Poland // http:// clin.iatp.by/constitution/vost\_europe/poland-r.htm)

8. Батанов А.В. Муниципальная власть и некоторые проблемы становления науки муниципального права // Актуальные проблемы государственного и правового строительства в Азербайджанской Республике в переходном периоде: Сб.науч.статей.11-выпуск.-Баку, 2005: Баймуратов М.А. Роль публичной самоуправленческой (муниципальной) власти в становлении и развитии гражданского общества в Украине // Актуальни проблеми політики: Зб.наук.праць-Одесса, 2003: Тимофеев Н.С О некоторых современных аспектах государственной политики развития местного самоуправления // Вестник МГУ. Серия Право.4/2001. (Batanov A.V. Municipal government and some problems of the formation of municipal science law // Actual problems of state and legal construction in the Azerbaijan Republic in the transition period: Collected scientific papers. 11-graduation.-Baku, 2005: Baymuratov M.A. The role of public self-government (municipal) government in the formation and development of civil society in Ukraine // Actual problems and policies: Zb.nauk.prats-Odessa, 2003: Timofeev N.S. On some modern aspects of state policy of local government development // Vestnik MGU. Series Right.)

9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., "Ўзбекистон", 2016. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. -Т., "Uzbekistan" 2016.)

10.Раянов Ф.М. Проблемы теории государства и права (юриспруденции). М., "Право и государство", 2003, с.111. (Rayanov FM Problems of the theory of state and law (jurisprudence). М., "Law and the State", 2003, p.111.)

**Нуридullaев Аслиддин Ахрорович,**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Харбий-техник институти доценти  
юримдик фанлар номзоди



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-11>

## **ЭКОЛОГИК ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликка оид халқаро ҳужжатлар, хусусан, Европа Иттифоқи ҳужжатлари таҳлил этилиб, уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш, шу жумладан, юридик шахслар жинойи жавобгарлигини амалга ошириш истиқболлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** экологик жиноятлар, жинойи жавобгарлик, халқаро ҳужжатлар, директива, миллий қонунчилик, юридик шахслар, имплементация.

---

**Нуридullaев Аслиддин Ахрорович,**

Доцент Военно-техническом институте  
Национальной гвардии Республики Узбекистан  
кандидат юридических наук

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ: ВОЗМОЖНОСТИ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА**

**Аннотация:** В статье анализировано международные акты в сфере ответственности за экологических преступлений, а также разработаны предложение и рекомендации по их внедрению в национальную законодательству, в частности, по перспективам реализации уголовной ответственности юридических лиц.

**Ключевые слова:** экологические преступления, уголовная ответственность, международные акты, директивы, национальное законодательство, юридические лица, имплементация.

---

**Nuridullaev Asliddin Akhrovovich,**

Associate professor at the Military-Technical Institute  
of National Guard of the Republic of Uzbekistan  
PhD in Law

## **IMPROVEMENT OF LIABILITY FOR ENVIRONMENTAL CRIME: THE POSSIBILITY OF IMPLEMENTING INTERNATIONAL EXPERIENCE**

**Annotation:** In the article international acts in sphere of responsibility for ecological crimes are analyzed, and also developed offers and recommendations on their implementation in national legislation, in particular, on prospects of realisation of criminal responsibility of juridical persons.



---

**Keywords:** ecological crimes, criminal responsibility, international acts, directives, national legislation, juridical persons, implementation.

**For citation:** Nuridullaev Asliddin Akhrorovich. IMPROVEMENT OF LIABILITY FOR ENVIRONMENTAL CRIME: THE POSSIBILITY OF IMPLEMENTING INTERNATIONAL EXPERIENCE. Journal of Law Research. 2019, 7 vol., issue 1, pp. 96-102

Сўнги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг тобора Сортиб бораётганлиги ўз навбатида барқарор ривожланишнинг муқаррар шартларидан бири сифатида атроф муҳитни муҳофаза қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу маънода атроф муҳитни турли ҳуқуққа хилоф таъсирлардан муҳофаза қилиш - жиноят, маъмурий, экология ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг устувор вазифаларидан бирига айланиб улгурди. Экологик ҳуқуқбузарликлар миқдорининг ортиши, атроф муҳит сиатининг пасайиши атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқий нормаларининг даражасини ошириш, ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни тақозо этади. Бир қатор сабабларга кўра экологик муаммолар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласи ушбу соҳадаги ҳуқуқнинг ривожланишида ўзига хос локомотив вазифасини бажарётган Европа Иттифоқи давлатлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Европа давлатлари томонидан ушбу соҳада муайян стандартлар ишлаб чиқилган ва татбиқ этилмоқда. Гарчанд, уларнинг аксарияти тавсиявий хусусиятга эга бўлсада, улар тобора императив тус касб этиб бормоқда.

Бунда Европа атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартларни қабул қилиш куйидаги афзал жиҳатларга эга: экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашдаги кучларни бирлаштириш ва унификациялашга хизмат қилади; ривожланган давлатлар томонидан тўпланган тажрибадан фойдаланилади, давлатларнинг ўзаро интеграцияси юз беради[1, 2, 3].

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан ушбу соҳадаги стандартлар қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши мумкин бўлиб, бундай интеграция ҳолати ва имкониятларини батафсилроқ кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Европа ҳудудидаги давлатлар зиммасига атроф муҳитга зарарли ва ҳуқуққа хилоф таъсир кўрсатишни чеклаш бўйича қатъий чоралари қабул қилиш мажбуриятини юкловчи асосий ҳужжатлардан бири бу - Европа парламенти ва Кенгашининг 2008 йил 19 ноябрдаги "Атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 2008/99/ЕИ Директиваси ҳисобланади. Ушбу ҳужжат илгари амалда бўлган ҳужжатларга нисбатан табиатни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик нормаларини қатъийлаштириши ва барча ЕИ аъзо-давлатлари учун мажбурий мақомга эгалиги билан тавсифланади. Айнан ушбу ҳужжат мазкур давлатлар жиноят-экологик сиёсатини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланиши боис, уни атрофлича кўриб чиқамиз.

Директиванинг Преамбуласи унинг ҳаракат доираси билан боғлиқ муҳим жиҳатларни белгилайди. Унда айтилишича, "атроф муҳит соҳасидаги Иттифоқ сиёсати юқори даражадаги ҳимояга қаратилган бўлиши лозим", бу ЕИ барча асосий стратегик ҳужжатларига мувофиқ келади. Ушбу стандарт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам тан олинган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси

---

---

Преизидентининг чиқишлари ва маърузаларида инсонлар ҳаёти асоси ва манбаи сифатида атроф муҳитни муҳофаза қилиш зарурияти эътироф этилган. Бундан ташқари атроф муҳитни муҳофаза қилиш – глобаллашув ва табиат учун хавфли технологияларнинг кенг тарқалиши шароитида мутлақо зарур бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбурияти ҳамдир. "Иттифоқ экологик жиноятлар ўсиши ва уларнинг оқибатларидан, ушбу жиноятларнинг тобора улар содир этилган давлат чегараларидан тарқалаётганлигидан ташвишда. Ушбу жиноятлар атроф муҳитга зарар етказмоқда ва уларга нисбатан қаттиқ жавоб муносабатини билдиришни тақозо этади". Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида табиий муҳитни жиноий тажовузлардан қўриқлаш унинг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этилган (ЖК 2-моддаси биринчи қисми). Шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш ҳам Жиноят кодекси вазифаларидан ҳисобланади ("уларга нисбатан қаттиқ жавоб муносабатини билдириш" доирасида).

Директива мавжуд жазо тизими атроф муҳитни муносиб ҳимоя қилишни таъминламайди, маъмурий чоралар самарасиз, жазо айбдор шахсларни юқори даражада жамоатчилик томонидан танбеҳ берилишида ифодаланаш лозимлигини эътироф этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу муаммо анча кескин тус олган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси амалга киритилган вақтдан бошлаб, экологик жиноятлар учун жавобгарликка тортиш амалиёти яхши ривожланмаган, бу борада жазо чоралари етарлича самара бермаяпти, кенг латентлик ҳолати кузатилади, айниқса етказилган зарарни қоплаш масаласида муаммолар кўп учрайди. Директива жазонинг янги турини жорий этишни таклиф қилади. Шунингдек, экологик жиноятлар учун ягона жазо тизимининг мавжудлиги уларни тергов қилишнинг сифатли услуби шаклланишига имкон беради.

Директива экологик хавфли ишлаб чиқариш устидан юқори назорат тизими юритилиши мажбуриятини мустақамлаб, профилактикани чуқурлаштириш асосларини, шунингдек, хавф остига қолдирганлик учун жавобгарликни белгилаб беради. Унда айтилишича, қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, жиддий салбий оқибатларга сабаб бўлган ҳаракатлар жиноят сифатида тан олинishi лозим. Ушбу жиҳатлар миллий жиноят ҳуқуқи учун ҳам долзарб саналади.

Хусусан, Директиванинг 3-моддасига мувофиқ, қуйидаги қилмишлар жиноят сифатида тан олинishi шарт:

(а) катта миқдордаги моддаларни ёки ионлаштирувчи радиацияни ҳаво, тупроқ ёки сувга чиқариш, эмиссия қилиш ёки киритиш натижасида ўлим ёки ўлим хавфи келиб чиқиши ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етиши, ёинки ҳаво, тупроқ, сув сифатида ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етиши. ЎЗР ЖК 14-боби шу каби ўхшаш жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутаети (ушбу моддалар атроф муҳитни ифлосланттирганлик учун жавобгарликни кўзда тутаети, бироқ айнан атроф муҳитни радиоактив ифлосланттирганлик учун жавобгарликни белгилувчи норма мавжуд эмас; ЎЗР ЖК 252-254-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар бошқа бевосита асосий объектларни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, радиоактив ифлосланишдан ҳимояланганлик ҳолати фақатгина кўшимча объект сифатида намётн бўлади);

(б) чиқиндиларни тўплаш, ташиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш, шунингдек, ушбу фаолият қилиш ва чиқиндиларни утилизация қилиш жойларини қайта тиклаш устидан назорат қилиш фаолияти, шу жумладан, дилер ёки

---

---

брокерларнинг (чиқиндиларни бошқариш бўйича) фаолияти натижасида ўлим ёки ўлим хавфи келиб чиқиши ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етиши, ёнги ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етиши (Ўзбекистон Жиноят қонунида чиқиндилар билан тегишли ва лозим даражада муомала қилмаганлик учун жавобгарлик кўзда тутилмаган);

(с) чиқиндиларни ташиш, башарти ушбу фаолият Европа Иттифоқи парламенти ва Кенгашининг 2006 йил 14 июндаги №1013/2006-сонли "Чиқиндиларни ташиш тўғрисида"ги Регламентининг 2(35)-моддаси таъсирига тушса ва кўп бўлмаган миқдорда бир ёки ўзаро яққол боғлиқ бўлган бир неча марталик ташиш асосида амалга оширилса (Ўзбекистон Жиноят қонунида чиқиндилар билан муомала қилишга оид жавобгарлик кўзда тутилмаган)

(д) хавфли фаолият турларини амалга оширувчи заводни ишга тушириш ёки заводнинг фаолиятида унинг ҳудудидан ташқарида ўлим ёки ўлим хавфи келиб чиқиши ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етиши, ёнги ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалардан фойдаланиш ёки сақлаши (ушбу жиноят таркиби қисман ЎзР ЖК 193-моддаси билан қамраб олинади);

(е) парчаланувчи материаллар ёки бошқа хавфли радиоактив моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, фойдаланиш, ташиш, экспорт ва импорт қилиш натижасида ўлим ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етса, ёнги ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етса ёхуд шундай хавфни келтириб чиқарса (ушбу жиноят таркиблари ЖК 193, 253, 254-моддаларида кўзда тутилган муқобил ҳаракатлардан бири орқали содир этилади);

(ф) ёввойи флора ва фаунанинг муҳофаза этиладиган турларини ўлдириш, яшаш муҳитини бузиш, сақлаш ёки тутиш, ушбу фаолият мазкур турларга нисбатан аҳамиятсиз миқдорда содир этилган ёки объектларнинг муҳофаза қилиниш мақомига жиддий таъсир кўрсатмайдиган ҳоллар бундан мустасно (Ўзбекистон жиноят қонуни фауна ва флоранинг муҳофаза қилинадиган турларига нисбатан жиноятнинг "ўлдириш" таркибини умуман кўзда тутмайди, фақатгина ЎзР ЖК 198, 202-моддаларида "шикаст етказиш", "нобуд қилиш", "кесиш", "пайҳон қилиш", "ушлаш", "йигиш", "тайёрлаш" каби ҳаракатлар учун жавобгарлик кўзда тутилган);

(г) ёввойи флора ва фаунанинг муҳофаза этиладиган турлари ёки уларнинг қисмлари ёхуд улардан тайёрланган маҳсулотлар билан савдо қилиш, ушбу фаолият мазкур турларга нисбатан аҳамиятсиз миқдорда содир этилган ёки объектларнинг муҳофаза қилиниш мақомига жиддий таъсир кўрсатмайдиган ҳоллар бундан мустасно (ЎзР ЖКда мазкур қилмишлар учун жавобгарлик белгиланмаган);

(ҳ) ёввойи флора ва фаунанинг муҳофаза этиладиган турлари яшаш жойларига жиддий зарар етказувчи ҳар қандай фаолият турлари (ЎзР ЖКда мазкур жиноят таркиблари 202, 204-моддаларида мустаҳкамланган);

(и) озонни бузувчи моддаларни ишлаб чиқариш, импорт, экспорт қилиш, улар билан савдо қилиш ва фойдаланиш (ЎзР ЖКда мазкур таркиб учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаган).

ЎзР ЖКда Директивада кўзда тутилган жиноят таркибларининг белгиланганлиги тўғрисидаги масалани таҳлил қилиб, таъкидлаш лозимки, миллий қонунчилик

---

---

барча жиноят таркибларини қамраб олмайди, уларнинг бир қисми "Экологик жиноятлар" тўғрисидаги 14-бобдан ташқарида қолган, экологик жиноятларни таснифлаш асосан предмет бўйича амалга оширилгани ҳолда, объектнинг томон эътибордан четда қолган, нормаларнинг асоссиз рақобати юзага келишига сабаб бўлган. Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг жиддий камчилиги сифатида унда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноят таркибларида жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектларига нисбатан "хавф остида қолдириш" таркиби амалда кўзда тутилмаганлигини кўрсатишимиз мумкин. Бундан ташқари, ЎзР ЖК 14-бобида кўзда тутилган аксарият жиноят таркиблари моддий таркибли сифатида шакллантирилган бўлиб, қилмишни тугалланган жиноят сифатида квалификация қилиш учун ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиққан бўлиши талаб қилинади. Бунда қоида тариқасида Жиноят кодекси экологик жиноятларга оид моддаларнинг иккинчи ва кейинги қисмлари икки гуруҳ оқибатларни (ЖК 196-моддаси "Атроф табиий муҳитни ифлослантириш" иккинчи қисми одам ўлимига сабаб бўлишини кўзда тутди, бунинг учун ушбу оқибат ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш натижасида келиб чиқиши лозим) кўзда тутди. Икки оқибатнинг бўлиши ўз навбатида биринчи оқибат ва иккинчи оқибатлар ҳамда қилмиш ўртасидаги сабабий боғланиш бўлишини кўзда тутди. Ҳозирги кунда фаннинг ривожланиш даражаси ҳамиша ҳам амалда ифлосланиш ва инсон касалланиши ўртасидаги тўғридан-тўғри бевосита сабабий боғланишни аниқлаш имконини бермайди.

Фикримизча, миллий жиноят қонунчилигини экологизациялаш ҳамда Директива 3-моддасида белгиланган стандартларга мувофиқлаштириш атроф муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини сезиларли даражада оширган бўларди. Шу маънода ЎзР ЖКга қуйидаги мазмундаги концептуал ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ:

1. ЎзР ЖК 14-бобига ядровий, радиоактив, ионлаштирувчи материаллар, предметлар ва қурилмаларнинг экологик хавфли муомаласи учун жавобгарликни белгиловчи моддаларни киритиш ва унда таркибларни содир этиш усулига қараб фарқлаган ҳолда, жавобгарликни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб дифференциация қилиш лозим. Бунда ушбу нормаларни айнан "Экология соҳасидаги жиноятлар" бўлимига жойлаштириб, бошқа бобларда мавжуд бўлган нормаларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

2. ЎзР ЖКда хавфли чиқиндиларни ташиш, жўнатиш учун жавобгарликни белгиловчи жиноят таркибини белгилаш лозим (бунда ушбу тоифа чиқиндиларни ташиш, жўнатиш тартибини белгиловчи бланкет қонунчиликнинг сифатини яхшилаш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш талаб қилинади).

3. ЎзР ЖКда балиқ ва ёввойи ҳайвонларни ноқонуний овлаш билан боғлиқ жиноят таркибини белгилаб қўйиш, бунда Директиванинг ёввойи флора ва фауна объектларини ўлдириш билан боғлиқ қоидаларини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

4. Предмети атроф муҳит объекти бўлган ноқонуний битимларни тузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу ўз навбатида экологик жиноятларни тергов қилиш сифатига таъсир кўрсатади, экологик жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш даражаси ошади ва пировардида жиноят-ҳуқуқий муҳофаза даражаси ортади.

5. Озон қатламини бузувчи ижтимоий хавфли қилмишлар учун жиноий жавобгарликни алоҳида моддада белгилаш мақсадга мувофиқ.

6. Экологик жиноятлар таркибини хавф остида қолдириш принципи асосида

---

---

қайтадан шаклантириб чиқиш лозим. Бу жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектини ва жиноят объектини бўлишда асосли ва амалга оширилиши мумкин бўлади. Муҳим ижтимоий муносабатлар хавфсизлиги муҳофаза остига олиниши ва улар бузилганга қадар бўлган ҳолати муҳофазаланиши лозим. Шунда жиноят қонуни нормалари жиноят содир этилгунга қадар ҳам тўлақонли амал қилади ва қилмиш натижасида оқибат келиб чиқмай туриб ҳам, хавф остида қолдирганлик учун жинойий жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

Директиванинг 4-моддаси қасддан иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар учун жазо миқдорини ошириш заруриятини кўзда тутади. ЎзР ЖК экологик жиноятлар таркиблари мажмуида фақатгина битта моддада (ЖК 202-моддаси иккинчи қисми "в" банди ва учинчи қисми "д" банди) иштирокчилик жиноятни оғирлаштирувчи квалификациявий ҳолат сифатида эътироф этилган. Амалиётда экологик жиноятларнинг кўп ҳолларда айнан иштирокчиликда содир этилишини ҳисобга олиб, экологик жиноятларнинг бошқа таркиблари учун ҳам оғирлаштирувчи ҳолат сифатида иштирокчиликни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Жавобгарлик масаласи жиноят ҳуқуқининг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Самарали, мутаносиб ва жиноят содир этишдан тийиб турувчи жинойий жавобгарлик чоралари бўлишининг зарур эканлиги Директиванинг 5-моддасида белгиланган стандартлардан биридир. ЎзР ЖК 14-бобидаги моддалар муайян даражада хилма-хил ва самарали санкциялар билан мустақамлангандек туюлади. Улар орасида айниқса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва жарима каби жазо чораларининг белгиланиши асослидир. Бироқ, ушбу жазо турларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш экологик жиноятлар учун асосан шартли жазо қўлланилаётганлиги ҳамда бу хусусий ва умумий олдини олиш чораларини самарали амалга ошириш имконини бермайди.

ЎзР ЖК жазо тизимида жиноят содир этган шахс томонидан етказилган зарарни тиклаш тартиби кўзда тутилмаган. Ушбу чора фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий тартибда амалга оширилиши мумкин. Етказилган зарарни тиклаш бўйича бошқача чора-тадбирлар ЎзР ЖКда кўзда тутилмаган. Директива давлатлар зиммасига юридик шахсларнинг экологик жиноятлар учун жавобгарлигини киритиш мажбуриятини юклайди. Умуман ҳуқуқ назариясида бугунги кунда юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлиги масаласида анча кенг мунозаралар бўлмоқда. Гарчанд, романо-герман ҳуқуқ тизимининг ушбу янгиликка муносабати ижобий бўлмасида, бу борадаги мунозаралар тобора жонланиб, унинг тарафдорларининг далиллари кўпайиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда юридик шахслар жинойий жавобгарлигини амалга оширишнинг бир неча усуллари бор. Ушбу концепциялар бугунги кунда жиноят ва экология ҳуқуқида кенг муҳокама қилинмоқда. Мазкур концепциялардан бирига мувофиқ, юридик шахсларга субъектив томон, хусусан айб тўғрисидаги қондалар қўлланилиши мумкин. Юридик шахс руҳий фаолиятни амалга оширишга қодир мустақил субъект сифатида тан олинади. Сўнги пайтларда юридик шахсларда ўзига хос инсон "альтер эго"си ривожлантирилиши тўғрисидаги концепция янада кенг тарқалмоқда. Ушбу концепция АҚШ, Буюк Британия ва бир қатор англо-саксон давлатлари қонунчилигида ўз аксини топган.

Иккинчи концепция юридик шахсда тўлақонли субъектив томон бўлишини эътироф этмайди, юридик шахсни бевосита жиноят субъекти деб ҳисобламайди.

---

---

Ушбу концепция тарафдорлари юридик шахсни у жиноят содир этиш усули бўлган ёхуд жиноят юридик шахс манфаатларини кўзлаб ёки унинг номидан содир этилган ҳоллардагина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин деб таъкидлайдилар. Бу ҳолатда жиноий жавобгарлик чоралари бевосита бажарувчига (ва бошқа иштирокчиларга) ҳамда бевосита юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларига ажратилади. Мазкур концепция гоёси Франция ҳамда бошқа Европа ва Африка давлатларида самарали қўлланилиб келмоқда.

Учинчи концепцияга биноан, юридик шахс унинг иштирокчилари томонидан жиноят содир этилганда фақатгина маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ҳозирги кунда ушбу концепция Россия Федерациясида қўлланилмоқда[4].

Мавжуд юридик шахслар жавобгарлиги чораларининг барча ўзига хос хусусиятларини, ушбу институт ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, дастлабки икки концепция нисбатан самаралироқ бўлади, деган хулосага келишимиз мумкин. Бунда биринчиси афзалроқ деб ҳисоблаймиз, чунки айнан у атроф муҳитни муҳофаза қилишни амалга ошириш учун кўпроқ имконият яратиб беради. Мазкур йўналишда жиноий жавобгарликни амалга ошириш учун жиддий тўсиқлар кўзга ташланмайди. Директивада жиноий жавобгарликка тортиш экологик жиноятларнинг бевосита бажарувчиларининг жавобгарлигини истисно этмаслиги кўзда тутилган. Шу билан бирга унда юридик шахслар учун аниқ жазолар кўрсатилмаган бўлиб, фақатгина бундай жазолар бўлиши лозимлиги эътироф этилиши билан чекланилган. Директива қоидалари ўз аксини топган стандартлар таҳлили улар атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш сифатини сезиларли даражада ошириши, жиноят ҳуқуқи мақсад ва вазифаларига мос келиши, анъанавий жазо тизимидан самаралироқ эканлиги билан тавсифланади. Ушбу стандартлар универсал бўлиб, миллий қонунчиликка жиддий ўзгаришларсиз киртилиши мумкин ҳисобланади.

---

#### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Дубовик О.Л. Формирование уголовно-экологического законодательства Европейского союза: цели, тенденции, перспективы и реализация // Международное уголовное право и международная юстиция. - Москва, 2009. - №4. - С. 13-16 (Dubovik O.L. Formation of the criminal environmental legislation of the European Union: goals, trends, prospects and implementation // International criminal law and international justice. - Moscow, 2009. - №4. - pp. 13-16).

2. Дубовик О.Л. Колификация экологического законодательства в ФРГ // Экологическое право. - Москва, 2010. - №6. - С. 40-43 (Dubovik O.L. Codification of environmental legislation in Germany / / Environmental Law. - Moscow, 2010. - №6. - p. 40-43).

3. Брославский Л.И. Уголовная ответственность за экологические преступления в области охраны вод в США // Журнал российского права. - Москва, 2008. - №3 (Broslavsky L.I. Criminal liability for environmental crimes in the field of water protection in the United States // Journal of Russian law. - Moscow, 2008. - №3).

4. Забавко Р. Новые стандарты уголовно-правовой охраны окружающей среды (на основе Директивы Европейского Парламента и Совета 2008/99/ЕС от 19 ноября 2008) // Право и жизнь. - Москва, 2011. - №160 (10) (Zabavko R. New standards of criminal law environmental protection (based on the Directive of the European Parliament and the Council 2008/99 / EC of November 19, 2008) // Law and Life. - Moscow, 2011. - №160 (10) <http://www.law-n-life.ru/arch/n158.aspx>

**Исамутдинов Равшан Рахмонович,**

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги ходими



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-7-12>

## **ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада жамоатчилик тузилмаларининг шакллари, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, жамоатчилик тузилмалар фаолиятини билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш борасида жаҳон давлатлари тажрибаси ўрганилиб, таклиф ва тавсифлар берилган.

**Калит сўзлар:** жамоат тартибини сақлаш, жамоатчилик тузилмаси, фуқаролик жамияти институти, хуқуқбузарликлар профилактикаси.

---

**Исамутдинов Равшан Рахмонович,**

Сотрудник Министерства внутренних  
дел Республики Узбекистан

## **НОРМАТИВНО-ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВЕННЫХ СТРУКТУР, ОКАЗЫВАЮЩИХ СОДЕЙСТВИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЮ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА**

**Аннотация:** В данной статье проанализированы формы и нормативно-правовые документы, регламентирующие деятельность общественных структур. Также на основе зарубежного опыта, предложены соответствующие рекомендации по совершенствованию законодательства в данной сфере.

**Ключевые слова:** обеспечение общественного порядка, общественные объединения, институты гражданского общества, профилактика правонарушений.

---

**Isamutdinov Ravshan Rakhmonovich,**

Staff member of the Ministry of Internal  
Affairs of the Republic of Uzbekistan

## **LEGISLATIVE-INSTITUTIONAL BASES OF SOCIAL UNIONS, PERFORMING AN ASSISTANCE FOR GRANTING SOCIAL SECURITY**

**Annotation:** Current article analyzes forms and legislative documents, regulating the activity of social unions. In addition, based on foreign experience has given some recommendations in order to improve the legislation in the current sphere.

**Keywords:** providing social security, social unions, civil society institution, law-breaking prevention.

**Б**угунги кунда жамоат тузилмалари фаолияти алоҳида соҳа сифатида қаралиб, мамлакатнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда давлат органларига ихтиёрий равишда қўмаклашиб келиши эътироф этиб келинмоқда. Жамоат тартибини сақлашга қўмаклашувчи жамоат тузилмалари бўйича фикр юритишдан олдин жамоат тартибини сақлаш бўйича илгари сурилган бир қатор таърифлар келтириш ўринлидир. Аини пайтда, айрим манбалар ёки илмий адабиётларда "жамоат тартибини сақлаш" тушунчасига турли хил таъриф ва қарашлар мавжуд.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев фикрлари эътиборга лойиқдир, яъни "Жамоат тартибини сақлаш, авваламбор, вояга етмаган ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш... [1, Б.1.]" - деб таъкидлаган.

Шунингдек, юридик адабиётларда берилган таърифга кўра, "Жамоат тартибини сақлаш - фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, ташкилотларнинг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳамда умумхлоқий қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир [2, Б.167.]". Бундан фарқли равишда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида, "Жамоат тартибини сақлаш - жамиятда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, юридик, маънавий ва бошқа омиллар таъсирида вужудга келган тартибини ҳар қандай тажовузлардан, унга зарар етказиш йўлидаги уринишлардан ҳимоя қилиш чоралари. Бундай чоралар жуда хилма хил, туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш ва ҳуқуқий муҳофаза этувчи органлар фаолиятини амалга оширишдан тортиб то ахлоқий-тарбиявий ишларни кучайтиришгача бўлган чораларни ўз ичига олади. Жамоат тартибини сақлаш - ҳам ҳуқуқий нормалар, ҳам ахлоқ нормалари таъсирида шаклланган ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилишни назарда тутди[3]", - деб кўрсатилган.

Айни пайтда, республикадаги жамоат тартибини сақлашга қўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари фаолияти юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот иш натижасида икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчидан, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш борасида бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари - "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳлари ва ЖИЭМ маъмуриятига қўмаклашувчи "Ташаббускор ташкилотлар".

Иккинчидан, фуқаролик жамияти институтларида ташкил қилинган жамоатчилик тузилмаси - Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмалари ҳисобланади.



---

---

Мазкур жамоатчилик тузилмалар фаолиятини тартибга солишда мустақилликнинг дастлабки даврлардан бошлаб ҳуқуқий асослар яратилди, шунингдек бугунги кунда бу борада ўзига хос миллий тизим шаклланиб бормоқда.

Жумладан, 1991 йил 15 февралда "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги [4] Қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 1-моддасида ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодийёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмаси эканлиги белгиланди.

Ўз навбатида, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси [5] жамоат тузилмалари фаолияти бўйича миллий қонунчилик тизимининг пойдевори бўлиб, ушбу ҳужжатнинг 121-моддасида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги кўрсатилди.

Шунингдек, 1997 йил 25 апрелда Жиноят-ижроия кодекси [6] қабул қилинди. Ушбу кодекснинг 98-моддасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг фойдали ташаббусини кучайтириш, уларнинг меҳнати, маиший ҳаёти ва бўш вақтини ташкил этиш масалаларини ҳал этишда қатнашиш, интизомни ва ички тартибни сақлаб туришда муассаса маъмуриятига кўмаклашиш мақсадида маҳкумларнинг турли ташкилотлари тузилиши мумкинлиги кўрсатилди. Мазкур ҳужжат билан ЖИЭМ маъмуриятига кўмаклашувчи "Ташаббускор ташкилотлар" тузилди. Қолаверса, 2012 йил 29 декабрда Ички ишлар вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги [7] 174-сонли буйруғи тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда ЖИЭМ маъмуриятига кўмаклашувчи "Ташаббускор ташкилотлар"нинг муассасаларда фаолият олиб боришдаги тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, 2018 йил 19 июнда Президентнинг "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3786-сонли [8] Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда тажриба синов мақсадида Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сутканинг кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашини уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳлари тизими ташкил этилди.

Шу билан бирга, ушбу ҳужжатнинг 9-бандида "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳларини ташкил этиш ҳамда гуруҳлар таркибини шакллантириш ҳамда ушбу гуруҳларни хизмат фаолияти кўрсатиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлда "Фуқаролар йиғинининг "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳақида"ги [9] 497-сонли Қарори қабул қилинди. Қарор билан жамоатчилик тузилмаси фаолиятини мониторинг қилиш тартиби белгиланди. Хусусан,

---

---

жамоатчилик тузилмасининг фаолияти фуқаролар йиғини раислари, профилактика инспекторлари ҳамда ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сектори раҳбари томонидан мониторинг қилиб борилиши кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йил 25 декабрда Президентнинг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги [10] ПҚ-4075-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг 2-банди билан, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари лавозимларини тугатиб, уларга иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмларини сақлаб қолган ҳолда, бўшаётган штат бириклари ҳисобидан профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари лавозимлари жорий этилди ва уларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органларига амалий ёрдам кўрсатиш учун шахсий жавобгарлик юкланди. Қолаверса қарорнинг 4-бандига мувофиқ ҳар бир маҳаллада "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги Тошкент шаҳрининг ижобий тажрибаси республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этиши белгилаб берилди.

Шунингдек, ушбу қарорнинг 5-банди билан профилактика инспекторларининг ёрдамчиларига "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси аъзолари ва "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини кунлик назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарордан келиб чиқиб, "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини тартибга солиш ва ташкил қилиш борасида Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2019 йил 19 январда 3/1/ққ-4/3-қ/қ-сонли [11] қўшма қарори имзоланди. Қолаверса ушбу қарор билан, "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳлари тўғрисида Низом тасдиқланди. Низомда жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш тартиби, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда аъзоларини рағбатлантириш талаблари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, 2019 йил 26 мартда Вазирлар Маҳкамасининг "Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги [12] 251-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорига биноан, "Профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Низомда профилактика инспекторлари ёрдамчиларининг асосий вазифаларидан бири сифатида, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси, "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳлари, "Жамоатчилик назорат масканлари" фаолиятини кунлик назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш белгиланди.

Айни пайтда, соҳани тартибга солиш бўйича бир қатор норматив ҳужжатлари қабул қилинганлигига қарамай, мазкур соҳада жорий этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда бир қатор камчилик борлигидан далолат бермоқда. Жумладан, жамоатчилик тузилмалари билан боғлиқ бўлган норматив ҳужжатларда ушбу субъектларга ҳуқуқий таъриф берилмаган.

---

---

Бу эса қонунчилик соҳасидаги ушбу камчиликлар мавжудлиги бир қатор мутахассислар томонидан бу жамоатчилик тузилмаси ёки ташкилот тўғрисидалиги борасидаги тортишувларига сабаб бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентнинг 2018 йил 22 январда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид ПФ-5308-сонли Давлат дастури [13] қабул қилинди. Ушбу Давлат дастурининг 73-бандида, фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида 2018 йил 30 сентябр кунига қадар қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўрсатилди.

Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасида фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларга қўмаклашиш хусусиятлари, жамоат тартибини сақлашда ихтиёрий иштирок этишнинг шакллари, соғалари, ваколатлар ва чекловлар, аҳолининг жамоат тартибини сақлашдаги фаол ва самарали иштирокини рағбатлантириш турлари ва асослари каби ишларни амалга ошириш механизми белгиланди. Бироқ, 2018-йилдаги давлат дастурининг мазкур банди ижроси ҳалигача бажарилмасдан келмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасида жамоат тартибини сақлашга қўмаклашувчи жамоатчилик тузилмалари фаолияти, ҳамкорлик, унинг мақсадлари, тамойиллари, шакллари ва йўналишларини белгиловчи "Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш тўғрисида"ги қонуни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жамоат тартибини сақлашга қўмаклашувчи жамоат тузилмалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб беради. Шу билан бирга, жамоат тартибини сақлашга қўмаклашувчи жамоат тузилмалари ҳақидаги қонун, унинг вазифалари, тамойиллари ва чегараларини белгилайди. Бу вазифалар ва принциплар фақат маълум бир жамоат тузилмалари учун эмас, балки ҳамма жамоат тузилмалари учун ҳуқуқий тизимда умумий ҳисобланади. Қолаверса, жамоат тартибини сақлашга қўмаклашувчи жамоат тузилмалари фаолиятидаги ваколатларини белгилаб беради, бу эса ушбу соҳада жамоат тузилмаларидан жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликни олдини олишда куч ва восита сифатида самарали фойдаланишига туртки бўлади.

Бу борада жаҳондаги бир қатор давлатлар тажрибаси ўрганилганда, мамлакатлар томонидан мазкур йўналишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу борада Россия, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Украина, Озарбайжон давлатларини келтириш мумкин.

Хусусан, Россия Федерацияси томонидан 2014 йил 2 апрелда "Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида"ги [14]

ФЗ-44-сонли Федерал Қонун қабул қилинган. Мазкур Қонунда мамлакатда жамоат тартибини сақлашга қўмаклашувчи "Халқ дружиначи" ҳамда "Қазаклар жамияти" жамоатчилик тузилмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Шунингдек, Беларусь Республикасида 2003 йил 26 июнда "Ҳуқуқий тартибни сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида"ги [15] 3-214-сонли, Қозоғистон Республикасида 2004 йил 9 июлда "Жамоат тартибини таъминлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида"ги [16] 590-сонли, Тожикистон

---

---

Республикасида 2009 йил 3 декабрда "Жамоат тартибини таъминлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида"ги [17] 566-сонли, Украинада 2000 йил 22 июнда "Давлат чегараси ва жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида"ги [18] 1835-III-сонли Қонунлар, шунингдек, Озарбайжон Республикаси Президентининг

2016 йил 2 мартдаги "Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш тартиби тўғрисида"ги [19] Фармони қабул қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида жамоат тартибини сақлашга кўмаклашувчи жамоат тузилмалари бўйича ўзига хос миллий тизим шакллантирилган. Бунги кунда мазкур соҳанинг етарли даражада ҳуқуқий, институционал асослари ва ислоҳотлари амалга оширилиб келинмоқда.

---

### Иқтибослар/Сноски/References

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-3528-сонли Қарори. Б.1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.02.2018 й., 07/18/3528/0698-сон. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 14, 2018 "On the introduction of a qualitative new system for the protection of public order, the prevention of crime and combating crime in Tashkent" National database of legislation, dated February 15, 2015, No 07/18/3528/0698.)

2. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010. – Б.167. (Legal Encyclopedia of Uzbekistan / R. Mukhitdinov and others responsible for publication; Responsible editor N.Toychiev. - T.: Adolat, 2010. - B.167.)

3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, <http://lex.uz/dictionary?word> (National database of legislation, <http://lex.uz/dictionary?word>)

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 76-модда; 1992 й., 9-сон, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 126-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон. (Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1991, N 4, Art. 76; 1992, No. 9, Article 363; Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, No. 4-5, article 126; 1998, No 3, Article 38; 2004, No. 1-2, Article 18; Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2004, No. 25, Art. 287; 51, Article 514; 2008, No. 52, Article 513; 2009, No. 37, Article 403; 2014, No. 50, Article 588; National database of legislative acts, 19.04.2018, No. 03/18/476/1087.)

5. "Халқ сўзи" газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12/1-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда, 35-сон, 914-модда. ("The Xalq so'zi" newspaper, December 15, 1992, page 243 (494); Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1994, No. 1, Article 5; Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2003, No. 3-4, Article 27; Gazette of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2011, 12/1, issue 343; Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 15, Art. 152; 2008, No. 52, Article 510; 2011, No. 16, Article 159; 2014, No. 16, Article 176; 2017, Article 14, Article 213, Point 22, Article 406, Article 35, Article 914.)

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун

---

хужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 401-молда, 50-51-сон, 503-молда; 2008 й., 14-15-сон, 94-молда, 52-сон, 509-молда, 514-молда; 2009 й., 15-сон, 179-молда, 52-сон, 553-молда; 2010 й., 35-36-сон, 300-молда; 2012 й., 37-сон, 421-молда; 2014 й., 36-сон, 452-молда; 2015 й., 32-сон, 425-молда; 2017 й., 13-сон, 194-молда. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, No. 6, Article 175; 2003, No. 9-10, Article 149; 2004, No. 1-2, Article 18; Gazette of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 6, Art. 248; Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 39, Art. 401, Art. 50-51, Article 503; 2008, No. 14-15, Article 94, Article 52, Article 509, Article 514; 2009, No. 15, Article 179, Article 52, Article 553; 2010, Article 35-36, Article 300; 2012, No. 37, Article 421; 2014, No. 36, Article 452; 2015, No. 32, Article 425; 2017, Article 13, Article 194.)

7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-молда; 2015 й., 28-сон, 378-молда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2018 й., 10/18/2495-2/1471-сон, 25.08.2018 й., 10/18/2495-3/1789-сон.

8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.06.2018 й., 09/18/3786/1368-сон. (National database of legislation information, 20.06.2018, No. 09/18/3786/1368.)

9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2018 й., 09/18/497/1437-сон. (National database of legislation information, 03.07.2018, № 09/18/497/1437)

10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2018 й., 07/18/4075/2370-сон. (National database of legislation information, 25.12.2018 у., 07/18/4075/2370)

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг маълумотлари. (Data from the Main Directorate for Prevention of Torture of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan)

12. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2019 й., 09/19/251/2838-сон. (National database of legislation information, 27.03.2019, No. 09/19/251/2838)

13. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон. (National database of legislation information, dated 23.01.2018, No. 06/18/5308/0610.)

14. Федеральный закон от 2 апреля 2014 г. N 44-ФЗ "Об участии граждан в охране общественного порядка". <https://мвд.рф>. (Federal law of April 2, 2014 N 44-FZ "On the participation of citizens in the protection of public order" .<https://мвд.рф>.)

15. Закон от 26 июня 2003 г. № 214-З. Об участии граждан в охране правопорядка. <https://belzakon.net>. (Law of June 26, 2003 No. 214-3. On the participation of citizens in law enforcement. <https://belzakon.net>.)

16. Об участии граждан в обеспечении общественного порядка. Закон Республики Казахстан от 9 июля 2004 года № 590. <http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z040000590>. (On the participation of citizens in ensuring public order. Law of the Republic of Kazakhstan dated July 9, 2004 No. 590. <http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z040000590>.)

17. Об участии граждан в обеспечении общественного порядка. 3 декабря 2009 года №566. [http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=30139](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=30139). (On the participation of citizens in ensuring public order. December 3, 2009 №566.

[http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=30139](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=30139).)

18. Об участии граждан в охране общественного порядка и государственной границы. Закон Украины от 22 июня 2000 года № 1835-III. <http://omega-kherson.com.ua/index.php/zakonodatelstvo?id=94>. (On the participation of citizens in the protection of public order and the state border. The Law of Ukraine of June 22, 2000 No. 1835-III. <http://omegakherson.com.ua/index.php/zakonodatelstvo?id=94>.)

19. Президент Ильхам Алиев подписал указ об участии граждан в охране общественного порядка. 2 марта 2016 17:53 (UTC+04:00). <https://www.trend.az/azerbajjan/politics-/2502005.html>. (President Ilham Aliyev signed a decree on the participation of citizens in the protection of public order. March 2, 2016 17:53 (UTC + 04: 00).

<https://www.trend.az/azerbajjan/politics-/2502005.html>.)

---

---

**МУНДАРИЖА**

<b>1. Babajanova Dinara Islamovna.</b>	
LEGAL REVIEW OF CRITERIA OF DEVICE OF CHILDREN REMAINED WITHOUT THE SUPPORT OF PARENTS.....	4
<b>2. Nematov Jurabek Nematilloevich.</b>	
SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES AS AN INSTITUTE OF LAW.....	12
<b>3. Khujanazarov Azizjon Anvarovich.</b>	
GENERAL THEORETICAL BASES OF THE USE INFORMATION IN ELECTRONIC VIEW IN CRIMINAL PROCEDURAL PROVING.....	28
<b>4. Saitkulov Kodirali Abdusalimovich.</b>	
SOME QUESTIONS ON THE CAUSES AND CONDITIONS, METHODS OF COMMITTING A CRIME FRAUD AND ITS VICTIMOLOGICAL PREVENTION.....	32
<b>5. Khamdamova Firuza Urazalieva.</b>	
CLASSIFICATION AND DEVELOPMENT TRENDS OF INTERNATIONAL LEGAL COOPERATION MECHANISMS IN THE FIELD OF WOMEN'S RIGHTS.....	38
<b>6. Shakhzod Alikhanovich Saydullaev.</b>	
IMPROVING THE LEGAL CONSCIOUSNESS AND LEGAL CULTURE OF THE SOCIETY IS AN IMPORTANT DIRECTION OF THE STRATEGY OF ACTION.....	47
<b>7. Azizov Nasimbek Abdumuxtorovich.</b>	
SUMMARY PROCEEDINGS IN THE ECONOMIC COURT OF THE FIRST INSTANCE AND THE ISSUES OF IT'S IMPROVEMENT.....	55
<b>8. Pulatov Azizkhon.</b>	
THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF THE INSTITUTE A WITNESS IN CRIMINAL PROCEDURAL LAW.....	79
<b>9. Usmanova Muborak Akmalovna.</b>	
THE IMPROVEMENT ISSUES OF THE LEGISLATION IN PENSION PROVISION.....	84
<b>10. Asadov Shavkat Gaybullaevich.</b>	
THE CONCEPT OF PUBLIC AUTHORITY AND ITS POLITICAL AND LEGAL SIGNIFICANCE.....	88
<b>11. Nuridullaev Asliddin Akhrorovich.</b>	
IMPROVEMENT OF LIABILITY FOR ENVIRONMENTAL CRIME: THE POSSIBILITY OF IMPLEMENTING INTERNATIONAL EXPERIENCE.....	96
<b>12. Isamutdinov Ravshan Rakhmonovich.</b>	
LEGISLATIVE-INSTITUTIONAL BASES OF SOCIAL UNIONS, PERFORMING AN ASSISTANCE FOR GRANTING SOCIAL SECURITY.....	103

---

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ  
ИССЛЕДОВАНИЙ**

**JOURNAL OF LAW RESEARCH**

**2019 №7**

---



**Масъул муҳаррир:** Шоҳруд Файзиёв

**Мусахҳиҳ:** Сураё Раҳмонова

**Техник муҳаррир:** Акбар Юлдашев

---

**Контакт Редакция журнала "Правовые исследования":**  
**ООО Expert Lawyers** город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.  
**www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000**